

88.492


И 81

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Н.ИСМОИЛОВА, Д.АБДУЛЛАЕВА

ТРЕНИНГ ЎТИШ
МЕТОДИКАСИ
(МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА)



М.И.Б 923907

ТОШКЕНТ – 2009

Мазкур методик кўлланмада психологиянинг муҳим соҳаларидан бири тренинг ўтиш методикасига доир назарий ва амалий масалалар қамраб олинган. Кўлланмада тренинг усулиниңг мөхият мазмуні ривожланиш тарихи, тренинг усулиниңг кўллашга қўйиллаётган талаблар, шунингдек тренер шахсига қўйладиган талаблар айниқса турли мавзулардаг тренинг машғулотларининг намуналари келтирилган.

Мазкур методика кўлланма «Педагогика ва психология» факультети бакалавр ҳамда магистрантлари, шунингдек, тренинг муаммоси билан боғлиқ масалаларга қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар: Психология фанлари номзоди Ш.Самарова
Психология фанлари номзоди, доцент
Н.Ғ.Камилова

Масъул мухаррир: Психология фанлари номзоди, доцент
Ф.И.Хайдаров

Низомий номли ТДПУ нинг 2009 йил 28 май № 12 сонли қарор билан тасдиқланган.

КИРИШ

Республикамиз мустақиллікка әришганидан сүнг энг ахамиятли ва устувор вазифа сифатида давлат сиёсати даражасига күтарилган масалалардан бири - таълим соҳасини ислоҳ қилиш масаласи бўлди. Бу борадаги асосий талаблардан бири – кадрлар тайёрлашда сифат даражасини яхшилаштириш. Бу талабга жавоб бериш учун бошланғич таълимдан бошлаб Олий таълимгача бўлган соҳани талаб даражасидаги адабиётлар билан бойитиш мақсадга мувофиқ деб топилди ва бу борада талай ишлар амалга оширилди.

Кейинги йилларда айниқса психология соҳасида яратилган адабиётлар рўйхати фикримизнинг далили бўла олади.

Психология соҳасиининг ўзи ҳам кейинги ўн йиллар мобайнида анчагина ривожланди. Шунингдек, психология соҳасиининг алоҳида йўналишлари сифатида Ижтимоий Психологик Тренинг (ИПТ) тармоғи ҳам ривожланди. Фан сифатида ривожланаётган Тренинг ўтказиш методикаси мазмун жиҳатдан айнан ИПТ қандай ташкил этилиши ва ўтказилиши борасидаги масалаларни ёритишига бағишлилари.

Ўкув қўлланмада айни кунда мухим соҳа сифатида ривожланаётган тренингни барча босқичлари, тренинг турлари, тренинг ўтказишда қўлланиладиган усууллар батафсил ёритилган.

Шунингдек, қўлланмада тренинг ўтказувчи дуч келиши мумкин бўлган муаммолар ва уларни бартараф этиш учун тавсияларга ҳам тўхтаб ўтилган.

ПСИХОЛОГИК ТРЕНИНГ ҲАҚИДА ТУШУНЧА
ҮНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ
Тренинг ҳақида тушунча
Психологик тренингнинг мақсади ва вазифалари

Кейинги йилларда жамиятдаги инсонлар саломатлиги муаммоси давлат сиёсати даражасига кўтарилиши билан бирга қувонарли ҳол шундан иборатки, ҳар бир киши ўз саломатлигига нисбатан онгли муносабатда бўлмоқда. Саломатлик деганда нафакат жисмоний балки, президентимиз таъкидлаганлариdek, "... ҳар томонлама, яъни ҳам жисмонан, ҳам руҳан, ҳам маънан" соғлом бўлишга эътибор берилаётганлиги ҳам бизнинг ютуғимиздир.

Замонавий психологик адабиётларда ва бу соҳадаги мутахассислар орасида тренинг атамаси жуда кўп ишлатилмоқда. Тренинг инглиз тилидан олинган бўлиб, "машқ қилиш", "такрорлаш" маъноларини билдиради. Психологик тренинг ҳақида гап кетганда, бу атама кўпчилик томонидан "муаммоларни ечими топиладиган машғулот" сифатида қабул қилинади. Аслини олганда тренинг машғулотлари кишиларнинг муаммоларини ҳал қилмайди, балки шу муаммоларнинг асосини тахлили қила олиш учун лозим бўлган кўникма ва малакаларни ҳосил қиласди. Яъни ТРЕНИНГ – шахсда мавжуд бўлган ёки вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш мақсадида турли хил ўйин ва машқлар орқали ўтказиладиган машғулот ҳисобланади.

Тренингга таъриф бериш ёки уни тушунтиришда турли муаллифлар томонидан турлича ёндашувлар келтирилган бўлсада, уларнинг аксарияти тренинг машғулотлари ўйин ва машқлар орқали амалга оширилишига ва тренинг жараёнидаги кўникма ва малакалар ҳосил этилишига эътибор қаратгандар.

Жумладан, О.Горбушина, тренинг – бу шахсни ўзgartиришга қаратилган хиссиётларга бой бўлган машғулотdir, деб таърифлайди.

Шундан келиб чиқсан ҳода тренингни мақсади ва вазифаларига ҳам аниқлик киритиб олиш мумкин. Ўтказиладиган психологик тренингларнинг мақсади куйидагича бўлиши кузатилади:

- ◆ Шахса мулокотчанлик кўникмаларини ҳосил қилиш;
- ◆ Ҳаётдаги қарама-қаршиликларини тўғри тушуна олиш ва тахлил қилишга ўргатиш;

- ◆ Шахснинг ички ҳолати (рухияти)ни ўзгартиришга эришиш;
 - ◆ Шахсни камолоти учун зарур бўлган кўнижмаларни хосил қилиш;
 - ◆ Фавқулодда вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиш кўнижмасини хосил қилиш.
- Тажрибалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тренинглар учун умумий бўлган вазифалар мавжуд бўлиши мумкин эмасю. Чунки ҳар бир тренинг ўз олдига қўйган ўзининг ўзига хос ва мос вазифаларига эгаки, шнга мувофиқ ҳолда ҳам айтиш мумкин, тренингларда вазифа сифатида ҳар бир танлаб олинган муаммо юзасидан маълум ҳолатлар назарда тутилади. Лекин умумий ҳолда психологияк тренингларнинг вазифаларига қўйидагиларни киритиш мумкин:
- ◆ Гурух аъзоларининг бир-бирлари билан танишувини ташкил этиш;
 - ◆ Гурух аъзолари билан биргалиқда нормаларга амал қилишга ўрганиш;
 - ◆ Гурух аъзоларининг муаммоларини гапиртиришга шароит яратиш;
 - ◆ Гурух аъзолари ўртасида ўзаро дўстона мухит яратиш;
 - ◆ Гурух аъзоларининг кайфиятини кўтариш;
 - ◆ Гурух аъзолари ўртасида самимийлик мухитини яратиш;
 - ◆ Гурух аъзоларининг ўзаро жиселигини, ахиллигини таъминлаш;
 - ◆ Гурух аъзоларининг “қайта алоқа”сини таъминлаш;
 - ◆ Гурух аъзоларида турли хил ҳаётий кўнижма ва малакаларни хосил қила олувчи машғулотлар ташкил этиш.

ТРЕНИНГ ТАРИХИ

Психологияда тренинг гурухларининг вужудга келиши

Гурухларда тренинг ўtkазишга багишланган ишлар тарихи шуни кўрсатадики, бу борадаги ишлар дастлаб айнан психологик маъно ва мазмун касб этмаган. Бу соҳа асосан психосоматик касалликлар билан бемэрлар гурухини бир жойда даволашга ҳаракатдан бошланган. Бунда дастлабки тадқиқотлардан бири сифатида австрリアлик психиатр Ф.А.Месмернинг (1734-1815й.й) ва америкалик шифокор Джозеф Праттнинг (1930й) олиб борган

ишларини келтириш мумкин. Улар ҳар иккаласи ҳам гурухий терапея усулини күллаган ҳолда ўз қасалларини даволашга ҳаракат килғанлар. Д. Пратт дастлаб ўз беморларини гурухий даволашнинг фақат иқтисодий жиҳатдан фойдалилигини антлаган холос, у гурухда иш олиб боришининг психологик жиҳатларига эътибор ҳам бермаган. Лекин аста-секин у шу нарсага амин бўлганки, психотерапеяда асосий холат – гурухий ўзаро таъсири – уларнинг қасалликдан соғайишларига ҳам катта таъсири кўрсатаётганлигини қузатган. Д. Праттнинг тадқиқоти гурухий терапеяда дастлабки қадам бўлган бўлса, бу соҳада иккинчи қадам сифатида Фрейднинг психоанализ назариясини давом эттирувчиларан бири бўлган – Тригант Барроунинг ишларини таҳлил қилиш мумкин. Т. Барроу 1925 йилда ёк гурухий таҳлил (групповой анализ) атамасини киритганки, бунда у кишиларни тушуниш учун улар билан бирга бўлган ижтимоий гурухларни ўрганиш лозимлигини қайд этган.

Гурухий терапея ҳақида гап кетганда Я. Моренонинг ишларини ҳам гапириб ўтиш лозимки, ўз вактида у ҳам бу соҳани тушуниш учун анчагина ишларни амалга оширган. У гурухий терапеяда асосий бўлган психодрамманинг асосчиси ҳисобланади. У 1932 йилда гурухий психотерапея атамасини киритди.

XX асрнинг 50-60-йилларида келиб психотерапевтлар орасида гурух билан иш олиб боришга қизиқиши ортди. Улардан бири – психологияядаги гуманистик йўналишни ривожланишига ҳисса кўшган олимлардан бири Карл Роджерс ҳисобланади. Унинг иши бошқалардан шуниси билан фарқланадики, у гурух бошқарувчисини мутахассис ёки мижозни даволовчи шифокор эмас, балки, иштирокчилар билан тенг бўлган, улар билан ўзаро тенг муносабатда бўла олувчи шерик сифатида карайди.

1960 йилларда К. Роджерснинг гуманистик психология анъанаисига мос ҳолда ижтимоий ва ҳаётий кўниқмаларни шакллантирувчи тренинглар ўтказила бошланди. Бу тренинглар ўқитувчилар ва менеджерларнинг қасбий малакаларини ва тайёргарлигини ошириш мақсадида амалга оширилган. Ҳаётий кўниқмаларни шакллантириш юзасидан олиб борган тренингларда иштирокчиларга йўналтирилган учта асосий моделдан фойдаланилган.

Биринчи модел ҳаётий кўникмаларнинг етти хил турини ўз ичига олган бўлиб, булар: муоммоларни еча олиш, мuloқот, ўзига ишончни саклаб туриш, танқидий тафаккур, қатъиятлилик, Мен – концепциясини ривожлантириш ва ўзини бошқара олиш кўникмалариdir.

Иккинчи модел тренингни асосий мақсади сифатида ҳаётий кўникмаларнинг тўртта категориясини ўз ичига олади. Булар: шахслараро мuloқот, саломатлигини асраш, қарор қабул қилиш ва муаммоларни ечиш кўнималариdir.

Учинчи модел ўз хиссиятларини назорат қилиш, шахслараро муносабат, ўзини тушуниш, ўзини иқтисодий ҳимоя қилиш, ўзини кўллаб-кувватлаш кўникмаларини хосил қилишга қаратилгандир.

Руҳий ишни ташкил қилиш борасида Курт Левин ҳам иш олиб борган бўлиб, у ўз тадқиқотлари натижасида шундай хулосага келадики “Кишиларнинг индивидуал хусусиятларини аниқлашда уларни алоҳида алоҳида текширгандан кўра битта гурухга жемлаб текшириш осонроқ кечади”. Гурухий терапияни муваффақиятни таъминловчи сабаблардан бири ўйин ва машқлар жараённida хиссий муносабатлар натижасида иштирокчиларнинг бир-бирига бўлган муносабати ниҳоятда илик бўлади. Шу билан биргаликда тренинг гурухларда инсон ўзига ўтисбатан бошқалар томонидан илик муносабатни, ишончни, меҳрни ва ёрдам беришга тайёрлик хисларини сезади.

Даволовчи врач ёки мутахассис билан эмас гуруҳдаги иштирокчилар билан ўз муаммоларини ҳал қилиш ҳар бир иштирокчида кулагилик хиссини вужудга келтиради. Шу йўналишда олиб борган ишлари натижасида Лэкин (1972) психокорекцион гурухлар учун умумий бўлган 6 та жараённи ажратиб кўрсатади:

1. Хиссиятларни ифодалаш енгил кечади;
 2. Гурухга тааллуқлилик хисси тугилади;
 3. Ўзини-ўзи намоён қилишга масъуллик сезади;
 4. Хулқ-атворнинг янги кўринишларини ўзлаштиради;
 5. Шахслараро муносабатларни солишишида гурух билан бирга хулоса чиқазади;
 6. Гуруҳни бошқаришда маълум бир лидернинг жавобгарлиги хис қилинади.
- Бу жараёнлар деярли барча психокорекцион гурухларда олиб бориладиган ишларда кузатилган.

Психокоррекцион гурухларни муаммосининг ечилишига қараб раҳбарларни тайёрлаш ва шахслараро муносабат кўнимкамаларини ўргатиш, шахсни баркамоллаштирувчи, турли хил руҳий зўриқишлиарни бартараф этувчи гурухларга ажратиш мумкин. Ҳар қандай турдаги гурухнинг камрови жуда кенг бўлади: ахборот олиш ёки вазифани бажаришга қаратилган гуруҳдан то шахсни баркамоллаштириш ёки тушунишга қаратилган гурухгача; бошқарувчига йўналтирилган гурухдан то иштирокчига йўналтирилган гурухгача; юкори тузилмадаги гурухдан то паст тузулмадаги гурухгача, қиска вақтли гурухдан узқ вақтга мўлжалланган гурухгача; соғлом одамлар гурухидан то касаллардан тузилган гурухгача.

Мулоқот жараёнида компитетликни ошириш юзасидан дастлабки иш К.Левиннинг шогирдларига тегишли бўлиб, улар АҚШнинг Бетел шахрида тренинг гурухини ташкил этиб, улар билан иш олиб борганлар ва Т – гуруҳ номини олган. Улар ишининг асосида куйидаги гоя ётади: кўпчилик одамлар гурухларда ишлайдилар ва яшайдилар, лекин улар кўпинча бу гуруҳда қандай иштирок этаётгани, атрофидаги одамлар уларга қандай кўз билан караётгани, уларнинг хулқ-автори ва хатти-харакатларига нисбатан қандай муносабат билдираётганилиги ҳакида ўйлаҳам ўрмайдилар. К.Левин кишиларнинг хулқ-авторида ва установкаларида юзага келадиган ўзгаришлар улар билан алоҳида ишлаганда эмас балки маълум бир гурухга бирлаштириб ишланганда самаралирек бўлганлигини таъкидлайди. Шунинг учун одам ўзидаги установакаларни ўзгартириш ёки хулқ-авторнинг янги шаклларини вужадга келтириш учун атрофдаги одамлар унга нисбатан қандай муносабатда бўлишига қараб ҳаракат қилишлари лозим.

К.Левиннинг шогирдлари томонидан гурухлараро муносабатлар соҳасида олиб борилган ишлар АҚШда тренинг бўйича милий лабораториянинг тузулишига асос солди. Бу лабораторияда базавий кўнимкамаларни хосил қилиш бўйича гуруҳ тузилган эди. Олиб борилган ишлар натижасида Т-гуруҳ амалиёти ривожланди. Бу гурухда раҳбарлар, менеджерлар, сиёсий лидерлар иштирок этиб, уларда шахслараро ўзаро муносабатда самарали мулоқот ўрнатиш, бошқариш, низоларни ҳал қилиш ва гурухларни жипслаштириш кўнимкамалари шакллантирилди. Баъзи Т-грухлар эса инсоннинг ҳаётий қадриялари ва ўзига тўғри баҳо бериш ва ўзига

нисбатан ижобийлик хисларини кучайтиришга йўналтирилган эди. Бундай Т-гурухларнинг дастлабкиси 1954 йилда ташкил этилган бўлиб улар **сензитив** гурухлар деб юмланган.

1970 йилларда Лейпциг ва Йенском университетларида М.Форверг раҳбарлиги остида ижтимоий-психологик тренинг усули ишлаб чиқилди. Бу тренингда саҳна кўриниши элементларини ўз ичига олган ролли ўйинлардан фойдаланилди, уларнинг мақсади самарали мулоқот кўникмаларини шакллантиришга қаратилган эди.

Рус психологиясида ҳам ижтимоий психологик тренинг ўзига хос тарзда кенг кўламда ўрганилган ва ишланган. Ижтимоий психологик тренинг юзасидан дастлабки монография 1982 йилда Л.А.Петровский томонидан нашр этилган бўлиб унда ижтимоий-психологик тренингни назарий ва услубий аспектлари ёритиб берилган. Кейинчалик бу ишлар аста-секин ривожлана борди. XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб рус психологиясида психологик тренинглар муаммоси шитоб билан ривожланишини кузатиш мумкин. Бу борада рус психологларидан бир қанча олимлар иш олиб борган. Россиядаги ижтимоий-психологик тренингнинг назарий ва методик жиҳатларига бағишлиланган қўлланмалардан дастлабкиси 1982 йилда Л.А. Петровский томонидан оммага тақдим этилган. Бугунги кунда бу қўлланмада берилган методлар болалар, ота-оналар, ижтимоий гурухлар (иш жараённида инсонлар билан мулоқотга кирувчилик), ташкилот раҳбарлари билан ишлашда, яъни юқорида саналган гурухлар билан тренинглар ташкил қилишида, ишни олиб боришда фаол қўлланилиб келинмоқда.

Мамлакатимизда ҳам психология соҳасининг бир йўналиши сифатида психологик тренинглар кейинги йилларда анчагина ривожланаётганлигини кўриш мумкин. В.Каримова, Т.М.Адизова, Ф.Акромова кабиларнинг ишларида бу соҳага тегишли маълумотларнинг ёритилганлигини кўриш мумкин.

ТРЕНИНГНИ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Психологик тренингта мурожаат этувчилик гурухи

Хозирги даврда одамлар орасида психологик муаммоларга дуч келиш ва бу муаммолар натижасида руҳий зўриқишилар, асабийлашиш ҳоллари нисбатан анча кўп кузатилаётганлиги сир

эмас. Бундай рухий зўриқишиш ва асабийлашишиларнинг натижасида инсонларда турли хаётин муаммолар, жумладан шахслараро муносабатларнинг бузилиши, юрак-қон томир, асаб тизими касалликларининг вужудга келаётганлиги кўпчиликни, айниқса кенг жамоатчиликни, шунингдек айнан психолог мутахассисларни хам ташвишга солаётганлиги бежиз эмас. Айтиш мумкинки бундай асабийлашиш ҳолатлари турли дараҷадаги зўриқишилар натижасида вужудга келмоқда.

Айни кунларида асабийлашиш ҳолатлари кузатилаётган куйидаги кишилар гурухини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз:

І. Болалар орасида:

1. Мактабгача тарбия муассасалари болалари орасида кузатиладиган асабийлик ҳолатлари

2. Кичик мактаб ёши ўқувчилари орасида кузатиладиган асабийлик ҳолатлари;

3. Ўсмиirlар орасида кузатиладиган асабийлик ҳолатлари;

П. Катталар орасида:

1. Иш жойларида (раҳбар ёки ходимлар орасида) кузатиладиган асабийлик ҳолатлари;

2. Оиласда (эр-хотин, қайнона-келин, ста-она ва фарзандлар орасида) кузатиладиган асабийлик ҳолатлари;

3. Кексалар орасида (психологик ўзгаришлар натижасида) кузатиладиган асабийлик ҳолатлари.

Юқорида санаб ўтилган асабийлашишлардан келиб чиқадиган муаммолар мавжуд бўлиб, бу муаммоларни ечиш имконини топа олмаслик натижасида психологик маслаҳат ва психологик коррекцияга муҳтож бўлиб қоладиган бир неча хил гуруҳлар вужудга келадики, булар:

1. Мулоқотчанликнинг этишмаслиги муаммосидан сиқилган кишилар гурухи.

2. Иқтисодий этишмовчиликдан сиқилган кишилар гурухи.

3. Ўз яқинларини йўқотиб сиқилган кишилар гурухи.

4. Турли баҳтсиз ходисалардан кейин рухий зўриқишиларни бошидан кечираётган кишилар гурухи.

5. Бегона жойга кўчиб келиб, туб аҳолининг босимидан сиқилган кишилар гурухи.

6. Раҳбарлар томонидан ёки ўзидан катталар томонидан шахсиятига тегилган ҳолларда сиқилишга дуч келган кишилар гурухи.

7. Янги ўқиши ёки иш жойига мослаша олмасдан сиқилишга дуч келган кишилар гурухи.

8. Чекиши, ичиши, наркотик моддалар истеъмол қилишдан кутила олмаслиқдан сиқилаётган кишилар гурухи.

Юкорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал қилишда психологик тренинг деб аталаувчи ўйин ва машқлар тўпламидан иборат машгулотлар ёрдам беради.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, тренинг жараёнида муаммоларни ечиш ҳам, бу борадаги билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш ҳам тренердан шахс психологияси, шахс индивидуал психологияси билан ишлашни тақозо этади. Щунинг учун психологияда бундай тренинглар психологик тренинглар деб аталади.

Ҳар қандай психологик тренингларни ташкил этиш қуидаги босқичлардан ташкил топади.

1. Гурухни ташкил этиш ёки йиғиш босқичи.
2. Бошлангич босқич.
3. Ишни олиб бориш босқичи.
4. Якунлаш босқичи.

Юкорида саналган барча босқичларнинг ўзига хос мухим жиҳатлари мавжуд бўлиб, қуида шу ҳақда сўз юритилади.

ГУРУХНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЁКИ ЙИҒИШ БОСҚИЧИ **Гурухни ташкил қилиш босқичи**

Гурухни ташкил этиш босқичи – тренинг гурухини, яъни тренингда иштирок этувчилар гурухини йиғишга қаратилган босқичдир. Гурухни ташкил этиш босқичида қуидаги мухим жиҳатларга эътибор бериш керак:

Аввало, тренингда катнашиш истагини билдирган ҳар бир иштирокчи билан тренер ёки унинг гурухда бирга ишлалига мўлжаллаган шериги индивидуал сухбат олиб бориши лозим. Бу сухбатдан мақсад гурухнинг ҳар бир аъзосининг мотивини аниқлаш орқали гурух мотивациясини аниқлашдан иборатдир. Бу сухбатда иштирокчига асосан қуидаги саволлар билан мурожаат қилинади. Сизда, оиласи (ота-онангиз, турмуш ўртоғингиз, фарзандингиз ёки бошқалар билан) ёки ишда (раҳбар ёки ҳамкасларингиз билан) қанақадир муаммо борми? Тренингда иштирок этишга сизни нима

мажбур қиляпти? Тренингдан нима күтапсиз? Тренинг сизга нима беради деб ўйлайсиз?

Бундан ташқары иштирокчининг индивидуал психологияк хусусиятларини аниклаш мақсадида психологик методикалардан (Кеттел, Люшер тести, СНД - Субъектив назорат даражасини аниклаш методикаси ва шунга ўхшаш проектив тестлардан) фойдаланиши мумкин. Баъзи ҳолларда (агар иштирокчиларнинг психикаси ва хулқида жиддий ўзгариш борлиги сезилса) MMPI сўровномасининг мослаштирилган вариантларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Индивидуал сұхбат натижасида тренер гурухнинг ҳар бир аъзоси ҳақида маълум бир информацияга эга бўлиш билан бирга, гурухнинг умумий аҳволи ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлади. Бу маълумотлар унга гурухнинг муаммоси юзасидан ўтказиладиган тренинг дастурини тузишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Индивидуал сұхбат охирида тренер иложи борича бўлажак иштирокчининг "Мен ҳақимда нима дея оласиз", "Тест натижаси қанака чиқди" деган саволларига жавоб беришдан қочишга ҳаракат қилиши лозим. Чунки бундай маълумотларнинг иштирокчи хукмига ҳавола этилиши иштирокчидаги турли ўзгаришларни юзага келтириши мумкин.

Тренингни ташкил этишда мухим жиҳатлар

Гурухни ташкил этиш босқичида асосий жиҳатлардан бири сифатида тренингни ташкил этишнинг мухим жиҳатларини таъкидлаб ктиш керак бўлади. Тренингни ташкил этишнинг мухим жиҳатлари сифатида қўйидагиларга алоҳида эътибор ҳаратиш мақсадга мувофик:

Тренинг ўтказиладиган хона. Ҳар бир иштирокчи хонада ўзини эркин ҳис этиши учун лозим бўлган барча шароитларнинг бўлиши тренингни самарасини таъминловчи омиллардан биридир. Шуни ҳисобга олган холда тренинг машғулотлари ўтказиладиган жой шинам, кенг, эркин ҳаракатланишга мўлжалланган, керакли анжомлар билан жиҳозланган бўлиши тавсия этилади. Хонанинг бир чеккасида думалоқ шаклда кўйилган стуллар, бир чеккасида юмшоқ мебель ўриндиклари, 2-3 дона стол, аквариум, деворда 1-2 дона манзарали тасвир акс эттирилган расмлар, имкон даражасида чиройли манзарали гуллар бўлиши лозим. Булардан ташқари

машғулот жараёнида фойдаланиш учун магнитофон, телевизор, видеоплеер, проектор, компьютер жиҳозлари бўлиши керак. Хонада иштирокчиларнинг орасига тўсик бўладиган ортиқча жиҳозлар (стол, стуллар) бўлмаслиги тавсия этилади.

Тренинг ўтказиладиган хона албатта изоляцияланган бўлиши шарт, яъни ҳеч ким уларни безовта қилиши мумкин эмас ва улар ҳам бошқаларга ҳалақит бермаслиги керак. Чунки тренинг машғулотлари ҳиссиётларга бой жараён ҳисобланаб, айнан бундай ҳолатда кимнингдир оддийгина эшикни чиб қараши ҳам иштирокчиларни бу ҳиссиётдан чиқариб юбориши, уларнинг дикқатининг бўлинишига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари гурухдаги доимий баҳс-мунозаралар, ўйин ва машқлар натижаси бўлган шовқин атрофдагиларга ҳалақит бериши керак эмас.

Бундай шароитлар яратиш ҳар бир тренер учун имкон даражасидан келиб чиқади. Шунинг учун бундай хонага эга бўлмаган ҳолатларда тренинг ўтказиш мумкин эмас деган хуносага келмаслик лозим. Оддий хоналарда ҳам гуруҳ аъзоларини доира шаклида жойлаштирилган стуллар қўйиб тренинг машғулотлар олиб борилиши ҳолатлари бўлади. Яъни тренинг жараёнида асосий эътибор иштирокчиларнинг доира шаклида ўтиришига краттиши керак. Доира шаклида ўтиришнинг афзаллиги шундаки, ҳамма иштирокчилар бир-бирининг борлигини ҳис қилиши ва бир-бирини кўриб туришига имконият яратилади. Бу эса иштирокчиларда бир-бирига эътиборни ортириш билан бирга машғулотларга дикқат билан муносабатда бўлиш ҳиссини, шунингдек ўзаро ишонч, ўзаро қизикиш каби хусусиятларни вужудга келтиради. Бундан ташқари, доира шаклида ўтириш бошловчи ва иштирокчилар орасида эркин мулоқотда бўлиш имкониятини яратади. Айниқса, ўсмиirlар гурухи билан ишлаганда, улар қаршисида ўқитувчининг бўлмаслиги ўсмиirlарда ҳақиқий тенгликтини ҳис этишга ёрдам беради. Бу орқали гуруҳ аъзоларининг ҳақиқий ижтимоий тенглигини таъминловчи психологик мухит (иклим) яратилади.

Баъзи тренинг хоналари оддий гиламлар тўшалган ва иштирокчилар гиламларнинг устида ўтирган ҳолда машғулотлар ташкил этиладиган ҳолатлар ҳам бўлади.

Тренинг жараёнида гуруҳ аъзолари сони 8-10 кишидан 19-20 гача бўлиши маъкул вариант ҳисобланади. Энг идеал, яъни тренер учун ишлаш енгил ва юқори самараага эришиш мумкин бўлган гуруҳ 13-15 кишидан иборат бўлган гурухдир. Иштирокчиларнинг

күпайиб кетиши ўзаро ишонч мухитининг таркиб топишига халақит бериши мумкин. Аъзолари кам бўлган алоҳида гурухларда эса иштирокчилар бир-бирларидан тез зерикишлари эҳтимоли мавжуд. 13-15 кишилик гурухда гурух аъзолари ва тренер бир-бирларини тезрок тушунадилар ва уларнинг ахиллашишлари осон кечади.

Лекин баъзи тренинглар тавсия этилган сондан кўпроқ кишилар билан машғулот ўтишга ҳам тўғри келиши мумкин. Агар гурухда иштирокчилар сони 25 кишидан ортиб кетса дастур ва машқлар иштирокчиларни бир неча гурухларга бўлган ҳолда ўтказилади, аммо бунда кўп вақт талаб этилади ва иштирокчиларнинг дикқати бўлинади. Айнан психологияк тренинг учун бундай ҳол тавсия этилмайди, чунки бу кутилган натижага эришишга халақит беради ва иштирокчиларнинг норозилигига оли келиши мумкин.

Тренингда иштирокчиларнинг жинси масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Иштирокчилар орасида аёл ва эркаклар сони имкони борича тенг бўлиши керак. (7та аёл бта эркак, ёки бта аёл 9та эркак). Чунки қайсиdir жинс вакилининг кўп, қайсиnisинингdir кам бўлиши гурухнинг ўзаро эркин муносабатда бўлиши ва улар орасида ишонч мухитининг вужудга келишига халақит бериши мумкин. Бундан ташкири гурухда эркаклар сонининг кўп бўлиши (10та эркак 5та аёл) олиб борилаётган баҳс-мунозараларда эркакларча муносабатнинг устун бўлишига, аксинча ҳолат (12 аёл 4-5та эркак) эса аёлларга хос фикрларнинг устунлик қилишига олиб келиш эҳтимолини оширади..

Тренинг иштирокчиларининг ёши иложи борича тахминан тенг бўлиши, яъни улар орасидаги фарқ 4-5 ёшни ташкил этиши мақсадга мувофиқ. Алоҳида қайд этиш лозим, 45-50 ёшдан катталар учун тренинг жуда катта ва аҳамиятли тавсирга эга бўлмаслиги ва улар кутганчалик натижка бермаслиги ҳам мумкин.

Тренинг машғулотларининг давомийлиги куйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ:

1. Ҳафтасига 4-5 кун 8 соатдан (орада 1 соат, 30 минут танаффус берилади). Бу энг самарали натижка беради.
2. Ҳафтасига 2-3 кун ҳар куни 4-5 соат. Самарали натижка беради.
3. Ҳафтасига 1 кун 3-4 соатдан. Камроқ самара бериши кутилади.

Хар қандай тренинг тренернинг қисқача маълумот бериш билан бошланади. Бунда у тренингнинг максади, вазифалари, шунингдек, иштирокчилар эгаллаши мумкин бўлган натижалар ҳақида гапиради. Яъни иштирокчиларга тренинг ҳақида тушунча, унинг қандай ташкил қилиниши, ўтказилиши ва иштирокчилар тренинг охирида қандай натижаларга эришиши мумкинлиги тушунтирилади.

Тренинг машғулотларини ташкил этишда яна қуидаги ҳолатларни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Психологик тренинг машғулотларида (ногиронлар билан ўтказиладиган махсус тренингларни ҳисобга олмаганда) ташки жисмоний камчиликга эга бўлган ва психик ҳолатида бузилишлар бўлган кишилар иштирок этмаслиги лозим. Негаки, бундай ҳолатларда айнан ана шундай камчиликка эга бўлганларда акс таъсир бўлиши эҳтимоли кучлироқлиги ҳар қандай мутахассис учун тушунарли бўлса керак.

Тренингда муаммоси бир хил бўлган одамларни тўплаш керак. Тренинг иштирокчилари иложи борича бир-бирига нотаниш бўлишлари лозим. Ҳар бир иштирокчи ўзи учун ўзи пул тўлаши шарт. Бу эса иштирокчиларнинг тренингда қатнашишидаги ташкилий жараёнларда ёрдам беради ва уларнинг мотивациясини кучайтиради. Расмийлашган гурӯҳ бўлишига йўл кўймаслик лозим. Тренердан аудитория эркин бўлишини таъминлаш ва аудиторияни яхши билиш талаб этилади.

ТРЕНИНГНИ БОШЛАНГИЧ БОСҚИЧИ

Тренингни биринчи куни

Тренинг машғулотининг бошлангич босқичи тренингнинг самарадорлгини таъминлашда асос бўлиб хизмат қиласди. Бу босқич биринчи кундаги қуидаги босқичларини ўз ичига олади:

1. Гурӯхий нормаларни ишлаб чиқиш босқичи
2. Танишув босқичи *"Dayta alega bosqichi."*
3. Кутишларни аниқлаш босқичи

Гурӯхий норма (тамойил, қоида)ларни ишлаб чиқиш босқичи. Тренинг жараённада албатта ўтказилиши керак бўлган босқич — гурӯхий нормаларни ишлаб чиқиш босқичидир. Гурӯхий нормалар гурӯхда машғулотнинг дастлабки соатлариданоқ самимийлик, ўзаро ишонч, ўзаро ҳурмат мухитини вуждга келтириш

мақсадида қабул қилинади. Гурухий нормаларни ишлаб чиқиш жараённанда иштирокчилар билан бу нормаларга албатта риоя қилиш кераклиги түғрисида қелишиш ва ҳар бир аъзонинг розилигини олиш керак. Бу қоидаларга риоя этиш тренингнинг мақсадига эришиш ва қулай психолигик иқлиминг яратилишида катта аҳамиятга эга хисобланади.

Гурухий нормалар тренер билан гурух иштирокчиларининг ҳамкорлигига ишлаб чиқилиши шарт. Машғулот жараённанда қандай қоидаларга амал қилиш лозимлиги түғрисида гурух аъзоларининг ўзи таклифлар, фикрлар бериши керак ва бу фикрларини асослаб берганидан кейин қабул илинади. Бунинг учун тренер “Аклий ҳужум” усулидан фойдаланган ҳолда фикрлар йиғишга ҳаракат қилиади.

Кўпгина ҳолларда тренернинг ўзи йўналтирувчи фикр сифатида бирорта қоидани таклиф этади.

Тренинг жараённанда гурухда ишларни ташкил қилишга доир нормалар куйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

* *Интизомга қатъий риоя қилиши ёки “О-О қоидаси”*. Бунда ҳар бир гурух аъзоси машғулотга ўз вақтида келиши, ўз вақтида кетиши кераклиги зарурлигини ҳис этиши лозим ва бунга қатъий амал қилиши керак. Чунки тренинг машғулотига бирор бир аъзо кечикиб келганида одатда уни кутишга тўғри келади. Шунинг учун бундай ҳолнинг бўлиши базъи иштирокчиларнинг жаҳлинни чиқариши, ғашига тегишли, машғулотларнинг тўхтаб қолиши ва норозиликларга олиб келиши мумкин.

* *“Махфийлик”*. Тренинг жараённанда баён этилган кимнингдир, аниқ ўғи бирор-бир гурух аъзосининг ҳаётига оид маълумотлар, фикрлар, хиссиятларнинг ифодаланиши, ўйин ва машқларни бажариш жараённанда нокулай ҳолатларга тушиб қолишилар тренинг доирасидан чеңта чиқмаслиги лозим.

* *“Шу ерда ва ҳозир”*. Гурухдаги муомала-муносабат машғулот жараённага бевосита алоқадор, яъни ҳозирги замонга боғлиқ бўлиши зарур. Ҳаттоқи иштирокчилардан бирортаси ўтган замондаги воқеани ҳикоя қилаётганда ҳам, унинг шу ерда ва айни пайтда нимани ҳис қилаётганлиги муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, тренер ҳам, ҳар бир иштирокчи ҳам барча муаммоларини унутиб, ўзини фақат “шу ерда ва ҳозир” ҳолатида ҳис килиши лозим.

* *Фикрни биринчи шахс томонидан баён этиши*. Бунда доимо мулоҳазалар “Менимча...”, “Менинг фикримча...”, “Менинг

ўйлашимча..." қабилида баён этилиши мақсадга мувофиқлиги уқтирилиши керак.

* *"Ягона микрофон"*. Бирор иштирокчи ўз фикрини гапираётганда, бошқалар унга дикқат билан қулоқ солиши ва унинг гапини бўлмаслиги, бир-бирининг шахсини хурмат қилишлари лозим. Кимдир гапираётганида бошқа бироннинг унга қулоқ солмаслиги сўзловчининг шахсиятига тегиши ва у кейинги баҳсларда ўз муносабатини билдиришдан бош тортишига олиб келиши мумкин. Бу эса тренинг самараисига салбий таъсир кўрсатиши экҳтимолини келтириб чиқаради.

* *"Семинарнинг бошидан охиригача қатнашиши"*. Бу норма иштирокчиларда масъулиятни вужудга келтириш учун зарур бўлган тамойиллар. Агар иштирокчилардан икмидир бирор кун, ҳатто бирор соат машғулотни қолдирадиган бўлса, бу нафақат унинг ўзи, балки гуруҳ учун ҳам, тренер учун ҳам машғулот эфективининг пасайишига олиб келади.

Умуман иштирокчилар бир-бирларига дўстона муносабатда бўлиши, бир-бирларининг ҳиссиётларини хурмат қилишлари керак. Агарда кетиши керак бўлиб қолса албатта бошловчини огоҳлантириши ва аксинча.

* *"Ихтиёрийлик"*. Семинарда ўз мулоҳазаларини баён қилиш, мунозараларда, ўйин ва машқларда иштирок этишида ихтиёрийликни жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга. Яъни жараёнларда иштирокчилар ихтиёрий иштирок этмасдан бири-бирига "мулозамат қилиши" вақтнинг йўқотилиши ва муҳитнинг бузилишига олиб келади.

* *"Вақтни тежсанӣ"* ёки *"Регламентга риоя қилиш"*. Гуруҳ иштирокчилари тренинг машғулоти давомида гапларини имкон қадар қисқа, лўнда ифодалаши, мавзу доирасидан четга чиқиб кетмаслиги лозим. Чунки гапни айлантиравериш, гапни узоқдан бошлаб олиб келиш, бир фикри қайта-қайта такрорлайвериш каби ҳоллар гуруҳ иштирокчиларининг ғашига тегиши билан бирга тренингда энг қимматли бўлган вақтни бекорга сарфланишига олиб келади. Бу ҳам иштирокчиларнинг норозилигига ва улар орасида дўстона муҳитнинг бузилишига олиб келиши мумкин

* *"Шахсни баҳоламаслик"*. Ҳар бир иштирокчи ўз фикр мулоҳазаларини, ҳиссиётларини баён қилиши мумкин, бироқ бунда бошловчи ва қолган иштирокчилар хикоядаги ^{вазиятнинг} ~~Nizomiyu nomi~~ пайтдаги хўлк-автори, ^{T D P U}

хатти- харакатини баҳолашдан қочишлари керак. Масалан, "ўша пайтда сиз жаҳлга берилмаслигингиз ёки бундай демаслигингиз керак эди" каби жумлаларнинг қўлланилиши иштирокчининг эътирозига сабаб бўлиши билан бирга колган иштирокчилар ўз фикрларини ва муаммоларини баён этишда очиқ галиришдан тортинишлари мумкин. Шунинг учун, "бунақа вазиятда мен бундай қиласдим ёки деярдим" каби вариантларда сўзлашиб ёки фикрини билдириш сўралади.

* "Фаоллик". Яъни гурухнинг ҳар бир аъзоси баариладиган машғулотларда ўз фаоллигини намоён этиши лозим.

Булардан ташқари тренер томонидан гурух иштирокчиларига нисбатан билиб олиши учун қуидагилар алоҳида таъкидлаб ўтилиши шарт:

• Бирорнинг фикрини умуман нотўғри деб ҳисоблаган ёки унга кўшилмаган тақдирда ҳам уни тўхтатиб қўйиш ёки унинг устидан кулишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

• Иштирокчилар бир-бирини масҳаралashi ёки ғурурига тегадиган гаплар айтиши мумкин эмас.

• Иштирокчилар ҳам, бошловчи ҳам, агар савол унинг шахсий ҳаётига тегишли бўлса, жавоб бермаслик хукуқига эга.

• Бошловчига саволлар ва фикрлар аноним тарзда берилиш имконияти яратилиши шарт. Лекин бу ҳаддан ташқари чегарадан чикиш имконини бермаслиги, яъни бошловчининг шахсиятига тегиш кабиларга йўл қўйилмаслиги таъминланishi керак.

Нормаларни машғулот ўтказишдан аввалроқ катта қоғозга ёзib, хонага осиб қўйиш ёки гурух аъзолари билан биргаликда "Аклий ҳужум" усули оркали аниқлаштириб олиши мақсадга мувофиқ.

Бу тренер ва иштирокчилар орасидаги биринчи гурухий келишув ҳисобланади. Бунда шу нарса муҳимки, ҳар бир кишининг фикрини албатта эшитиш, нима учун бу тамойилга хайриҳоҳлиги ёки норозилигини изоҳлашини сўраш лозим. Тамойилларни тасдиқлашни овозга қўйиш керакмас. Чунки агар кимдир гурухнинг фикрига норози бўладиган бўлса, уни кўндиришга ҳаракат қилиш ёки гурух бошқа карорга келиши лозим бўлади. Унинг фикрини инобатга олмаслик эса гурухдаги писихологик иқлимга салбий таъсири этиши аниқ. Яъни фикри инобатга олинмаган иштирокчидан норозилик ҳолати пайдо бўлади ва бу унинг тренингдаги бутун иштироки давомида норозилигини намоён қилиб, қолганларга халақит бериши мумкин. Бундан ташқари агар бу шахс ўзини паст

баҳоловчи шахс бўлса, унда руҳий тушқунлик, ўз-ўзини баҳолашнинг пасайиши ва ҳ.к.лар ҳам пайдо бўлиш эҳтимолини туғдиради.

Танишув босқичини ташкил қилиш

Тренингдаги асосий босқичлардан бири – гуруҳ аъзоларининг бир-бири билан ва тренерлар билан танишув босқичидир. Бу босқич тренер томонидан таклиф этиладиган турли хил ўйинлар орқали амалга оширилади. Демак, танишувни турли хил усулда ташкил этиш мумкин, лекин танишув босқичининг моҳияти битта бўладики, ҳар бир иштирокчи ўзини бу ерда қандай танишларини ёки уни қандай ном билан аташларини истаса, ўзини шундай таништириши мумкин.

Бу босқични тренер иштирокчилар шунчаки бир-бирларининг исмини билиши билан боғлик бўлган расмиятчилик деб қабул қиласлиги керак. Иштирокчиларнинг танишув босқичи – уларнинг ўтказилаётган машғулотта ва айни пайтдаги муҳитга мослашиб жараёни бўлиб, улардаги ҳаяжон ва нокулайлик ҳолатларини бартараф этишининг энг кулай ва яхши йўлидир.

Машғулот аввалида тренер ўзини аудиторияга таништириб, қайси ташкилот, муассасадан эканлигини ва ўзи ҳақдаги баъзи маълумотларни (ёқтирган ранги, қизиқишлари ва ҳ.к.) айтади. Тренер ҳақида иштирокчиларда пайдо булган илк тасаввур кейинги ишлар натижасига, тренер ва гуруҳ аъзолари ўртасидаги муносабатлар характеристига ва албатта, машғулотнинг якунига, самарадорлигига ўз таъсирини ўтказади.

Танишувда иштирокчилар доира ёки бошқа шаклларда ўтиришлари мумкин.

Танишув босқичини ташкил қилиш учун жуда кўплаб ўйинлар мавжуд бўлсада, умуман тренинг жараёнларида кўйидаги уч хил усулда танишув кўпроқ кўлланади.

1. **Интервью усули.** Бунда иштирокчилар тренер томонидан жуфтликларга бўлиб чиқилади. Жуфтликларга бўлингандаридан сўнг улар бир-бирларидан интервью оладилар. Бунинг учун уларга 10-15 минут вақт берилади. Бу вақт давомида улар бир-бирларидан қанадай маълумотларни сўрашлари лозимлиги тренер томонидан тавсия этилган саволлар асосида бўлиши ҳам ёки иштирокчиларнинг ўз ихтиёрига, истагига ҳавола этилиши ҳам

мумкин. Шериклар бир-бирлари тўғрисида маълумот тўплаб бўлганларидан сўнг ҳар бир жуфтликни навбат билан маҳсус жойга тақлиф этилади ва ҳар бир иштирокчи ўзининг шеригини гурух аъзоларига иложи борича батафсилоқ тарзда таништириши лозим бўлади.

2. Видеоёзув усули — бунда тренер томонидан ҳар бир иштирокчи алоҳида жиҳозланган хонага чақирилади ва у гурух аъзоларига ўзи ҳақда нималарни айтиб беришни истаса, шуни гапиради. Барча иштирокчилар ўзи ҳақдаги маълумотларни видеотасмага тушириб бўлганларидан сўнг, уларнинг ҳаммаси хонага тақлиф этилади ва тасма ёзуви кўйиб берилади.

3. Карточкалар усули — ҳар бир иштирокчи тренер томонидан тарқатилган маҳсус карточкага ўзи тўғрисида нима маълумотни беришни истаса, ўшани ёзади. Карточкаларни табличкага ўхшатиб ҳамма ўз олдига кўйиб кўйиши, олдига ёки орқасига илиб олиши ҳам мумкин. Ҳамма бир-бирининг карточкасини ўқиб ўзаро танишади.

Танишув босқичида иштирокчилар бир-бирларининг исмини билиш билан бирга, ҳар бир иштирокчи ўзининг исми, ҳаётидаги муҳим нарсалар ҳақида ўйлаб кўриш ва буни овоз чиқариб айтиш имксига эга бўлади. "Кор уюми" ўйини орқали ташкил этиладиган танишувларда эса кўшнисининг айтганини такрорлаш учун эшитишнинг, айниқса ўзидан олдинги иштирокчи кишини эшитишнинг қийинлигини хис килиш имконини беради. Кўпчилик иштирокчилар ўзидан олдинги иштирокчи нима деганлигини эшитмайди, чунки у эшитишдан кўра ўзи нима дейиши кераклиги ҳақида ўйлади. Муҳокамада тренер томонидан иштирокчи "Дикъат марказида" бўлганида ўзини қандай хис килгани сўралади.

Кўпинча тренингларда танишув жараёнида иштирокчилардан исмини айтиш билан бирга мулоқотга киришиш жараёнига салбий ва икобий таъсир этувчи жиҳатларини ҳам айтиб ўтиш сўраладики, бу маълумот тренер учун ҳар бир иштирокчининг индивидуал жиҳатларини билишга ҳам хизмат қиласди.

Кутишларни аниқлаш босқичи

Тренинг машғулотига келаётган ҳар бир иштирокчи ўз муамоларининг ҳал бўлишини кутиб келиши сир эмас. Лекин гурух аъзоларининг ҳар биридан тренингдан нималар кутаётганлигини

сўралади. Тренер уларнинг кутишларини билиб шунга қараб ўзининг дастурига ўзгартиришлар киритиши ва ишларини режалаштириши мумкин.

Кутишларни аниклаш босқичида гурух аъзолари айланана бўйлаб ўтирганлари ҳолда ўзларининг тренингдан нима кутаётганлигини, ўзини хавотирга солаётган ҳолатлари ёки уларга ёқмаётган жиҳатлар юзасидан эътироzlарини айтиб чиқишлари сўралади. Тренер барча иштирокчиларнинг фикрларини уларга баҳо бермасдан, муҳокама қилмасдан, ҳайрон бўлмасдан, ҳайриҳоҳлик билан эшлиши ва ҳар бир иштирокчига ўз кутувини бошқалар билан баҳам кўргани учун миннатдорчилик билидириши лозим.

Мана шу жараёнлар тўлиқ бажариб бўлинганидан сўнгтина гурух ишлаш учун тайёр хисобланади ва тренер асосий машғулотларни бошлаши мумкин. Яъни ишни олиб бўриш босқичига ўтиш мумкин булади.

ИШНИ ОЛИБ БОРИШ БОСҚИЧИ

Ишни олиб бориш босқичи – бу тренинг жараёнини ва машғулотларнинг қандай олиб борилиши, уларнинг турпари, тренинг жараёнида кўлланиладиган усуllардан иборатdir.

Тренинг турлари

Тренингларни қандай мақсадда ташкил этилишига қараб, асосан қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Турли хил психологияк муаммолардан чиқиб кетиш учун кўнималар ҳосил қилиш мақсадидаги тренинглар
2. Даволаш мақсадида ташкил этиладиган тренинглар
3. Бошқарув малакаларини шакллантирувчи тренинглар

Биринчи турдаги тренингни яна бир неча хилга ажратиши мумкин:

- Шахслараро мулокотчанлик кўнималарини ҳосил қилиш учун ташкил этиладиган тренинглар.
- Шахсни баркамоллаштиришга қаратилган тренинглар
- Эмоционал ҳиссий зўриқишларни бартараф этиш билан боғлик тренинглар.
- Танани янги хатти-ҳаракатларга ўргатиш учун тренинглар.

Буларни ҳар бирини алоҳида қараб чиқиладиган бўлса, қуйидаги маълумотларни бериш мумкин бўлади:

Шахслараро мулокотчанлик кўникмаларини ҳосил қилиш учун ташкил этиладиган тренинглар

Шахслараро мулокотчанлик кўникмаларини ҳосил қилиш учун ташкил этиладиган тренингларнинг мақсади - мулокот жараёнида вужудга келадиган низоли ва муаммоли вазиятларни ечишга ўргатишдан иборатdir.

Бу борада олиб борилган тренинглар иштирокчиларга нима беради?

◆ Гурӯҳ аъзодарининг ҳар бирида кузатувчанликнинг ошишига олиб келади;

◆ Мулокотга киришаётган шеригининг вербал ва новербал мулокотидаги фарқни ажрата билишга ўргатади, яъни иштирокчилар мулокотдаги шеригининг сўзлари билан мос келмаётган хатти-ҳаракати, ҳолати, имо-ишораларини ўқий билишга, уларни таҳлил қилишга ўрганади;

◆ Турли хил вазиятларда сухбатдоши билан мулокотга кириша олиш йўлларини эгаллашга ўргатади;

◆ Низоли ва муаммоли вазиятларда хулк-авторини меъёрида ушлаб туришга ўргатади.

◆ Мулокот жараёнида бошқаларни, ўзини, шунингдек одамлар орасидаги муносабатларни яхшироқ тушунишга ўргатади.

◆ Шахснинг ўз-ўзини англаш жараёнини тезлаштиради.

◆ Ўзи ва сухбатдошининг эмоционал ҳолатини солиширишга, ўзидаги эмоционал зўрикишни пасайтиришга ўргатади.

Тренинг жараёнида тренер шахсларо муносабатларни яхшилаш учун мўлжаланган ўйин ва машқлар, баҳс-мунозараларни таклиф этиши учун айнан мулокот ҳақида, шунингдек бу борадаги психологияк билимларга эга бўлиши талаб этилади. Шахсларо муносабатлар психологиянинг энг мураккаб ва асосий йўналиши бўлиб, буни билмасдан туриб тренинг жараёнини ташкил этиш ва унинг самарасини таъминлаш мумкин эмас.

Одатда ўзаро муносабатда бўлаётган одамлар — мулокот иштирокчилари турли хил позициялардан келиб чиккан ҳолда ўзаро муносабатларда бўладилар. Бу позициялар кўп жихатдан мулокот иштирокчиларининг ўзаро ҳолатига, мулокот натижасига таъсир этади ва кейинги муносабатлар мазмунини ҳам белгилаб беради. Инсонлар ўзаро муносабатларда қандай позицияда туриб мулокот

ўрнатишларига қараб психологияда 5 хил муносабат типлари фарқланади:

I. Ракобат усули — мулокот жараёнидаги бир томоннинг иккинчи томон устидан ҳукмронлигини намоён қилган ҳолда мулокот вазиятини бошқаришга ва бутун жараённи ўз қўлига олишга ҳаракат қилишини англатади. Одатда, катта ёшлилар ва кичиклар ўртасида, раҳбар ва унга тобе ҳодим муносабатларида шундай манзарани кузатишимиш мумкин. Бунда биринчи томон ўз устунлигидан фойдалангани ҳолда иккincinnининг устидан ўз эркини намоён этади. Табиийки, мулокотдан мулокотга томон ўзини тобе деб ҳис этаётган одамда ички нокулайлик ва зўриқишилар йигилиб боради. Бундай ҳолатни психологик тил билан ифодаланганда “яширин низо йигилиб боради” дейиш мумкин. Бу эса ўзаро муносабатларнинг кескинлашуви ва вакти келиб каттароқ низоларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

II. Ён бериши — юқорида айтилган ҳолатга ўхшашроқ, бироқ ундан кўра фарқлироқ ҳолат ҳисобланади. Бунда шахс мулокот жараёнида ён беришга мажбур эмас, лекин у ён беришга бурчлиман деб ҳисблайди Бунда киши ўзидан ёши, мансаби, мавқеи жиҳатдан катта киши олдида ўз манфаат ва истакларини тўла ифода этолмай ўзини тобе ҳис этади. Агар юқоридаги мисолда тобелик ўзга киши тазиқи остида вужудга келса, ён бериш позициясида шахс ўз ихтиёри билан шу хил муносабат тарафдори бўлади. Лекин маълум вакт ва натижалардан сўнг унда ички қониқмаслик ҳислари пайдо бўла бошлайди. Бундай қониқмаслик ҳислари ортиб бориши натижасида эса ён бераетган киши сига нисбатан ички норозилик келиб чиқади. Ён бериш инсонни пассивликка унрайди, унинг ички ташаббусини бўғиб қўяди ва эркинлигини чеклайди. Кўп жиҳатдан бу позиция ҳам муқаррар низоларга олиб келади.

III. Пассивлик — бирон масалани ҳал этиш лозим бўлган вазиятлардан шахснинг ўзини олиб қочиши, турли баҳоналар билан қарорни орқага суришини англатади. Кўпинча бу хил ҳаракат низоли вазиятларни ҳал этиш жараёнида намоён бўлиши мумкин. Айтиш мумкинки, пассивлик — низодан қочиш эмас, балки масалани узил-кесил ҳал этишдан қочишдир. Муаммоний иссиғида ҳал қилиш керак, уни ҳал қилишини чўзӣб юриш керак эмас. Чунки низони ҳал этишдан қочганишимиз билан низо ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Бу ўринда ўкувчидаги “Келишмасдан қолган ёки орасида

низо пайдо бўлган икки киши вакт ўтиши билан бир-бирини кечириб кетиши ҳам мумкин-ку, буни қандай тушуниш мумкин?" каби эътиroz туғилиши ҳам мумкин. Бу эътиroz ташқи томондан қараганда туғри, лекин психологик жихатдан тахлил қилинса, атроғдагилар назарида улар бир-бирини кечиргандек кўринсаларда, аслида маълум муддатгача бир-бирларига нисбатан иккى норозилик ҳолатида қолаверадилар.

IV. Компромисс — яъни келишувчанлик. Баҳсли вазиятларда "Сен ҳам ютқизма, мен ҳам ютқизмай" қабилида иш тутиш, мунозарали вазиятдан иккала томон ҳам хафа бўлмай чиқиб кетиш имкониятини излашдан иборат бўлган ҳолдир. Албатта, бу юқорида санаб ўтилган муносабат типларининг орасида энг самаралиси ҳисобланади. Лекин бу хил муносабат вазиятни айнан ҳозир ҳал этишга, "кейин нима бўлса бўлар" қабилида иш тутишга қаралгандан бўлади. Бунда салбий жихати шундаки, муаммони охиригача ҳал этилмаса, бора-бора барибир низо келиб чиқиши мумкин.

V. Ҳамкорлик — бу ҳолат мuloқot жараёнда иштирок этаётган барча иштирокчиларнинг ўзаро манфаатларини ҳисобга олган ҳолда мuloқotда бўлиш ва муаммоли вазиятни охиригача ҳал этишга интилишdir. Ҳар қандай мuloқot жараёнида ҳамкорликка эришиш учун эришиладиган охирги натижা иккала томоннинг ҳам манфаатларининг қондирилиши ва уларнинг қизикишларига мос келиши керак. Оилавий муносабатлар, ишхонадаги вазиятлар ва турли ҳоллардаги инсоний муносабатларда бу усул жуда кўп кўлланилади.

Ҳаётий вазиятларда фақат ўзининг манфаатинигина эмас, балки бошқаларнинг ҳам манфаатини ўйлаш, бошқаларнинг манфаатлари ҳақида ҳам қайғуриш ҳамкорлик муносабатларининг гарови ҳисобланади. Замонавий психология фанида ҳамкорлик муносабатларини шакллантиришнинг қонуният ва механизмлари етарли даражада тўла ишлаб чиқилган. Шу маълумотларга таянган ҳолда ҳозирги пайтда маҳсус ташкил этиладиган тренинг машғулотларида турли хил ўйин ва машқлар ёрдамида одамларга ҳамкорлик муносабатларининг амалга оширилиши ҳақида маълумотлар бериш, инсоннинг ҳамкорлик позициясида туриб мuloқotга киришиши борасида кўникма ва малакаларни шакллантириш йўлга кўйилган.

Шу ўринда алохид таъкидлаш лозимки, бу жараённи ташкил килиш ва олиб боришда нафақат тренинг ўтказиш услуби, балки тренернинг шахсий позицияси ҳам етакчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Яъни бу хил муносабат услуби тренернинг эътиқодига айланган бўлиши ва у ҳар қадамда буни намоён қилиши керак.

Юкорида айтганимиздек, самарасиз мулокот услублари инсонлар ўртасида низоли вазиятларнинг келиб чиқишига олиб келади. Одатда низо — манфаат, қизикиш ва дунёкарашларнинг қарама-каршилиги сифатида таърифланади. Ҳар бир инсон бошқалар билан муносабатга киришар экан, у албатта бирон манфаатни, ҳатто айтиш мумкинки, энг аввало ўз манфаатини кўзлаган ҳолда ва масалага ўз қарашини ифодалаб мулокотга киришади. Лекин мулокот камида икки томоннинг ўзаро фикр алмашувидан иборат ва иккала томон ҳам мулокот муаммосига нисбатан ҳар хил фикрларни билдириши мумкин. Натижада фикрлар қарама-каршилиги, яъни низоли вазиятлар вужудга келиши муқаррар. Одатда низоли вазиятларда бир томон ўз фикрини тўғри деб ҳисблайди, иккинчи томоннинг фикрини эса инкор этади, натижада мулокот жараённида узилиш ва мулокотдан қониқмаслик ҳисси юзага келади. Бу қониқмаслик ҳисси очик-ойдин ифода этилса — томонлар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқади, ҳатто ўртада низо (жанжал) пайдо булади. Лекин баъзи ҳолларда биз бундай қониқмаслик ҳиссини очик ифода эта олмаймиз ва ичимизга "ютиб" кетамиз, натижада томонлар ўртасида яширин низо пайдо бўлади ва ўртадаги давомий совуқчиликнинг асосига айланади.

Демак, айтиш мумкинки, биргаликдаги фаолият ва ҳаётга, яъни мулокотга ҳалакит берувчи тўсиқ ҳамда нохушликларни ўз вақтида бартараф этишга интилиш керак. Бунинг учун энг яхши усул — унугтишdir. Унугтиш вазифасини эса вақт бажариши мумкин, яъни вақт ўтиши билан биз низоли вазиятларни, ким биландир ўртамиизда пайдо бўлган нохуш вазиятларни унута бошлаймиз. Лекин ҳозирги жадал тараққиёт даврида вақтга ишонгандан кўра, фаол ҳаракат қилиб низоли вазиятлар натижаси бўлган нохушликларни ихтиёрий равишда бартараф этиш самаратироқ натижалар бериши мумкин. Бунинг учун эса шу мақсадда ташкил этиладиган тренинглар яхши натижа бради.

Шахслараро мулокотчанлик кўнижмаларини ҳосил қилиш учун ташкил этишга мўлжалланган тренинг давомида қуидаги машқ аябатга ўтказилиши керак.

Ҳар бир иштирокчи "Қаршимдаги одам ким?" деган саволга жавоб ола билинадиган саволларни билиши лозим. Умуман шахс ўз қаршиисидаги одам, яъни сухбатдоши ҳақида имкон даражасида кўпроқ маълумотга эга бўлиши лозим. Психологик адабиётларда таъкидланишича, ҳеч бўлмаганда мулокотга киришаётган одам ҳақида 7 та маълумотга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Бу маълумотлар сухбатдошнинг:

- ✚ исми
- ✚ мутахассслиги
- ✚ оиласвий ахволи
- ✚ соғлиги ҳақида маълумотлар
- ✚ касбининг ўзига ёқадиган ва ёқмайдиган томонлари
- ✚ у қадрлайдиган инсоний сифатлар
- ✚ қизиқиши ёки хоббиси.

Бу маълумотлар қатори қанчалик кўп бўлса, шунча яхши, чунки сухбатдоши ҳақида маълумотларнинг кўплиги самарали мулокот ўрнатиш кафолоти ҳисобланади.

Демак, ҳар қандай одам муваффақиятли мулокотга киришиш учун сухбатдоши ҳақида кўпроқ маълумот билиши талаб этилади.

Самарали мулокотни ташкил қилинча эътиборга олиниши лозим бўлган яна бир ҳолат шундан иборатки, бунда тренинг иштирокчилари "Қаршимдаги одам қандай ҳолатда?" деган саволга жавоб билишлари талаб этилади.

Шахсни баркамоллаштиришга қаратилган тренинглар

Шахсни баркамоллаштирувчи тренингларнинг мақсади — шахсни психологик жиҳатдан баркамолликка эриштиришdir. Большача айтганда, ҳар қандай муаммоли вазиятда шахсни фақат ўзидан ёрдам олишга ўргатишидир. Масалан, талабалар орасидан кимдир ўзини "Талабалиқда берилаётган барча билимларни яхши эгалляяпман, мен келажакда яхши мутахассислардан бири бўла оламан" деб ҳисоблайди ва бунга ишонади. Кимдир эса бутунлай бунинг акси, яъни бундай гапни айтиш учун ўзига ишонмайди. Ҳаётда ўзига ишонган одамлар билан бир қаторда ўзига унчалик ишонмайдиган, баъзан ўзига умуман ишонмайдиган кишилар ҳар

доим учраб туради. Улар нокулай ва кутилмаган вазиятларга тез-тез тушиб турадилар ва бу вазиятларда химоясизлик ва ёрдамга муҳтоjлик ҳолатида бўлади. Бундай ҳолатларда ва айтиш мумкинки, бундайларни ҳар доим ҳам атрофидагилар қўллайвермайди, айниқса бу хил "омадсиз" одамларни. Шунинг учун шахс энг аввало ўзидан ёрдам олишга ўрганиши — ҳар кандай вазиятда ҳам муаммони ечишнинг бирор бир йўлини излаши, топиши ва уни амалда қўллай олиши лозим бўлади.

Шахсни баркамоллаштиришга қаратилган тренингларнинг мақсади ҳаётда шунақа ҳолатларга тушиб қолган одамларни ўзига ишонмаслик ҳолатидан чиқариш учун маҳсус билим, қўникма ва малакалар ҳосил қилишдан иборат.

Эмоционал ҳиссий зўриқишиларни бартараф этиш билин боғлиқ тренинглар

Шахс ҳаётида кутилмаган ёки баъзан кутилган ҳолатларда ҳам нохуш, кишини салбий эмоцияларга берилувчанлигини оширучи вазиятлар юзага келиши — ҳаётда кўп кузатилади. Айниқса, шахс учун кутилмаган ҳолатлар сифатида — авария ҳолатига тушиб ёки бу ҳолатнинг кўз олдида содир бўлиши, яқин кишисини йўқотиш ва уни унута олмаслик каби салбий ҳиссиётлар уйғотувчи воқеалар шахсда эмоционал ҳиссий зўриқишиларни юзага келтиради. Бундан ташқари, ёқтирамаган одамини учратиб қолиш, кимгадир озор бериб қўйиб, виждан азобида азобланиш кабилар ҳам шахсда ҳоҳуш хисларни пайдо бўлишига асос бўлади. Лекин шахс оддий ҳолатда бундай ҳиссиётларни чиқариб юбора олмайди. Бундай ҳолат эса кишига жуда катта ички руҳий зўриқиши беради ва буни чиқариб юбора олмаганилиги натижасида салбий ўзгаришлар — невроз ҳолатлари келиб чиқади. Кўпинча бундай кишилар ўша пайтда ҳис қилган нарсаларини гапириб бера олмайман, дейишади. Мазлумки, бундай ҳолатлар шахс психикасига салбий таъсир кўрсатади.

Тренинг натижасида шахсни шундай воқеаларни, ҳиссиётларни унтишига ёки буни тўғри қабул қилишга ўргатилади. Эмоционал соҳадаги тренингнинг мақсади — шахсдаги нохуш ҳолатлардаги ҳиссиётларни гапиритира олишдан иборатdir. Агар тренинг жараённида шахс хужайраларининг ҳар бир жойида содир бўлаётган ўзгаришларни ва руҳий кечинмаларни гапиришишга эришилса — бу тренингнинг самарадорлигидан дарак беради. Демак, бу

тренингни мақсади — ўз ҳиссиётларини тасвирлаб, гапиришга ўргатиш оркали салбий ҳисларни шахс психикасидан чиқариб юборишидан иборат.

Танани янги хатти – ҳаракатларга ўргатиш учун тренинглар

Хаётда шунақа одамларни учратиши мүмкінки, уларнинг одамлар орасида, ҳатто яқинлари орасида ҳам кулиши қийин. Бундай одамлар гапирайтганида ҳам юзида жуда кам мимикаларни кузатиш мүмкін. Уларнинг атрофдагилар, айниқса қўпчилик олдида эркин ҳаракат қилишга тортинаётганлигини, ботинмаётганлигини сезиш қийин эмас. Айтиши мүмкінки, бундай одамлар ҳаракат қилишга ҳам қўрқади, негаки уларда “Ножӯя ҳаракат қилиб, кулгуга қолмай ёки уларда ўзим ҳақимда салбий фикр уйғотиб кўймай”, деган ўзига нисбатан паст баҳо бериш устунылиги мавжуд. Улар одамлар орасида ўзини ҳаддан ташқари қандайдир рамка ичиди сезади. Бундай муаммонинг асл сабаби — уларнинг ички дунёсида қандайдир муаммо мавжуд. М: бахтилилар ичиди бахтсизлигини (отаси, онаси, эри, фарзанди йўқлигини) ўзи билгани ҳолда, бу ҳолатини атрофдагиларнга билдириласликка ҳаракат қилиш. Унинг ўз муаммосини бошқалардан яшириб юриши – бундай тренингта келувчиларнинг асосий муаммосидир. Чунки юқорида санаб ўтилган ҳолат билан боғлиқ муаммолар шахснинг тана ҳаракатларида намоён бўлади. Ва унинг танаси билан ишлаш натижасида ана шу муаммони гапиртириш ва унинг ечимини кўрсатиш лозим.

ТРЕНИНГ МАШГУЛОТЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ УСУЛЛАРИ

Ҳар кандай тренинг машғулотларини олиб борища самарадорликка эришиш учун энг аввало иштирокчилар орасида самимийлик, очиқлик, ўзаро ишонч мухитини яратиш лозим булади. Булар амалга ошмасдан туриб, тренингдан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Бундай мухитни яратиш эса бошловчидан катта маҳорат талаб этиш билан биргаликда тренинг жараёнида кўлланиладиган усувларга ҳам боғлиқ бўлади. Бундай усувлар сирасига “таълимнинг ноанъанавий усувлари” деб ном

олаётган ва бизнинг таълим системамизга ҳам кенг кириб келаётган усуллар киради. Улар қуидагилардир:

- Ақлий хужум
- Бажс-мунозара
- Машқ (ўйин)лар
- Ролли ўйинлар
- Психогимнастик машқлар
- Карточкалар усули
- Муаммоли вазиятларни таҳлили этиш
- Гурухларга бўлиш

"Ақлий хужум" усули

Тренинг жараёнида энг кўп ҳўлланиладиган усуллардан бири "Ақлий хужум" дейилади. Бу шундай усулки, мухокама қилинаётган мавзу юзасидан ҳар бир иштирокчи ўз фикрини билдириши шарт ва тренер ҳар бир жавоб варианtlарини зътироzсиз ва зътибор билан кабул килиши лозим.

Бунда мухими билдирилаётган фикрга баҳо бериш эмас, балки уларнинг хаммасини қабул қилиш ва ҳар бир иштирокчи айтатёттан фикрни доска ёки қоғозга ёзиб борицдир. Айнан шу усулдан тренингларда жуда кўп фойдаланилади. Чунки бу усул иштирокчиларнинг ўз мустакил фикрларини билдира олишининг энг яхши йўлидир. Бу усулдан тренинг бошида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Айниска, гурӯҳ кайфиятини билиш, уларнинг билим даражасини аниқлаб олиш ва тренингдан нима кутаётганиликларини билиб олишида бу — энг қулай усул ҳисобланади. Фикрий хужум натижасида олинган маълумотлар гурӯҳ билан олиб бориладиган кейинги ишлар учун йўлланма бўлиши мумкин.

Ақлий хужум усулининг фойдали томонлари қуидагиларда намоён бўлади:

- нозик ва мунозарали саволларни мухокама қилишда
- ўзига ишонмайдиган иштирокчиларни мунозарага тортиш ва уларни қизиқтириш учун (бу иштирокчини албатта рагбатлантириш шарт)
- қисқа вақт мобанида кўпроқ фикр йигиш учун бу усул жуда кўл келади.

"Ақлий хужум" босқичлари.

Фикрий хужум қуидаги босқичтардан иборат бўлими лозим:

- 1.Тренер "Ақлий хужум" мавзусини тақдим қиласди.
- 2.Тақдим қилинган мавзу юзасидан фикр, мулоҳаза ва таклифларни билдириш учун иштирокчиларга имкон берилади
- 3.Билдирилган барча фикр, мулоҳазалар маҳсус қоғоз ёки доскага ёзиб борилади.
- 4.Муҳокама якунида гурӯҳда турли фикрлиликдан ягона фикрга келинади.

Ақлий хужумнинг 3 та қоидаси бор.

1. Барча фикрларни эътиrozсиз қабул қилиш ва ҳар бир иштирокчига билдирилган фикри учун миннатдорчилик билдириш.
2. Фикрларни ёзиб олаётганда бирорта ҳам фикрни ташлаб кетмаслик, яъни ҳар бир иштирокчи билдирилган фикрни албатта ёзиб бориш.
3. Билдирилган фикрларни якунлаш, бир қарорга келиш учун ҳар бир иштирокчидан унинг рози ёки рози эмаслигини сўраш шарт.

Демак, "Ақлий хужум"нинг самараодорлиги учун албатта ана шу қоидаларга риоя килиш лозим. "Ақлий хужум"нинг асосий қоидаси — билдирилган барча ғояларни ҳеч бир эътиrozсиз қабул қилиш. Шу сабабли бошловчи иштирокчилар томонидан билдирилган фикрларни дикқат билан тинглаб бориши ва йўналтириб туриши лозим. Бу қоидага амал қилмаслик гурӯҳ қайфиятини тушириши ва ўзаро ишонч рухини сўндириши мумкин.

Бошловчи иштирокчилар томонидан билдирилаётган таклиф ва фикрларни ёзиб олаётганда эътиборли бўлиши ва улардан бирортасини ҳам тушириб қолдирмаслиги керак. Чунки баъзан иштирокчи ўз уятчанлигини енгуб, фикрини ҳаяжон билан билдиради ва ўзи билдираётган фикр барчанинг дикқатини тортади ва муҳокама қилинаётган фикрлар ичida энг яхшиси бўлади, деб ишонади. Агар унга озгина эътиборсизлик қилинса, у буни "Менга эътибор қилишмади, демак менинг фикрим уларни қизиқтирумайди", деган маънода тушуниши мумкин ва "ичимдан топ", "инدامаслик" касалликларига чалиниб қолиши ҳам мумкин.

Билдирилган барча фикрларни маълум бир гурӯҳга ва шаклга келтириш босқичига ўтаётганда бошловчи албатта иштирокчилардан унинг фикрига рози ёки рози эмаслигини ёхуд

бошқача тушуниб қолмаганлигини сўраши керак, агар норозилик ёки тушунмовчиликлар бўлса, албатта аниқлик киритиш лозим булади.

Фикрий хужумнинг натижаси бу — турли хил гоялар, фикрлар, мулоҳазалар йигиндисидир. Асосийси эса — иштирокчиларнинг фаол ишлаши. Шунинг учун тренинг давомида фикрий хужум натижаларига тез-гез мурожаат килиб туриш керакки, бунда иштирокчилар ўзларининг фаол ҳаракатлари натижасини, улардан кейинчалик ҳам фойдаланилаётган-лигини кўришлари керак, бу эса уларда "Нима кераги бор эди, бу гапларнинг?" каби саволлар тугилишининг олдини олади.

Хозирги замон таълим жараёнида кенг қўлланилаётган ноанавий таълим усулларидан бири баҳс-мунозарадир. Бу усул тренинг машғулотларида ҳам яхши самара бериши.

Баҳс-мунозара усули

Баҳс-мунозарани ташкил этиш. Мунозарани катта гурухларда ўтказса ҳам бўлади, лекин у кичик гурухларда ўтказилса кўпроқ фойда беради. Муаммони гурухда мухокама қилиш иштирокчиларга нафакат ўзаро фикр алмашиб, балки мухокама этилаётган мавзу ҳакида аниқ маълумотлар олиш, уз хиссиятлари ва нуқтаи назарларини ифода этиш имкониятини ҳам бериги мумкин. Мунозара бошланишидан олдин бирор ҳикоя ёки воқеа айтиб бериш ва иштирокчилар унинг "илдизи"ни илғаб олиши мунозара жараёнининг яхши ўташини таъминлайди.

Гурухда мунозара ўтказаётганда қоида сифатида шуни эътиборга олиш керакки, бирор иштирокчи ўз фикрини баён этаётганида бошловчи уни бўлиб кўйишга ёки унинг фикри нотўғрилигини исботлашга ва ўзининг сўзини ўтказишга ҳаракат қиласлиги керак. Чунки бу бериладиган кейинги саволга бутун гурухнинг ёки кўпчиликнинг жавоб беришдан бош тортишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, савол бергандан сўнг иштирокчиларни шошилтирмаслик, жавобни ўйлаб олишлари учун вакт бериш лозим. Лекин бунда улар берилган савол устида кўп ўйланмасликларига ҳам эътибор берилса, машғулотнинг бир хил темпда ва қизиқарли ўтишига шароит яратилади. Тренер иложи борича "ҳа", "йўқ" жавобларига элтувчи саволлар бермасликка ҳаракат қилиши лозим. Иштирокчиларни гапиртириш учун саволлар тушунарли ва аниқ тузилган бўлиши керак.

Муайян масалаларда гурухий мунозаралардан фойдаланиш муаммонинг турли ечимларини топишда аскотади. Мунозара иштирокчиларнинг мухокама қилинаётган мавзуга қизиқишини оширади, уларга ўз фикрини баён қилиш ва бошқаларнинг фикрни эшитишига имкон беради. Бундан ташқари, мунозара давомида муаммо ечимининг турли йўллари топилади, гурухнинг бирлашишига ва ўзаро мустаҳкамланишига олиб келади.

Тренингда гурухий мунозара ҳар бир иштирокчининг муайян масалаларга оид тушунча ва қарашларини аниқлаб олиш усули сифатида ишлатилади. Мисол учун, иштирокчиларнинг "Оилавий хаёт ва масъулият", "Севги, оила ва жинсий алоқа", "ОИТСГА онгли муносабат", "Низоли вазиятларни ҳал этиш йўуллари" ва х.к. мавзулардаги фикрларини билиш қизиқарлидир. Шунда муаммо ечимларини топиш ҳам осонлашади. Бахс-мунозара ўтказилишининг босқичлари.

Мунозара жараёни қўйидаги босқичлардан иборат бўлиши лозим.

1. Йўналтириш босқичи — бунда мунозара мавзуси танланади, мақсад аниқланади, иштирокчилар томонидан билдирилган тушунча, фикр, мулоҳазалар асосида иш учун зарур булган ахборот йигилади.
2. Вактни бошқариш босқичи — бунда тренер мавзуни эълон қилиш, иш шаклини тушунтириш ва заруриятга қараб иштирокчиларнинг фикрини йўналтириб туриш учун вактни олдиндан тақсимлаши лозим.
3. Бахолаш босқичи — мухокама давомида барча фикрлар эшитиб бўлгандан сўнг уларни тартиб билан асосли тарзда ва ҳамкорликда бахолаш жуда муҳимдир.
4. Туталлаш босқичи бунда мунозара яқунлари сархисоб қилинади. Гурухий мунозарада тренер гуруҳда ишонч мухитини яратиш учун масъулдир. Шунинг учун у бир пайтнинг узида 2 та ролни ҳам тренер, ҳам иштирокчи ролини ўташга бурчлидир. Ва охирида тренер ягона холосани эълон қиласи, иштирокчиларга миннатдорчилик билдиради.

Тренинг жараёнида машқ усули

Машқ усули — тренинг жараёнида иштирокчиларни фаоллаштириш, кайфиятини кўтариш, улар орасида ўзаро ишонч ва

самимийлик мұхитини яратып мақсадида писихогимнастик машқлар усулини құллаш тәтикасыдир.

Машқ усули — зарур малака ва күнікма ҳосил қилиш хамда үларни мустаҳкамлаш учун назарий, амалий билимларни онгли рационалды, күп марталаб тақрорлаштырып иборат.

Бу усулининг вазифаси — олинган билимлардан күнікма ва малакаларга утишдир.

Шунингдек, машқлар тренинг давомида олинган маълумотларни иштирокчилар қандай ўзлаштираётганligини ҳам кўрсатади. Тренердан талаб қилинадиган хусусиятлар, яъни машқни танлашда тренер нималарни ҳисобга олиши зарурлиги ҳақида гап кетганда қўйидагиларни таъкидлаб кўрсатиш жоиз.

Тренер биринчи навбатда машқни ўтказиш натижасида гурухда қандай ҳолат вужудга келишини ҳисобга олиши лозим. Бунда асосан 2 хил ҳолат кузатилади.

- a) бутун гурухнинг ҳолати узгаради.
- b) гурухдаги ҳар бир иштирокчининг ҳолати узгаради.

Иккинчи навбатда тренер гурух тараққиётнинг қайси босқичида турғанligини ҳисобга олиши керак. Буни билишнинг зарурияти шундаки, гурух иштирокчилари қанчалик жипслашган бўлса, ўзини эркин сезса, ўтказилаётган машқлар таҳликасиз ўтади. Айниқса гурух аъзоларининг тана контактларига оид бўлган ва кўзни юмиб бажариладиган машқларга эътибор қаратиш керак, чунки бундай машқларнинг бевакъ ўтказилиши гурухда зўрикиш ёки норозилик ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин.

Тренер ҳисобга олиши зарур бўлган учинчи ҳолат кун вақтини ҳисобга олишдир, кун бошланишида гурухда ишчанлик, аҳиллик, ўзаро ишонч мұхитини яратувчи машқларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу — гурухнинг айни пайдаги ишга тааллукли бўлмаган ташвиш ва муаммоларини унтишга олиб келади, гурух аъзолари "ҳозир ва шу ерда" деган шароитни сезишади. Бундан ташкири, бутун диккат-эътиборини ва ақлий фаолиятини сафарбар этишига имкон туҳилади. Куннинг иккинчи ярмида эса чарчоқни тарқатадиган, ҳаяжонли ҳис-туйғуларни юмшатишга олиб келадиган машқларни ўтказиш тавсия этилади.

"Тушгача очликка қарши, тушдан сунг үйқуга қарши курашиш керак" — бу ҳар қандай тренернинг шиори бўлиши керак.

Машқусулида йўриқноманинг аҳамияти

Машқда энг асосий самарадорликни таъминловчи кисм йўриқнома дейилади. Машқнинг самарадорлиги йўриқноманинг аник, пухта, ойдин ва ихчамлигига боғлик бўлиб, у ўзида етарли даражада зарур ахборотларни ифода этиши керак. Йўриқномани ортиқча тафсилотлар ва тушунтиришлар билан тўлдирмаслик керак. У қанчалик аник, қисқа, тушунарли бўлса, машқ шунчалик самарали ўтади ва кутилган натижани беради. Тренернинг йўриқномани тушунтириш учун сарфлаган вақти машқни бажаришга кетган вақтга нисбатан камроқ вақтни олса, бундай йўриқномани рисоладагидек йўриқнома дейиш мумкин. Тренер йўриқномани тушунтириш давомида ҳар бир иштирокчи билан кўз орқали контакт ўрнатиши керак. Бу эса иштирокчиларнинг эътиборини ошириш, дикқатини жалб этиш ва уларни яхшироқ тушунишга олиб келади. Тренер йўриқноманинг тушунарлилиги ёки тушунмаганлик ҳолати бўлганлигини сўраш шарт.

Йўриқнома ҳамма учун тушунарли бўлганлигини ва иштирокчилар нима қилишни билиб олганлигига ишонч хосил қилгандан кейингина бошловчи машқни бажаришга киришиши мумкин. Агар машқни бажариш жараёнида йўриқномани кимдир яхши тушунмаган бўлса, у холда машқни бажаришни тўхтатиш ва йўл қўйилган хатони тузатиш лозим булади.

Тренернинг ўзи машқ бажаришда қатнашиши керакми? деган саволга жавоб изланадиган бўлса, айтиш мумкинки, бу саволга жазоб аниқ эмас. Бу борада фақат баъзи бир кўрсатмаларни таъкиддаб ўтиш мумкин.

• Тренер куннинг 1-ярмида ўтказиладиган қисқа психогимнастик машқларда имкониятига қараб иштирок этиши керак, айниқса кун бошида. Буни хатто қоида сифатида қабул қилиш ҳам мумкин. Имконият деганда эса битта одам тренер бўлиб ишлаш кийин, ҳар доим ёрдамчи тренер бўлиши кераклиги назарда тутилади.

• Иштирокчиларнинг тоқ ёки жуфт сони талаб қилинадиган машқларда гурухни тўлдириш учун қатнашиши мумкин. Лекин, бу тренер шундай ҳолатдаги барча машқларда албатта қатнашиши шарт деганимас. Лекин тренер машқ жараёнида гурухни тартибга солиб туриши керак.

• Агар тренердан машқни назорат килиб туриш талаб этилса, у машқ бажаришда қатнашмайди. Айниңса күзни юмиси бажариладиган машқларда

Машқни тұхтатыш ва мухокама қилиши

Тренинглар давомида құлланиладиган машқлар иштирокчилар учун қызықарлы вағайры оддий бүлгапнеги учун одатда күгчилик уларнинг узокроқ давом эттирилишини истайди. Лекин бу тренернинг режаси бузилишига ва тренинг самарааси нинг пасайишига олиб келиши мүмкін. Шунинг учун тренер ҳар бир машқни вактида тұхтатыш ва мухокама қилиш техникасини пухта әгаллаши зарур.

Мантикий яқунга зәға бүлған машқлар ҳам мавжуд. Бундай машқлар жумласига "Бузук телефон" номи билан көнг тарқалған машқ киради. Бу машқ маълумот охирги иштирокчига етиб борганда яқунланади. Бошловчи баъзан машқ тугашининг шартларини олдиндан айтиб күяди. Масалан, агар гурух иштирокчиларидан бирортаси гапириб юборса, бундай шағойтда машқ тұхтатылади. Бошловчи танлаши мүмкін бүлған йүллардан яна бири, машқни олдиндан айтиб беришдір. Бунда бошловчи вактни кузатиб боради ва унинг тугашини гурухга маълум қыледи. Лекин күпинча машқни үтказишнинг чегарасини олдиндан аниқлаб бүлмайди, бунда асосий зәтибор гурух аъзолари ўзларини қандай сезиши, уларнинг бу ишга күшилгандығы ва қызикқанлик даражасини хисобга олишга қартилади.

Умумий қоида шундай: машқдан қониқиши юқори даражага етгана, уни яқунлаш керак. Диагностикани амалга ошириш ва гурух иштирокчиларининг ҳолатидаги ўзгаришларни диққат билан кузатаётган бошловчи ана шундай дақиқаны пайқаб олиши керак. Бу дақиқа шундан иборатки, бир томондан машқ мақсади учун ва унинг мухокамаси учун етарли материаллар йығылади, сошқа томондан эса гурухнинг күпгина иштирокчилари машқни бажаришни давом эттириш ниятида бўлиб ва уни тугатылға розилигини изҳор этадилар.

Умумий қоида шундай: машқ қанчалик кўп ва мазмуюли ахборот олишга йўналтирилган бўлса, унинг мухокамасига ҳам шунча кўп вакт сарфланади.

Агар машқларнинг мақсади гурух аъзолари ҳолатидаги ўзгаришларни билишга қаратилган бўлса, унда мухокамада "Сиз ўзингизни қандай хис қиляпсиз?", "Хозир кайфиятингиз қандай?" каби қисқа саволлар берилади.

Баъзан бир хилдаги "яхши", "тетикман", "нормада" каби жавоблар билан чегараланилади. Баъзи ҳолларда иштирокчиларнинг аниқ бир ҳолатини кўрган бошловчи ўзи ҳам уларга гап қотади: "Сиз хушвақтсиз энди кейинги мураккаб ишларга ҳам ўтиш мумкин", "Мен кўрғаманки ҳамма табассум қилаяпти, менимча кайфиятлар яхши, ишни давом эттириш мумкин" ва ҳ.к.

Бошловчи машқ жараёнида куйидагиларни ҳам кузатиб бориши лозим: иштирокчиларда кийинчилик тухилаяптими (агар қийинчиликлар бўлса, у қандай мазмунга эга), иштирокчиларнинг ҳолати қандай ўзгарайпти, улар нимага эришайпти ва нимага эришолмаяпти. Бундай кузатишлар эса машқлар тугагандан кейинги бериладиган саволлар характеристини белгилайди.

ЎЙИН - ГУРУХ БИЛАН ИШЛАШ ВОСИТАСИ

Тренернинг эмоционал таъсир қилиши

Ўйиннинг жадаллиги ва суръати

Ўйинлар бизнинг ҳаётимизда жуда муҳим аҳамият касб этади. "Ўйин" атамаси кўпчилик тилларда ҳазил, кулгу, енгиллик, хузур ҳаловат каби тушунчаларга мос келади ва ижобий ҳиссиётлар билан боғлиқ муносабатларни англатади.

Тренинг жараёнида ўтказилган ҳар қандай ўйин ўзида икки хил мазмунни акс эттиради: биринчиси, ўйинда қатнашувчилар учун маълум бўлган - дам олиш, кўнгил очиш, хордиқ чиқариш, кайфиятни кўтариш бўлса, иккинчи маъноси, тренингни олиб борувчи (бошловчи) учунгина маълум бўлиб, бунда гурух билан ишлаш жараёнида тренер ўз олдига кўйган муайян вазифаларни амалга ошириши кўзда тутилади. Шу тариқа ўйин - фақат кўнгилхушлиқ эмас, балки гурух ёки бирор бир иштирокчининг хулқ атворини бошқариш, ўзгаришиш, шунингдек бошловчи учун зарур йўналишда ҳаракатланиш воситаси сифатида намоён бўлади. Бундан ташкари, ўйин гурух аъзоларини бир-бири билан таништириш, жипслаштириш, фаолиятга мослаштириш, муаммони

хал қилишга тайёрлаш каби күнікмаларни шакллантириш вазифаларини хам бажаради.

Үйинни ўтказишида албатта умумий қоидаларни ҳисобға олиш ва уларга амал қилиш лозим.

Тренернің эмоционал таъсирчанлық қобиляяты

Тренер ўзидаги истак-хөшишни аник намоён қилиш орқали иштирокчиларни үйинни бошлашга қызықтириши лозим. Үйинни бошлаш учун қилинган таклиф жонли, кувноқ тарзда айтилиши ва иштирокчиларни ҳаракатга келтириши керак. Гурухдан үйинни бошлашга бўлган хөшишини сўраш тавсия этилмайди, чунки кўпчилик иштирокчилар учун бу ноодатий ҳол бўлиб, улар үйинга катнашишдан бош тортиши мумкин. Шунинг учун гурухни танлаш имконияти (яъни "хоҳласанг қатнаш, хоҳламасанг үйнамаслагинг мумкин" каби) вазиятида қолдирмаслик керак, "албатта үйнаймиз" деган қарор — ягона қарор бўлиши керак!

Үйиннинг жадаллиги ва суръати

Тренер үйиннинг боришини, унинг жадаллиги ва суръатини аниқлаб олиши мухимдир. Агар үйин чўзилиб кетадиган бўлса, уни тезлатишга, иштирокчиларни қызықтириш учун кўтаринки руҳда тугатишга ҳаракат қилиш зарур.

Қизиқтириши ва сирлилик (ўйинга жалб қилиши)

Баъзи ҳолларда тренер үйинни бошлашдан ва үйин қоидаларини тушунтиришдан олдин иштирокчиларни қызықтариш учун ўйинга доир қизиқарли воқеа-ҳодисаларни сўзлаши, эртак ёки афсоналар айтиб бериши мақсадга мувофиқдир.

Баҳсланиши. Үйиндан чиқариладиган хулоса.

Баҳсланиши (Мусобақалашини)

Катталарда ҳам ва болалар руҳиятида ҳам мусобақалашинига бўлган мойиллик кузатилиди. Ана шу мойилликдан фойдаланган ҳолда, тренер иштирокчиларда ўйинга хос кайфиятни вуҷудга келтириш учун гурухлар ўртасида рақобат ҳиссини уйғотиши яхши натижа беради. Масалан, "Қайта куриш" каби үйинларда, ("Мумё" ёки "Минора" каби) агар тренер топширикни мусобақа ҳолатида ташкил қила олса, (яъни "қани қайси гурух тезроқ бажаради?" га ўхшаган кўринишларда берса), үйин жадалроқ ва қизиқарлироқ ўтади. Албатта, барча үйинларда бу тактикани кўллаш мақсадга мувофиқ эмас, бироқ ўрни келганда фойдаланиш яхши натижа беради.

Үйиндан чиқарыладыган хуроса

Үйиннинг охири доимо қандайдир эмоционал аҳамиятга эга бўлиши керак. Яъни үйин охирида албатта икки хил ҳолат кузатилиши зарур: биринчидан, иштирокчиларда кўтаринки кайфият кузатилиши лозим. Иккинчидан, үйиндаги ўзаро муносабатлардан мантикий якун келиб чиқиши керак. Энг оддий эмоционал олқиши сифатида қарсак роль үйнаши мумкин, вазиятдан келиб чиқсан ҳолда олқишлишнинг бошқа усусларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Үйин пайтидаги ўзаро муносабатларнинг муваффакиятини таъминлаш учун тренер гурухдаги шарт-шароитларни — масалан, гурух аъзоларининг ёшини, ҳисобга олиши зарур. Ҳамма үйинлар ҳам турли ёшдаги гурухларда муваффакиятли ўтавермайди. Ҳар бир үйин гуруҳ билан ишлаш жараёнида ўз ўрнига эга бўлади. Үйинлар ўзига хос мантиқ асосида ташкил қилиниши лозим, масалан, "тактил тўсикларни бартараф қилиш" үйинини ўтказмасдан туриб, "ишонч асосида" үйинини ўтказиб бўлмайди. "Ислмарни эслаб қолиш" үйини муваффакиятли ўтиши учун доира шаклида ўтирган иштирокчилар бир-бирларининг исмини эшитганлигига, бир-бирига аҳамият берганлигига ишонч хосил қилиш керак, чунки билмаган нарсани эсда сақлаб бўлмайди.

Бошловчи гуруҳ билан ишлашдан олдин үйинни ўтказиши учун зарур бўлган барча материалларни ва ҳатти-ҳаракатларни яхшилаб ўйлаб олиши керак. Қатнашчиларнинг үйинга қизиқишини ошириш учун материалларнинг ёрқинлиги, жозибадорлигини назардан қочирмаслик лозим.

Бошловчи эътибор бериши керак бўлган муҳим жихатлардан яна бири — гурухнинг үйин жараёнига киришиб кетишидир. Ҳар бир гурух учун үйинлар қандайдир янги ва ўзига хос ҳодисадир. Шунинг учун үйинларни танлашда "оддийдан мураккабга" тамойилига амал қилиш зарур. Айни ҳолларда бошловчининг кайфияти кўтаринки бўлиши ва қўзланган мақсадга эришиши учун бу кайфиятни гурух аъзоларига ҳам "юқтириш" керак. Агар гурух үйинга киришишни истамаса - чўчиш керак эмас, бу одатланилмаган ҳолатга нисбатан дастлабки акс таъсир (реакция) бўлиб, тезда ўтиб кетади.

Албатта, кўплаб үйинларни ўтказиш жараёнидаги бошловчида бу борадаги зарур кўникма ва малакалар шаклланиб боради, бироқ муайян үйин қоидаларини бажариш, вазифаларни тушуниш, шарт-

шароитларни хисобга олиш натижасида тренернинг иши осонлашади, энг муҳими — гуруҳдаги ишнинг сифати ошади, тренинг олдига кўйилган мақсад ва вазифалар юкори даражада амалга оширилади. Шундай экан, тренинг жараёнида ўйинлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилиш зарур.

Гуруҳларда биргаликда ўтказиладиган ўйинлар

Гуруҳларда биргаликда ўтказиладиган ўйинларда ғолиб ва маглублар бўлмаслиги ва ҳеч ким ўзини яккаланиб қолгандай хис килмаслиги керак. Ўйин бу — вақтихушлик қилишdir ва у ўйин иштирокчиларида умумийлик, муштараклик хиссини вужудга келтиради. Ўйинлар болаларда ҳам, катталарда ҳам бошқаларга ишонч, дикқатни жамлаш, киришимлилик ва ўзаро мулокот кабиларга кўникма, малакалар ҳосил қиласди. Шу тарзда ўйинлар иштирокчиларнинг нафакат аклий жихатдан, балки умуман шахс сифатида ривожланишига ҳам катта ёрдам беради. Шунингдек, узоқ давом этган зўриқтирувчи машғулотлар ёки ноxуш ҳаётий вазиятлардан сўнг ўзини тиклаб олишига ёрдам беради. Гуруҳдаги барча иштирокчилар ҳам ўйинда иштирок этишини истайвермайдилар ва уларни мажбуrlаш шарт эмас. Агар улар битта ўйинда қатнашсалар, ўз-ўзидан кейинги ўйинларда ҳам иштирок этишини хоҳлаб қоладилар. Тренер ҳар доим елиб-югуриб иштирок этиши шарт. Бу эса гуруҳда хуш кайфият, дўстлик муҳитини яратишга ёрдам беради.

РОЛЛИ ЎЙИНЛАР

Ролли ўйинларни ўтказиши

Ролли ўйинлар ҳаётий вазиятлар ва муносабатлар моделластириладиган, махсус ташкил қилинадиган ўйинлардир. Улар шахслараро муносабатлар ҳарактерини англаш, бу муносабатларни яхшилаш ишида қўл келади. Тренинг жараёнида ролли ўйинлар кўпинча турли ижтимоий ролларни бажарувчи кишилар орасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш учун таклиф килинади.

Ижтимоий ролларга биз ҳаётда ўзимиз сезмаган холда жуда кўп дуч келамиз. Эр, хотин, ота, ўғил, она, киз, йўловчи, хизматчи, талаба, бошлиқ ва ҳ.к. — булар факат инсон эканлигимизни

англатувчи тушунчаларгина эмас, балки муайян ижтимоий роллар ҳамдир. Улардан ҳар бири ўз йўл-йўриклари ва хулқ-атвор қоидалари, нормаларига эга.

Ролли ўйинларда асосийси — мулокот ёки муносабатдир. Ўз позициямизни ўзгаларникига мослаштириш жараёнида муносабатларнинг янги усулларини ишлаб чиқишимиз мумкин: бунда одатланилган хулқ-атворнинг яхши ва ёмон жиҳатлари яхшироқ англанади ёки бошқа иштирокчилар билан бевосита мулокот жараёнида янги хулқ-атвор кўринишлари шакллантирилади.

Ролли ўйинларда хулоса чиқариш, тажриба тўплаш, уни англаш ва кундалик ҳаётга тадбиқ этиш муҳимдир.

Ролли ўйинларни ўтказиши қоидалари

Қоидалар нафакат ўйинга, шунингдек унинг якунларини муҳокама қилишга ҳам тегишилдири. Ўйин қоидалари ўйиннинг мазмунидан келиб чиқкан ҳолда ишланади, бунда ўйиндаги ўзаро муносабатлар ва тажриба алмашишга катта аҳамият бериш зарур.

1. Ўйинда катнашашётганда ҳар бир иштирокчи ўзи ва ўзгалар билан самимий муносабатда бўлиши, таклиф қилинга ролга маъсулият билан ёндашиши лозим.

2. Тажрибаларни ўртоқлашаётганда иштирокчиларнинг фикри тренернинг фикрига мос келмаган ҳолда ҳам тренер уларнинг нуқтаи-назарини хурмат қилиши зарур. Шунинг учун ҳамма бир-бирининг фикрини бўлмасдан, диккат билан эшитиб, бошқа иштирокчиларнинг ўйин жараёнида нималарни хис қилганлигини тушунишга ҳаракатқилиш зарур.

3. Муҳокамада барча иштирокчилар факатгина ўз кечинма ва хисснётлари ҳакида гапириши, бошқаларнинг хатти-ҳаракатини тахлил қилмаслиги шарт. Уларнинг фикрини, тажрибасини ўзидан эшитган маъкулроқ.

Ролли ўйинлар фойдали усул бўлиши билан бирга уни ўзлаштириш қийинроқдир. Куйидаги тавсиялар бу усулнинг фойдалилигини оширишга ёрдам беради:

Тренингни дастлабки кунларида ўйинга кўнгилли, сергап ва фаёл иштирокчиларни танлаб олиш лозим;

Тренернинг ўзи ҳам бош роллардан бирини ижро этиши мақсадга мувофиқдир;

Иштирокчиларга кайси йўналиш бўйича ҳаракат қилишлари лозимлигини тушунтириш ёки уларнинг ишни бошлаб олишлари учун бирорта сценарийни таклиф этиш керак;

Иштирокчиларга инструкция беришда "Реквизит"лар — сіляна, исмлар ёзилган карточкалар, париклар ва ҳ.к.лардан фойдаланишлари мумкинлигини айтиш керак;

Тренер имкони бўлса, вазиятни юмор билан тўлдиришга ҳаракат қилиши лозим;

Бутун гурухни жуфтликларга бўлиб ташлаш ва ҳар бир жуфтлик хаётий вазиятлардан келиб чиқиб, маълум бир саҳнани (масалан, ота-ўғил каби роллар) ижро этишини сўраш керак.

Шу тарзда бутун гурух олдидаги мавжуд бўлган хижолатпазлиқ, бир-биридан уялиш қабилар йўқолади.

Ўйинни ўтказиши босқичлари

• Ўйин қоидаларини ўйиннинг моҳияти ва мазмунини тушунтирмасдан олдин таништириш мақсадга мувофиқ ва бунда энг яхши усул — ҳар бир иштирокчи қоидаларга риоя қилишини оғзаки тасдиқлаши лозим;

• ролли ўйинлар ўтказилиши учун маълум вақт белгиланиши керак, белгиланган вақт иштирокчиларга эълон қилинади ва тренер томонидан назорат қилиб борилади;

• тренер ўйин қоидаларидан сўнг ўйин мақсадини тушунтарида (нима учун бу ўйинни ўтказаяпти). Ўйиннинг мазмуни ўқиб берилади ёки у акс этган карточка иштирокчиларга тарқатилади ва уларга ўзини қандай тутиши лозим бўлган маълум бир вазият ёки ҳолат таклиф этилади;

• ролли ўйин тугаганидан сўнг ўосил қилинган таъкида мухокама қилинади. Тренер ролли ўйин қатнашчиларига фикрларини баён қилишлари учун кўмаклашади. Фикртарни баён этиш ҳам ҳоида асосида — маълум тартиб ва шаклда амалга оширилади, ҳар бир қатнашчининг ўз кечинмалари ва фикрларини баён қила олиши жуда мухимдир, бунинг учун тренер ўйин жараёнида қатнашчиларда намоён бўлган ҳар бир ҳиссиятнинг юзага чиқишини кўллаб-куватлаб, рағбатлантириб бориши зарур;

• агар бирорта ўйин қатнашчиси ўз кечинмалари билан ўртоқлашишни истамаса, унинг бу истагини албатта инобатга олиш керак.

ҮЙИН ТУРЛАРИ Танишув ўйинлари

Хар бир гурух билан олиб бориладиган машғулот қандай мақсадда ўтказилишидан қатый назар "танишиш" ўйини билан бошланади, чунки гурух аъзолари бир-бирларини яхширок билиб олишлари лозим. Айниқса, биринчи ўйиндаёт иштироқчилар факат исмларинингина айтиш билан кифояланиб колмасдан, ўзининг ҳолати, кайфияти ва ҳатто ҳарактерини ҳам ифодалай олса, бу жуда яхши самара беради.

Гурух аъзолари бир-бирлари билан мулокатта киришишлари осон бўлиши учун бир-бирларининг исмларини эслаб қолишига ёрдам берувчи ўйин ўтказиш лозим. Энг кенг тарқалган ўйин — бу "Кор йигими" ўйинидир.

"Танишув" ўйини — гуруҳнинг барча аъзолари ўзларини ҳар жиҳатдан қулагай, дадил тутишлари, шунингдек, ўзаро ишонч ҳосил қилишлари учун биринчи ва энг муҳим қадамdir.

"Тана (тактил) тўсиқларини бартараф қилиш" ўйини

Одам нотаниш гурухга тушиб қолса, у албатта ўзини нокулай, сикилиб қолгандай хис қиласди, уялади. Агар биз кимнингдир елкасига қўлимизни қўйишга, соч турмагининг у ёк бу ёғини тўғрилаб қўйишга ҳаддимиз сизса, ўша одам ёнида ўзимизни дадил ва хотиржам ҳис этамиш. Агар одамлар бир-бирини яхши танимаса, билмаса, бундай хатти-ҳаракатларни бажара олмайдилар ва ўзаро мулокотда руҳий зўриқиши, нокулайлик каби ҳислар пайдо бўлади. Лекин шундай ўйинлар борки, улар бундай тўсиқларни бартараф этишга ёрдам беради. "Тана тўсиқларини бартараф қилиш" ўйинларининг моҳияти шундаки, гурух аъзолари бир-бирларига "тега олиш"ларига имкон яратилади. Гурух аъзолари ўртасида ўзаро ишонч ва ишчанлик муҳитини юзага келтириш учун бу ўйинни "Танишув ўйинлари" ўтказилганидан кейин оқ бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бу ўйиннинг энг оддий ва кенг тарқалган тури "Чигилни ечиш"дир.

Ишчанлик мұхитини яратып бүйича үйинлар

Бу хилдаги үйинлар гурух иштирокчиларига маълум бир мұхитда үзини қулай ҳис қилиш күнікмаларини шакллантиришга имкон беради. Бу үйинларда иштирокчилар бино (хона, майдонча) бүйлаб юришлари, ҳатто югуришлари, сакрашлари мүмкін. Бундан күзланған мақсад — уларга үйин үтказилаёттан жойнинг ҳар бир бурчагида үзини дадил, ишончли сезиши учун шароит яратып берішдір. Айни ҳолатда "Анаконда" үйинини үтказиш тавсия этилади.

"Кузатиши ва эшитиши" үйинлари

Бу хил үйинлар иштирокчилардан бошқа иштирокчиларнинг күріниши, уларнинг нималарни гапираётгани, нимани ҳис қилаётгандылығы (масалан, қаерда яшаши, қачон туғилғанлығы кабиларға) әထибор беріш талаб қилинади. Яғни, бу үйинларнинг қатнашчилари норасмий шароитта, норасмий ҳолатда бир-бірләрі ҳакида күпроқ маълумотта зерттеуде анықталады.

"Ишончга асосланған" үйинлар

Бундай үйинларнинг асосий мақсади уларнинг номланишидағы намоён бўлади. Улар ёрдамида гурухда үзаро ишончли муносабатларни шакллантириш мүмкін. Бу үйинларни гурух билан иш бошлаган дастлабки пайтда эмас, балки бошловчи ва гурух аъзоларида гурухга нисбатан қандайдыр ишонч ҳисси пайдо бўлиши учун кейинроқ үтказиш маъқулроқ. Бу үйинларда гурух иштирокчилари үртасида тактил алоқалар бўлиши натижасида улар орасида үзаро ишонч, ахиллик пайдо бўлади. Шунингдек, бундай үйинларни үтказиш жараёнида иштирокчиларнинг бир-бірларига нисбатан үзаро масъулият билан муносабатда бўлиши ҳам намоён бўлади.

Гуружнинг кайфиятини күтарувчи үйинлар

Бу типдаги үйинларга кувнок, кайфиятни күтаришга асосланған ҳазил-үйинлар киради. Шунингдек, уларга гурух аъзолари бир-бірларига миннатдорчилік билдирадиган, илик сўзлар айтадиган, тилаклар, комплиментлар изжобий психологик

муҳит яратадиган ва қайфиятни кўтарадиган ўйинларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ўйинларни учрашувнинг самарали тугашини таъминлаш учун машғулотнинг охирида ўтказиш тавсия этилади.

Ўғил болалар ва қизлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир ҳазил ўйинлар

Иштирокчиларнинг талаблари асосида оиласвий ҳаётнинг икир-чикирлари билан боғлик баъзи машғулотларда интим муносабатларга доир мавзулар ҳам бўладики, бу шундек ҳам зўр диккат билан қатнашаётган иштирокчиларни баттар ҳаяжонлантириб юбориши мумкин. Айни ҳолатни ҳазил ўйинлар воситасида йўқотса бўлади. Бу ўйинларда улар бир-бирларига илтифот қилиши, қўлтиқлашиши, хуллас ўзлари хоҳлайдиган, бирор ифодалашга уяладиган, ижтимоий-маданий ҳаётда қайси жиҳадандир йўл қўйилмайдиган ҳатти-ҳаракатларни бажаришлари мумкин. Бундай ўйинлар умумий кулгу остида кувноқ ва жонли ўтади. Шу билан биргага гурухда ўзаро ишонч даражаси ошади, аҳиллик кучаяди.

Зирок уларни гурухда мулоқот юзасидан ва тактил тўсиқлар йўқотилгач, ўзаро хайриҳоҳларча муносабат вужудга келгачгина ўтказиш тавсия этилади.

ТРЕНЕРГА ТАВСИЯЛАР Тренер ва унга қўйиладиган талаблар

Тренернинг машғулотни қандай олиб бориши, яъни инг тренерлик маҳоратидан ташқари унинг ўзи ҳам иштирокчиларга жуда катта таъсир кўрсатадики, бунда асосан икки нарсага эътибор қаратилади:

1. Тренернинг кийиниши (имиджи).
2. Тренернинг ҳатти-ҳаракатлари, киликлари, одатлари.

Кийим танлаши муаммоси

Худдики театр гардеробдан бошлангани каби тренингни бошланиши ҳам тренернинг ташқи кўриниши, кийиниши билан боғлиқдир. Буни қандай тушуниш мумкин?

Тренернинг кийиниши гурухда у ҳақдаги дастлабки тасаввурнинг ижобий ёки салбий бўлишига, гурух уни қабул

килиши ёки қабул қилмаслигига олиб келиши мүмкінкі, бу ҳолат тренинг жараёнига ҳам үз таъсирини албатта күрсатиши табиий.

Имидж – бу атросфагилар сизни қандай қабул қилиши, қандай күра олишидір. Шу үринде бир мисол келтириб үтәмизки, тренернинг кийиниши қанчалик мұхим эканлигини бу миссолдан кейин осонгина тушуниб олиш мүмкін.

Фараз қилинг қанақадир фирма ёки давлат муассасига ишга таклифни үқиған иккі киши үша жойға борди. Уларнинг бири – костюм-шымларда, оқ күйлак, галстук, күлида портфел билан көлса, иккінчиси әгніда футболка, оёғида крассовка, орқасига рөззек особ олган бўлса, албатта биринчи одам кишида ҳақиқий мутахассис таасуротини беради, ваҳоланки, у тажриба юзасидан, маълумот юзасидан иккінчи одамдан кўра пастроқ бўлиши мүмкін. Лекин уларнинг кийиниши, ташки кўриниши, имиджи кишида қарама-қарши тасаввурларни уйготади. Шундан келиб чиққан ҳолда тренернинг кийиниши ҳам үзига хос ва вазиятга мос бўлиши талаб этилади.

Аввало тренинг қанақа гурӯҳ учун мўлжалланганлитигини эътиборга олиш зарур. Лекин имкон даражасида тренингга ишчи формада келиш лозим. Бу кийим аввало менталитет хусусиятларига мос келиши, шунингдек тренернинг үзи учун ҳам кулагай, ҳаракатланишга мос бўлиши лозим.

Тренернинг безаклари ҳақида ҳам тўхталиш лозимки, тренер учун ҳаддан ортиқ безаклар билан безаниш мақсадга мувофиқ эмас.

Тренернинг ўзини тутиши, ҳатти-харакатлари.

Ҳар қандай тренинг машғулотида тренер иштирокилар учун таъсир кўрсатувчи шахс хисобланади., гарчи у улар билан ўзини тенг тутса ҳам. Чунки одатда тренерлар психологик билимларга эга бўлган кишилар бўлганлиги боис, бу таҳлит кишиларга нисбатан иштирокчиларнинг ҳурмати баланд бўлади. Шунинг учун кўнгина тренингларда тренернинг ҳатти-харакатлари ва қиликларини тақорглаш, айнан ўзлаштириб олиш кузатилади. Демак, тренернинг нафакат сўзлари, маслаҳатлари, балки унинг бутун ҳаракатлари гурӯҳ иштирокчиларига таъсир кўрсатади. Шунинг учун тренер ҳатти-харакатларда ҳам эътиёткорроқ бўлиши керакки, унинг ҳатто ўзига ёқмаган жиҳатлари ҳам иштирокчилар томонидан ўзлаштирилмаслиги ёки аксинча иштирокчиларнинг ғашига тегмаслик учун.

Тренернинг компитентлиги

Тренинг жараёнида тренер ҳар бир иштирокчининг психологияси билан ишлайди. Инсон психологиясининг ҳар бир жихати эса жуда нозик соҳа бўлиб, унинг қайсиdir жойига ноҳосдан тегиб кетиш катта ноҳушликларга, муаммоларга, хаттотки азиятларга олиб келиши мумкин. Шуни хисобга олган холда тренернинг ишини кимматбаҳо олмос (жавохир) билан ишлайдиган моҳир заргарнинг ишига ўжшатиш мумкин.

Тренинг жараёнини ташкил қилиш ва уни ўтказишида тренердан жуда кўп нарса талаб этиладики, тренер бўлиш истагида бўлган ёки тренерлик қилаётган ҳар бир мутахассис буларни билиши ва амал қилиши зарур.

Энг муҳими тренерлик қилаётганда шуни унумаслик керакки, тренер ўқитувчи эмас. Унинг вазифаси — шароит, вазиятни яратиш ёки иштирокчиларга кўмаклашишдан иборат.

Тренер машғулотларни олиб боришида катта тренерлик тажрибаси ва маҳоратини эгаллаши керак.

Тренер қуйидагиларни бажармасликка ҳаракат қилиши лозим.

- Гурухга раҳбарлик қилиш.
- Гурухга тайёр аҳборотларни бериш.
- Гурух нима иш қилиши кераклиги тўғрисида маслаҳат бериш ёки таклиф киритиши.

Моҳир тренер гурух билан ишлаш жараёнида нафакат гурухнинг аҳволи, кайияти, муаммосига, балки ҳар бир иштирокчининг аҳволи, кайфияти, муаммосига катта эътибор билан қарайди.

Тренернинг вазифаси — Гурухнинг қизиқишини ошириб, уларни йўналтириб ва рағбатлантириб боришдан иборат. Иштирокчиларнинг ўзи ишлаши учун тренер уларга фақат шароит яратиб бериши лозим. Шундай қилинса иштирокчилар муаммоларни таҳлил қилиш ва маълум бир хulosаларга келиш жараёнида ўзаро ишонч ва хурмат кўниҳмаларини эгаллаб боради. Иштирокчилар мустақил равишда бирор фикрга келса, тренер уни тўғри карор сифатида қабул қилиши керак. Тренер ҳар бир иштирокчининг муваффакиятини рағбатлантириб уларнинг яширин истеъодларини намоён қилишларига имкон яратиши керак. (М: иштирокчи кечикиб келгандан чиройли қўшиқ ёки шеър айтиши; ролли ўйинда яхши роль бажариши.

Тренер ҳар қандай вазиятда қуидагиларга амал қилиши керак.

• Мавзу доирасидан четта чиқмаслик, мұхокама этилаётган мавзуларға нисбатан үз фикрини билдириш әр мешіттегі деңгелдегі шарт.

• Тренер ҳар бир кишини эшитиши, суст иштирокчиларни фаоллаштыриши әр мешіттегі деңгелдегі шарт.

• Тренер иложи борича иштирокчиларни яқындан билиши, ишни яхши ташкил қилиши, гурұхда дұстона мұхитни ташкил қилиши, зиддиятли ҳолатларға йўл қўймасликка ҳаракат қилиши керак.

Тренерда фикр алмашиш малакаси жуда яхши ривожланған бўлиши керак. Бу малакани эгаллаш қуидагиларга боғлик:

- дикқат билан эшитиши;
- эшишиб бўлгач үз фикрини билдириш;
- үз хиссиятларини ва кечинмаларини билдириш.

Дикқат билан эшитиши малакаси қуидагилардан иборат:
- гапираётган кишига қараб туриш қаралады; әр мешіттегі деңгелдегі шарт.
- унинг гапларини бўлмаслик қаралады; әр мешіттегі деңгелдегі шарт.
- атрофдаги таъсирларга берилмаслик қаралады; әр мешіттегі деңгелдегі шарт.
- иложи борича тинчликни сақлашып қаралады; әр мешіттегі деңгелдегі шарт.
- гурұхда иш жараёнида юзага келувчи муаммоли вазиятларни ҳал этишига тайёр бўлиши қаралады; әр мешіттегі деңгелдегі шарт.

Гурӯҳ билан ишлаш жараёнида пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоли вазиятлар ҳақида маълумот

Гурӯҳ билан ишлаш жараёнида турли муаммоли вазиятлар вужудга келиши мумкин. Шуни ҳисобга олган ҳолда машғулотлар давомида пайдо бўлиши мумкин бўлган баъзи бир муаммолар устида тўхталиб ўтамиш:

Кичик гурӯҳчалар пайдо бўлиши. Гурӯҳ фаолиятининг бошлангич босқичида иштирокчиларда хавотирланиш ҳислари пайдо бўлиши мумкин. Бунинг сабаби баъзи иштирокчилар гурӯҳ уни қабул қиласынан көрсайды. Натижада гурӯҳ ичидаги кичик гурӯҳчалар пайдо булади. Бу гурӯҳларда иштирокчилар ўзаро яқинлик ва ўзаро ишончни ҳис-

этадилар, "шериклик" ҳисларини сезадилар. Бу ҳолат гурухда ишонч мухитини яратишга ҳамда гурухни ахиллаштиришга ҳалакит берилгү мумкин.

Бошловчи нималар қилиши керак: иштирокчиларни "ажратадиган" ва аралаштириб юборадиган ўйинлар ўтказиши керак, жуфтликлардаги ва кичик гурухлардаги машқларда иштирокчиларни доимо алмаштириб бориши керак. Иштирокчиларнинг бир-бирларини янада чуқурроқ билишлари ва танишишларига ёрдам берувчи ўйинлар ўтказиши керак.

Бошловчининг ёки иштирокчиларнинг дикқатини жалб этиш. Ҳар қандай гурухда шундайлар топиладики, улар иложи борича ҳамманинг дикқатини ўзларига қаратмоқчи бўлишади. Буни улар турли хилда амалга оширадилар: доимо ўз фикрларини баён этишади, бошқаларнинг гапини бўлишади, иштирокчилар ва бошлөвчи ўртасида низо келтириб чиқаришга ҳаракат қилишади, "ҳазил-хузул"га йул қўйишади, машғулотларга қизиқишлари йўқлитини намойиш этишади ёки ҳар хил қиликлар чиқаришади,

Бошловчи нима қилиши керак: Агар бу хил қиликлар гурухга ишлайдиган бўлса, уларни новербал равишда рағбатлантириш керак эмас. (табассум қилиш, бош қимирлатиб тасдиқлаш ва х.к.). Уларга сўзлаш учун бериладиган вақтни чеклаш керак, гурухнинг иши ва дикқати бир хил тақсимланганлигини эътиросф этиш керак: "Мен сизнинг гапингизни бўлишга мажбурман, ахир бошқалар ҳам гапиришлари керак". Бошқа иштирокчиларга, айниқса гапирмасдан ўтирганларга мурожаат этиш керак, "бузгунчи" иштирокчи билан очик гаплашиб, унга нисбатан фикрларни баён қилиш лозим.

Жим ўтирадиган, индамас иштирокчиларни гуруҳ ишига жалб қилиши

Бошловчи уларга кийин бўлмаган саволлар билан мурожаат қилиши мумкин, уларни жуфтликлардаги машқларга кўпроқ жалб этиши керак, ролли ўйинларда уларга етакчи ролларни бериш керак, уларнинг ташаббусларини кўллаш керак, гурухнинг ҳамма аъзоларининг фикрини давра бўйлаб сўраш керак.

Қаршилик кўрсатиш — ўзини ҳимоя қилиш. Баъзи иштирокчилар жуда кўп ички муаммоларга эга булиши мумкин, бундай ҳолат гурух қоидаларига бўйсунмасликда кўриниши мумкин. Масалан, бахсга чақирав; ишончсизлигини очик намоён

килиш; бошловчини низоларга ундаш (бунда иштирокчи бошловчи ўзини бошқалардай тутадими ёки йўкми эканлигини текшириб кўрмокчи бўлади); агар бошловчи бундай "бузгунчи" иштирокчиларнинг қиликларига эътибор бермаса, улар ҳеч нарса гапирмай жим ўтириш реакцияси орқали жавоб беришлари мумкин. Иштирокчининг қаршилиги у конструктив равишда намоён эта олмайдиган ички зўрикиши билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

Бошловчи нима қилиши керак: иштирокчи билан алоҳида гаплашиб олиш керак; агар гуруҳда битта шундай иштирокчи бўлса, унинг ичидаги гапларни айта олиши учун имконият яратиш керак; уни нима қийнаётгани, ғазаблантираётгани ҳакида гаплашиш керак; фаол ишлаш услубларидан фойдаланиш керак — зўрикиш, агрессияни сусайтирувчи ўйинларни кўллаш керак.

Баҳсларда кўпчилик иштирокчилар хар доим ҳам ўз фикрларини мулойим баён эта олмайдилар ва низоларни ҳал этиш йўл-йўриклини билмайдилар. Бошловчи нима қилиши керак: баҳски муносараага айлантириш керак, иштирокчи қўпол равишда баён этган фикрни қайтадан тўғрилаб айтиш керак, иштирокчилар ўз фикрларини очик баён этишларини сўраш ва шундан сўнг бошқалардан бирон томоннинг фикрига кўшилишларини сўраш ёки шахсий фикрларини айтишга ундаш керак.

*Гуруҳ аъзолари ўртасида, кичик гуруҳлар орасида ёки
бошловчи ва иштирокчи муносабатларида низонинг пайдо
бўлиши*

Бошловчи нима қилиши керак: агар гурухдаги иштирокчилар ёки кичик гуруҳлар ўртасида ўзаро низолар келиб чиқса, низони конструктив йўл билан ҳал этиш лозим; агар бошловчи ва иштирокчи ўртасида низо пайдо булса, бошловчи ўз ҳиссиётларини баён этиб иштирокчи билан гаплашишга уриниб кўриши, компромисста келишга уриниши ва кези келганда ўз хатосини тан олиши керак. У қуйидаги қоидани эсда тутиши керак: "Бошловчи ҳамма иштирокчиларга албатта ёқиши ва ўзи ҳам ҳаммани яхши кўриши шарт эмас, улар бир-бирларини яхши кўришга ҳам мажбур эмаслар!"

Тренинг жараёнида кичик гурухлар билан ишлаш Кичик гурухлар билан ишлаш қоидалари

Тренинг жараёнида гурухни тез-гез кичик гурухларга бўлиб ишлаш мақсадга мувофиқдир. Бундан мақсад гурухнинг ҳар бир иштирокчисини фаол иштирок этишга ундашдир. Бирор бир мавзу катта гурухларда муҳокама этилса, бутун гурухнинг иштирокини таъминлаб бўлмаслиги аниқ. Бу эса гурухдаги суст иштирокчиларни умуман четда қолишига сабаб бўлади. Кичик гурухларда ишланганда эса уларнинг фаол иштироки талаб этилади ва бу ҳар бир иштирокчининг қизиқувчанлигини оширади. Бундан ташқари кичик гурухларда ишлаш иштирокчилар учун тинч ва ишончли муҳитни яратади, уларнинг бир-бирлари билан тезроқ танишиши ва бир-бири билан киришишига имкон яратади. Айниқса, оиласвий мавзуларга дойр нозик саволлар муҳокама этилганда баъзи иштирокчиларда нокулайлик, уялиш холатлари вужудга келади. Кичик гурухларда ишлаш эса улардаги уялиш, нокулайликни йўқотиши мумкин. Гурух сони қанча кичик бўлса, ундаги иштирокчиларда кўркув, нокулайлик, уялиш ҳислари камроқ намоён бўлади.

Кичик гурухлар билан ишлаш қоидалари:

1. Кичик гурухларга бўлишда ўйин орқали бўлиш усулидан фойдаланиш лозим.
2. Гурухларга бажарилиши лозим бўлган топшириқларни аниқ ва тушунарли қилиб бериш керак.
3. Микрогурухларга топшириқ берадётганингизда инструкцияни уларнинг ҳаммасига бирваракайига тушунтириш керак. Негаки, агар тренер битта гурухга кўрсатма бериб, қолганларига ҳам бирма-бир тушунтирмокчи бўлса, у ҳолда топшириқни олган гурухлар дарқол муҳокамани бошлаб юборишади ва синфда шозкин-сурон кўтарилади, тренер эса қолган гурухларга кўрсатма беришiga қийналиб қолади.

Топшириқ бажарилгандан кейин уни албатта умумий гурухда муҳокама қилиш керак, бунда ҳар бир микро гурухдан биттадан вакил чиқиб, уз гурухининг фикри билан таништиради.

Микрогурухлар билан ишлашда вазифа бажарувчи, кузатувчи ёки эксперт ролларини тренернинг ўзи тақсимлаб бериши керак.

Микрогурухлар билан ишлашга ҳаддан ташқари берилиб кетиш керак эмас, бу нарса тренингни самарадорлиги ва

ривожланишига ҳалакит бериши хам мумкин. Шунинг учун 2 соатлик тренингда 3 кишилик гурухга бўлинадиган топшириклардан иккита, 7-8 кишилик гурухга бўлинадиган топшириклардан биттадан ортиқ бажартирмасликка ҳаракат қилиш лозим.

Тренер микрогурухлар билан ишлаётганда улгрнинг фаоллигини ошириш учун қуйидаги қоидаларга қатъий риоя қилиши керак.

- иштирокчиларга ҳеч қачон камситувчи оҳангда огоҳлантириш бермаслик керак;
- гурухдаги бирор иштирокчи гапираётганда унинг сўзини бўлмасдан эштиши ва қолганларни ҳам шунга ўргатиш керак;
- мавзу доирасидан четта чиқмасликни сўраш керак;
- ҳамманинг сўзга чиқишини таъминлаш керак;
- мунозараларда қайсиdir шахс ҳаётига алоқадор фикрлэр шурда қолишга гурухни одатлантириш керак.

Гурухдаги муаммоли ҳолатни ҳал қилиш

Баъзида кичик гурухларда берилаётган топширикларни ҳамма иштирокчилар ҳам бир хилда бажаришни истайвермайдилар. Тренер кичик гурухларда баъзи иштирокчилар томонидан юзага келтирилиши мумкин бўлган қуйидаги кўринишдаги муаммоларни ҳал қилишга тайёр туриши керак:

- иштирокчи сухбатга аралашавериб, қолганларнинг жигига тегиши мумкин;
- иштирокчи ўзини кўрсатиш учун бошқаларни танқид қилиши, ноўрин камситиши мумкин;
- иштирокчи бирорларга нима қилиши кераклигини айтиб, ақл ўргатишга ҳаракат қилиши мумкин;
- иштирокчи гапираётган иштирокчининг гапини бўлишга ҳаракат қилиши мумкин;
- иштирокчи гурух ишида қатнашишдан бош тортиши мумкин;
- иштирокчи топшириқда тегишли бўлмаган нарсалар ҳакида гапириб вақт ўтказишга ҳаракат қилиши мумкин.

Гурухда бундай муаммоларни ҳал этиши учун қуйидагича йўл тумши мумкин:

• Агар гурух ишида оғишлар рўй берса, гурухга мулойимлик билан вақт беҳуда кетаётганлигини ва берилган топширикни бажариш ёки муаммони муҳокама қилиш лозимлигини эслатиш лозим.

• Муаммо тұғдираётган иштирокчи билан алохіда гаплашиш керак. Гурух қабул қылған қоидаларга тұхталиб, кейин бир кишининг хулк-атвори қолғанларга ҳам салбий таъсир қилишини тушунтириш лозим ва ундан кейинги машғулотларда гурух билан ҳамкорликда ишлашини сұраш керак.

• Башқаларнинг сўзини бўлаётган иштирокчига шундай огохлантириш бериш мумкин: "Мени кечирасиз-у лекин сизга шуни эслатиб кўймокчиман — гурухнинг ҳар бир аъзоси гапириш хукуқига эга ва унинг сўзини бўлиш керакмас".

• Агар бирор иштирокчининг хулк-атвори ва хатти-ҳаракати ишлашга ҳалақит берәётган бўлса, уни гурухнинг ўзида очиқасига муҳокама қилиш керак. Қилинган ҳаракат ёки айтилган гапни танқид қилинади, унинг салбий томонини ва гурух ишига ҳалақит берганлигини кўрсатиб берилади, лекин ҳеч қачон шу ишни қилған ёки гапирган иштирокчининг ўзини танқид қилинмайди.

• Машғулот сўнгидаги гурухнинг ўзлаштириш даражасини муҳокама қилиш ва бунда кимнингдир ҳиссиётларига тегиб кетмасликка ҳаракат қилиш лозим.

Гурухда ишлаш

Күйида кичик гурухларда машғулот ўтказишида нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида айрим тавсияларни ҳавола этамиз:

Ишни 3 ёки 4 кишидан иборат бўлган гурухлар билан ишлашдан бошлиш мақсадга мувофиқ. Шу усул билан иштирокчилардаги куркувни йўқотиш осонроқ кечади.

Бошловчининг вазифаси — тренинг ёпилишини юкори ҳиссий тўлқинларда якунлаш тадбирини тайёрлаш ва ўтказиш, ҳар бир иштирокчига кулай шароит яратиш, уларга биргаликдаги фаолиятлари учун ўзаро ташаккур билдиришларига имкон бериш, улардан бўлиб ўтган тренинг самараси ҳақида фикрларини сўраш, ҳамда иштирокчиларга нисбатан ўз мойиллигини намоён этиш.

МАШГУЛОТ ЖАРАЁНИДАГИ МУХИТ Тренинг машғулотларига нисбатан иштирокчиларнинг муносабати

Тренинг машғулотларини ўтиш жараёнларида иштирокчилар турлича муносабат билдиришлари мумкин.

- иштирокчилар тренерга турли хил چалғитувчи саволлар бериши мумкин (тренерни уялтириш, хижолатга кўйиш мақсадида);
- баъзи иштирокчилар ўзини ҳаддан ташқари ўнгайсиз ҳис қилиб, сукут саклаши, умуман гапирмасдан туриб олиши мумкин;
- оиласий ҳаётнинг нозик масалалари ҳакида очиқ гапириб бошқаларнинг норозилиги ёки ҳижолат бўлишига сабаб бўлиши мумкин;
- тренернинг шахсий ҳаётига алоқадор жудаям нозик саволлар бериши мумкин.

Бу хилдаги вазиятлардан чиқиб кетиш учун тренер иштирокчилар билан бирга ишлаб чикилган, машғулот вақтида барча амал килиши лозим бўлган хулк-атвор ва хатти-ҳаракат қоидаларига мурожаат килиши лозим, яъни иштирокчиларга ёки айнан ўша иштирокчига қоидаларни яна бир бор такрорлатиш керак.

Қоидаларнинг таъсирини ошириш учун 2-3-кун бошланishiда иштирокчилар билан ролли ўйин ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. (Ҳозир ҳар бир гурӯҳ биттадан қоидани танлаб олиб, понтамида шаклида кўрсатиб беради).

Гуруҳий динамикасини билиши ва уни ҳисобга олиши.

Гуруҳлар психологиясида айтилишича нотаниш одамлар бир жойга тўпланганда гуруҳда маълум бир зўриқиши пайдо бўлади, тренернинг вазифаси шу зўриқиши иложи борича юмшатишига ҳаракат қилишдан иборат. Бунинг учун тренер гуруҳдаги нокулай вазиятлар вужудга келмаслиги ёки вужудга келган нокулай ҳолатларни бартараф этишга мўлжалланган, гуруҳ билан қай усуlda ишлаш режасини пухта ўйлаб чикиши керак, айниқса гурухнинг бир неча ривожланиш босқичлари борлигини билиши шарт.

1.Бошлангич босқич — нотаниш мухит ва ноаник вазиятда иштирокчилар ички безовталикини ҳис қиласди, ўзларига яқин шерик излайди, ҳар бир иштирокчини "Мен ўзимни қандай тутишим керак" деган савол ўйлантиради. Бу босқич иштирокчиларнинг

индицидуал хусусиятларига қараб 10 минутдан то куннинг охиригача давом этиши мумкин.

Тренернинг вазифаси: иштирокчиларни бир-бири билан таништиришда самимийлик мухитини яратади олиш, фикрини очик баён қилган иштирокчиларни куллаб-кувватлаш, суст иштирокчиларни даврага жалб қилишдан иборат.

2. Ўтиш босқичи — бунда иштирокчилар ўртасида анча яқинлик пайдо бўла бошлади. Энди улар тренернинг ишларини баҳолашлари, яъни унинг ўзини тутиши, гуруҳга аралашиб кетиши, гуруҳни фаоллаштириши, ҳозиржавоблиги, билим доирасини кузатишади.

Тренернинг вазифаси — иштирокчиларда намоён бўлаётган хиссиятларни эътиборидан четда қолдирмаслик, гуруҳ эришмоқчи булган мақсад ва кутишларни аниqlаш, гуруҳ аъзолари ўзларини қандай ҳис этаётганлигига эътибор бериш. Асосийи — иштирокчиларни қандай бўлса шундайлигича қабул қилиш ва уларни ўзгартиришга уринмасликдан иборат.

3. Иш фаолияти босқичи — бу босқич иштирокчиларнинг ўз мақсадларига эришишида асосий қисм ҳисобланади. Иштирокчилар гуруҳда ишлаш қоидаларига риоя қилишади. Ўзаро ёрдам сўраш имкониятдан келиб чиқиб бир-бирларига ишонч пайдо бўлади. Шунинг учун тренернинг айрим фикрларига кўшилмасалар, улар орасида тренерга нисбатан норозилик, айрим холларда асабийлашиш, тушкунлик ҳолатлари ҳам кузатилади.

Тренернинг вазифаси: гурухда ишончни муносабатлар шакл танишига ёрдам бериш, гурухдаги воқеаларни эътиборсиз қолдирмаслик, гуруҳ динамикасини кузатиш, гурухдаги низолик ва асабийлашиш ҳолатларини бартараф этувчи ўйинлар ўтказиш, гурухда ишонч муносабатининг шакл танишига ёрдам беришdir.

4. Якунлаш босқичи — бу босқич машғулот якунланишининг мантиқий нуктасидир, агар машғулот муваффакиятли тугаган бўлса барча иштирокчиларнинг кайфияти аъло даражада бўлади. Бу босқичда иш давомида йўл қўйилган бабзи камчиликларни силликлаб кетиш имконияти тугилади. Босқич пухта ўйлаб чиқишиб, аниқ ташкил этилиши керак, уни ўз ҳолиша ўтказиш ярамайди, чунки бундай муносабат олиб борилган ишнинг ижобий ёки салбий баҳоларини кўпайтириб юбориши мумкин.

Тренернинг вазифаси: машғулотни юкори хиссий кайфиятда якунлаш тадбирини тайёрлаш ва ўтказиш, ҳар бир иштирокчига

кулай шароит яратиш, бир-бирлариға ёки тренерга ташаккур билдиришлари учун имкон яратиш, "тескари алоқа"ни амалга ошириш, хар бир иштирокчига ўзига яраша миннатдорлик билдиришдан иборат.

ТРЕНИНГ ДАВОМИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МАШК ВА ЎЙИНЛАР

Оилавий тасаввурларнинг шаклланишига кўмак берувчи
ўйинлар
"Оила хақидаги афсоналар"

Мақсад: Ўсмирларнинг оилавий ҳаётга оид кенг тарқалтан лекин ноўрин "афсонавий" фикрларга муносабатини аниқлаш ва уларда мустақил фикрлар ва қарашларни шакллантириш.

Материаллар: "Қўшилмайман", "Қўшиламан", "Қисман Қўшиламан", "Билмайман" каби ёзувлар.

Ўйин давомийлиги: 20-25 мин.

Ўйиннинг бориши:

1. Хонанинг турли томонларига "Қўшилмайман", "Қўшиламан", "Қисман қўшиламан", "Билмайман" ёзувлари ёпишириб чиқилади.

2. Ўсмирларга оилавий ҳаётга оид ҳодисаларни акс эттирувчи ва омма орасида кенг тарқалган гайритабиий фикрлар — "афсона"ларни ўқиб эшиттирилади. Болалар бу фикрларга кўшилиш ёки кўшилмасликларини девордаги ёзувлар ёнига бориб туриши орқали намоён этадилар. Шундан сўнг улар ўз танловларини асослаб, изохлаб берадилар. Бошловчи хар томондаги ўсмирларнинг фикрларини бошқа ўсмирларни баҳсга жалб этган ҳолда муҳокама қиласи ва гурухиймунозара орқали ўкувчиларни тўғри жавоб сари етаклайди.

3. Жинслар ўртасидаги тенглик, оилавий ҳаётдаги поклик ва инсондаги маънавий етгулик ҳакидаги тушунчалар мажмуаси куйидагича бўлиши мумкин:

- 1) Оилада доимо эркак киши хўжайин;
- 2) Аёл киши ҳеч каерда ишламай уйда ўтириши керак.
- 3) Оилага пул топиб келиш фақат эркак кишининг иши.
- 4) Хотин эрининг рухсатисиз ҳеч каерга чиқа олмайди.

Бошловчи ўз ихтиёрига кўра бу таърифлар ёнига бошқаларини ўйлаб топиб қўшиши ҳам мумкин.

“Оила муаммолари”

Мақсад: Оилавий ҳаётда учраши мумкин бўлган муаммолар ҳақида тушунча бериш. Уларни ҳал қилишнинг турли ечимларини топа билишга оид билим, кўникма ва малақаларни шакллантириш.

Ўйиннинг босланишида иштирокчилардан бошловчи ҳозирги пайтда оиласарда энг кўп учраши мумкин бўлган муаммолар нималардан иборат эканлигини сўрайди. Жавобларни флипчартга ёзib борилади.

Шундан сўнг гурухда "Оила муаммолари" ўйини ўтказилади.

Фаолиятнинг бу турини амалга оширишда гурухни 5-8 кишидан иборат кичик гурухларга бўлиш мумкин. Шундан сўнг кичик гурухларнинг ҳар бирига қуидагича топширик борилади:

"Биргаликда иш олиб бориб, юқорида санаб ўтилган оила муаммоларидан бирини танлаб олинг ва шу асосда 10 дақиқага мўлжалланган сахна кўриниши тайёрланг. Ҳар бир гуруҳ турли хил муаммоларни танлаб олиши лозим. Кейин эса ана шу муаммони сахна кўриниши асосида очиб беришлари лозим. Сизга муаммони танлаш ва шу муаммо асосида сахна кўриниши тайёрлаш учун 15 дақиқа вақт берилади".

Бунда бошловчи албатта ҳар бир гурухнинг мавзу танлашида турли муаммоларга мурожаат қилиши учун уларга маслаҳат бериши ва тайёрланаётган сахна кўринишларини кузатиб бориши лозим. Муаммолар турлича бўлиши мумкин. Масалан: оиласадаги ота-она ва бола ўртасидаги келишмовчиликлар, эр-хотин ўртасидаги низолар, ажralиш, қайнона-келин ўртасидаги келишмовчиликлар, ичкиликбозлик, гиёхвандлик муаммоси ва ҳоказо.

Гуруҳ аъзоларига ўз чиқишлиарини намойиш этишларида турли хил усуллардан масалан: мусиқа, рақс, юмор, драматик ўйин ва ҳ.к. лардан фойдаланишлари мумкинлигини эслатиб ўтилади.

Гурухлар ўзлари тайёрлаган сахна кўринишини намойиш этиб бўлганларидан сўнг кўтариб чиқилган муаммонинг келиб чиқиш сабаблари ва бу муаммони ҳал қилишнинг турли ечимларини барча иштирокчилар томонидан мухокама қилинишини ташкил қилиш керак.

Мухокамадан сўнг ўқувчиларга, ҳеч қайси оилавий муаммонинг ечими ягона бўлмаслигини, оилавий ҳаётда муаммо вужудга келар экан, уни албатта ўша вазият, ўша шароитдан келиб чиқсан ҳолда ҳал қилиш лозимлигини алоҳида таъкидланади.

"Оила тасвири"

Ушбу ўйин аввалгиси билан боғлик бўлиб, бунда доска ёки плакатда ёзилган афсоналар рўйхати гурух иши учун материал бўлиб хизмат қиласи.

Максад: Оиладаги турли хил наҳаққоний муносабат шаклларининг оила аъзолари ҳаётига салбий таъсирини аниқлаш.

Материаллар: Оила ҳаётидаги "афсона"лар рўйхати, "Оила тасвири" деб номланувчи оиланинг ҳамма аъзолари шартли равища тасвирланган плакат, маркерлар ёки 3 хил рангли елим қоғозлар.

Ўйин давомийлиги: 10-15 мин.

Ўйиннинг бориши: иштирокчилар учта кичик гурухга бўлинишади. Ҳар бир гурух аъзолари оила ҳаётига оид афсоналарга мурожаат этган холда ушбу самарасиз ҳаёт услублари оила аъзоларининг қайсиларига салбий таъсир этишини таҳлил этишади.

Кейин эса ҳар бир гурухдан бир киши ўртага чиқади ва "Оила тасвири" плакати олдида туриб ҳар бир афсона оила аъзоларидан қайси бирига кўпроқ таъсир этиши ҳақида ўз кичик гурухининг фикрини баён этади.

Бошловчи иштирокчиларининг муҳокамасидан сўнг улар билан биргалиқда кўйидагича хулоса қилиши мумкин: "Кўриниб турибдик, оила аъзоларидан бирининг ножӯя хулки оиланинг ҳамма аъзоларига салбий таъсир этади".

"Оилавий ҳаётдаги қадриятлар таҳлили" ўйини

Максад: Инсон ҳаётида етакчилик қилувчи қадриятларни ва одамлар орасида содир бўладиган тушунмовчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини англаш.

Материаллар: Оилавий ҳаёт қадриятлари рўйхати ёзилган карточкалар.

Ўйиннинг бориши: Бахтли оилавий ҳаёт таърифлари ёзилган 6 та карточка хонанинг турли томонларига кўйилади. Иштирокчилар ушбу таърифларнинг ҳар бири билан танишиб, ўзларига маъқул келувчи фикрни танлашади ва ушбу ёзув олдига бориб туришади. Ҳар бир ёзув олдида йигилган иштирокчилар ўз кичик гурухларини ташкил этишади ва нима учун шу таъриф

уларнинг ҳаётларида етакчи эканлиги ҳақида асосли далиллар ишлаб чикишади. Сўнгра ҳар бир гурухдан биттадан вакил чиқиб, ўз гурухининг фикрини асослаб беради. Бошқа гуруҳ аъзолари эса бу чиқишга нисбатан ўз фикрларини, эътиroz ва саволларини билидиришлари мумкин.

Ўйин ниҳоясида бошловчи иштирокчиларнинг дикқатини қўйидаги фикрларга қаратади: "Ҳаётда ҳар бир одам эътиқод қизувчи гоя ва қадриятлар хилма-хилдир. Бу хилма-хиллик одамларнинг турли ҳарактер ва майилликларини ифодалайди. Инсон ўзаро мулоқотда мана шу фарқларни доимо ҳисобга олиши, иложи борича уларни четлаб ўтиши, гоя ва қадриятларга қарама-қарши бормаслиги керак".

"Турмуш қуриш ёши ва ёшлиарнинг ҳақ-хуқуклари" маҳси.

Максад: Ўсмирларнинг турмуш қуриш ёши ҳақидаги билимлар даражасини аниқлаш ва бу соҳадаги қонунлар мазмуни билан таништириш.

Ўйиннинг бориши: Бошловчи иштирокчиларга қўйидаги саволлар билан мурожаат қиласди: "Неча ёшдан турмуш қуриш мумкин?", "Ўзбекистон Республикаси қонунларида бу борада нималар дейилган?", "Агар оила аъзоларидан кимdir аёлни эрга мажбурлаб бермоқчи бўлса ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қиласе, аёл бундай ҳолатда нима килиши керак?", "Аёлларни эрга мажбурлаб бериш ёки аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилинса, бу ҳослатга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунларида бирор бир жазо белгиланганми ?".

Бошловчи айтилаётган фикрларни флипчартга ёzádi ва билдирилган ҳар бир фикрнинг оқибат-натижалари гуруҳ билан муҳосама қилинади. Бунда шу нарсага эътибор бериш лозимки, энг сўнгги хulosा аёлнинг кейинги ҳаёти учун ҳавф тутдирмаслиги ва муаммо иложи борича камроқ, йўқотишлар билан ҳал этилиши лозим.

Бу борада қонунчилиқдаги мавжуд баъзи ҳоллар билан ҳам Ўсмирларни таништирган маъқул. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 136-моддасида айтилишича, "Аёлларни эрга мажбурлаб бериш ёки аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилган шахс моддий жарима солищдан З йил муддатгача озодликдан маҳрум этиши билан жазоланади".

Оиладаги эркак ва аёлларнинг мажбуриятлари

Мақсад: Оилавий ҳаётда эркак ва аёлларнинг вазифаларини аниклаштириш ва амалиётда айрим вазифаларни эркакларга юклатиш.

Материаллар: гендерли роллар тахлили; "эркак", "аёл", "Эркак ва аёллар бирга турган" З та алоҳидаги расмлар; мажбуриятлар тасвирланган 12 та ундан зиёд расмлар; ручка ва қоғозлар. Бошловчи учун кўрсатма:

*** Агар бу машғулот билан бундан олдинги машғулотлар орасида узилиш рўй берса, гурух бундан олдинги учрашувдан нималарни ўргангандигини ва қандай қарорга келгандигини муҳокама қилинг.

*** Иштирокчиларни 5-8 одамдан иборат гурухларга бўлиб ташланг.

*** Гурухдан қўйидаги топшириқни бажаришни сўранг: Ҳар бир гурухга эркак, аёл, эркак ва аёл бирга (жуфт жолда) тасвирланган расмлар берилади. Шунингдек, турли мажбуриятлар тасвирланган суръатлар тахлами ҳам тақдим этилади. Гурух аъзолари бу мажбуриятларни кимлар бажаришини муҳокама қилишади. Сиз улардан бир фикрга келишгач, мажбуриятлар тасвирланган суратларни аёл, эркак ёки жуфтлик тасвирланган расм остига қўйишларини сўранг. Эркак ва аёл бирга тасвирланган (жуфт) расм иккала жинс ҳам бу мажбуриятни биргаликда бажаришини англалади.

*** Гурухларнинг мустақил ишлаши ва олинган натижаларни муҳокама қилишига имкон беринг. Бунинг учун, Сиз уларни тоза қоғоз вараги билан таъминлашингиз зарур.

*** Гурухлар топшириқни бажариб бўлгач, ҳар бир гурухдан биттадан вакил чиқиб, ўз гурухининг қарорини қолган иштирочиларга тақдим этиб, тушунтириб бериши ва саволларга жавоб бериши лозим.

*** Гурух билан, қуйидагиларни муҳокама қилинг:

- Ким нима билан шугулланади?
- Эркак ва аёлларнинг иш билан бандлиги.
- Уларнинг бандлигидаги фарқ
- Эркак ва аёл бажарадиган мажбуриятлар доирасининг ўзгаришидаги ютуқ ва камчиликлар.

*** Гурух билан у нималарни ўрганиши, унга нималар ёқди-ю нималар ушбу машғулотда ёқмаганлигини мухокама қилинг.

Оила қийинчиликлари

Ҳаёттинг икир-чикир, майда-чуйдалари гүёки оила пойдеворига кўйилган минадир, минани эса факат ён бериш орқали зарарсизлантириш мумкин. И.И.Шевелев.

Бошловчи: Никоҳдан ўтаётганлардан бирортаси бўлажак оиласида кўнгилсизликлар бўлиши мумкинлиги хақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Бу эса ҳар бир оила ҳаётида албатта учраб туради. Кўнгилсизлик нима? Ақлли, фаросатли киши никоҳдан ўтишдан аввал бу ҳақда ўйлаб кўриб, унга жиддий тайёргарлик кўради.

Масалан, бўлиши мумкин бўлган кўнгилсизлик, қийинчиликни олдиндан тасаввур этиб, уни бартараф этиш чораларнини ўйлаб кўради. Ҳаммасини олдиндан кўриб чиқиб бўлмайди, деб эътиroz билдиришингиз мумкин. Ҳаёттй позициядан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда ҳеч нарса қилмасдан, ҳаммаси ўз окими бўйича ўтаверади, деб қўл ковуштириб ўтиришга тўғри келади. Кeling, биргаликда ҳаёттинг биринчи ҳафтасида учраши мумкин бўлган қийинчиликларни тасаввур этишга ҳаракат қилиб кўрайлик. 10 минут вакт ичида уларни ёзib чиқишингиз керак бўлади. Табиийки, қийинчиликлар рўйхатини тузиб чиқишида ўз тасаввурларингизга таянасиз. Биринчи босқичда варагнинг чап томонидан озгина жой ташлаб оиласи ҳаёт қийинчиликларини устунча шаклда ёзив чиқинглар. Рўйхат ҳар бирингизнинг кўлингизда бўлиши керак. Кейинги босқичда ундан фойдаланаисиз. Чап томонда қолдирилган жойга тегишли ракам кўйилади. Иккинчи босқичда 3 минут оралиғида ҳар бир киши ўзи мустакил равища қийинчиликларнинг оила ҳаётига ҳавфлилик даражасига қараб ўз тасаввури бўйича уларга ракамлар кўйиб ўрин белгилайди. З-босқичда кичик гурухларга бўлиниб, гурухингиз фикри билан ўз фикрингизни солишитириб кўрасисиз.

Фикрларингиз бир-бирига яқин, мос келган бўлса уларни мухокама қилишингиз мумкин. Сиз нима учун шу вазият, ҳолат, муаммони оила ҳаёти учун ҳавфли деб хисобладингиз? — каби саволлар бериб фикрингизга аниқлик киритиб олишингиз мумкин.

Бошловчига кўрсатма:

Машғулотнинг якунида ўз фикрини билдириш истагида

бўлганларни тинглаб, оиласи ҳаёт қийинчиликларининг умумий шкаласини ишлаб чиқиш ва иштирокчилар рўйхатидаги 1-3 рақамили қийинчиликларни алоҳида ажратиб ёзиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир гурӯҳ иштирокига қараб 5 баллгача баҳоланади.

Оила шажараси

Бошловчи иштирокчиларга миллий қадриятларнинг оиласи ҳаёт мустаҳкамлигига таъсири ҳақида тушунча беради. Сўнг ўйинни қуидаги тарзда олиб бориш мумкин.

Бошловчи: Ишончим комилки, сизларнинг ҳар бирингиз ўз ота-онангизнинг нафақат исми, балки фамилияси, шунингдек туғилган кунларини ҳам биласиз. Оиланинг бошқа аъзоларини-чи? Илтимос, ота-онангизнинг исми, фамилиясини, уларнинг ҳачон туғилганликларини айтинг. Ота-онангизнинг туғилган йили, ой, кунини аниқ эслай олган бўлсангиз, жуда соз. Мабодо, эслай олмасангиз ҳечкиси йўқ, сира ташвишланманг ҳали олдинда имкониятингиз бор. Энди оила шажарасини тузсак. Аристократлар 10 пуштгача бўлган авлод-аждодларининг аниқ исми-фамилияси, туғилган йили, таржимаи ҳолига хос фактларни эсда сақлаб қолганлар, ёзиб берганлар ҳамда бу маълумотларни ўз фарзандларига қолдирганлар. Бугунги кунда худди шундай шажарани тузиш бироз мушкул, аммо шундай бўлсада ҳеч бўлмаганда З пуштгача бўлган авлодлар шажарасини тузинг. Бунинг учун иловадаги схемадан фойдаланинг.

"Оила шажараси"да кўрсатилган барча қариндошлирнинг исми, фамилияси, туғилган жойи ва вақтини кўрсатишингиз шарт.

Бошловчи мураккаблигига қарамасдан ота-оналар ва оила мавзусини мухокама қилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу этодни мухокама қилища унга тўлиқ жавоб олишнинг имконияти йўқ. Жадвални охиригача тўлдиришни талаб этиш шарт эмас. Синаувчилар оила шажараси устида озгина фикр юритсизлар.

Уларни рағбатлантириш мақсадида 10 балли системада баҳолаш керак.

Бу ўйин оиласи муаммолар билан боғлик бўлган барча ўйинлар каби ўта эҳтиёткорлик ва назокатлиликни талаб қиради. Иш жараённида иштирокчиларнинг эмоционал ҳолатини диққат билан кузатиш керак бўлганда қўллаб-куватлаш лозим.

Хулқ-автор нормаларига риоя килиш "Таъкиқланган мева"

Максад: Оилада, ўзбек маданий турмушкида таъкиқланган хулқ ҳолатлари мотивларини аниқлаш.

Материаллар: Кути, "мумкин эмас" деб ёзилган иккита табличка.

Ўйиннинг бориши: Ўйин 25 минутгача давом этади.

1. Бошловчи қутини хона ўртасига қўяди ва унинг икки томонига

"мумкин эмас" деган ёзувларни қўяди, ушбу ёзув ҳамма катнашчиларга кўриниб туриши керак.

Кутича кун бошланишиданоқ хона ўртасига қўйилгани маъкул, натижада иштирокчиларнинг қизиқиши ортади, ўйиннинг асосий қисмига ўтиш осонлашади. Бошловчи ўйин бошланишида иштирокчиларнинг қизиқишлиарини ошириши мумкин ("ҳа, энди, бир қизиқ нарса яширилган-да", "Кейин кўрарсизлар", "Бир нарса бор-да" каби сўзлар билан), лекин кутига қарамаслик ҳақидаги таъкиқ ўз кучида туриши керак. Кўп ҳолларда баъзи болалар ўзларини тия олмай қути ичига қарашга уринишади ва таъкиқни бузишади. Сўнгра бошловчи ушбу машқ билан боғлик бўлган асосий қисмга ўтади ва гурухга куйидагича йўрикнома беради:

"Хона ўртасида кун бошиданоқ чиройли қути турибди, унинг хусусияти шундаки унинг ичига қараш мумкин эмас. Бу кутига нисбатан Сизда бирон қизиқиш ўйғонган бўлса керак. Келинглар кимнинг ичидаги нима кечайданлигини тахлил қилиб кўрайлик. Ўз кечинмаларингиз ҳақида айтиб беринглар".

Тахлил. Бошловчи иштирокчилардан улар нега ўзини шу хилда тутганлигини сўрайди, уларнинг ҳаракатларидағи асосий сабабни аниқлашга ҳаракат қиласди. Таъкиқ ҳақидаги қоидани бузиш қанчалик қийин бўлганлиги ҳақида сўрайди, ўзини тийиб туриш осон ёки қийин кечганлиги ҳақида билишга ўринади.

2. Ўйин якуни сифатида одамлар нега таъкиқланган хатти-ҳаракатларни содир этишлари, оилавий ҳаётга зид бўлган хатти-ҳаракатларни амалга оширишларининг сабаблари аниқланади. Ушбу якуний хуносалар кичик гурухларда ҳам ишлаб чиқилиши мумкин.

"Ўзимизни қандай тутамиз"

Мақсад: Турли хулқ ҳаракатларини кўриб чиқиш ва уларнинг мулокотга тегшпли ҳаракатларининг шаклланишига таъсирини аниқлаш.

Материаллар: тоза қоғоз, ручка, қалам, З та суратли плакат ва уларга таалуқли хулқ, ҳаракатларининг изоҳи.

Материалларни тайёрлаш: Ҳар бир плакатнинг чап томонига у ёки бу хулқ ҳаракатини кўрсатувчи тасвир туширилган қоғоз ёпиштирилади. Расмнинг ёнида ушбу ҳулқнинг тавсифлари ёзилган.

Суст (пасив) хулқ:

- Ўз хукуқларингизни таъкидлаш учун ҳеч қандай хатти-қаракат қўлламаяпсиз.

- Ўзгаларни ўзингиздан юқори қўяяпсиз.
- Бошқаларнинг хоҳишига ён бераяпсиз.
- Сизни нимадир безовта қиласа ҳам индамай турибсиз.
- Доимо узр сўраяпсиз.

Агрессив хулқ:

- Бошқаларни ҳеч қанча ўйламай ўз хукуқларингизни ҳимоя қиласяпсиз.

- Ўзгалар устидан ҳукмронлик қилишга уринаяпсиз.
- Ўзгаларни унутиб факат ўзингизни ўйлайсиз.
- Бошқалар ҳисобига ўз хукуқларингизга эришаяпсиз.

Ишончли хулқ.

- Ўзгалар ҳукуқини поймол қилмай ўз хукуқларингизни ҳимоя эта оласиз.

- Ўзингизни ва ўзгаларни хурмат қиласиз.
- Тинглашни ва гапиришни биласиз.
- Ҳам ижобий, ҳам салбий хиссиётларингизни айта оласиз.
- Ўзингизга ишонасиз, лекин ўзгаларни "хақоратламайсиз".

Ўйиннинг бориши: Ўйин 20 минут давом этади.

1. Киринча ўзимизга ишонмаслигимиз бизни турли салбий кучларга қарши туролмаслигимизга олиб келади, натижада ҳар хил ножӯя вазият ва хулқларнинг иштирокчисига айланиб коламиз Ҳар хил салбий йўлларга кириб кетмаслик учун биз ўз хулқ-авторимизни, унинг ички сабабларини яхши тушунишимиз, хатти-ҳаракатларимизни назорат килишимиз, ҳиссиётларимизни бошқара олишимиз керак.

2. Синф учта кичик гурухларга бўлинади.

3. Ҳар бир кичик гурухга қуидагича топшириқ берилади: кўрсатилган учта суратга асосланган ҳолда ҳар хил хулқ формаларининг хатти-харакатлари, ички ҳолатлари ва нутқ ҳусусиятларини изоҳлаб беринг (гурухдар ишлаётган пайтда суратларга тааллукли тавсифлар ёпиб қўйилади, суратлар эса очик қолади).

4. Ҳар бир гурух томонидан тақдим этилган варианtlарни муҳокама қилиш.

Сўнгра бошловчи плакатдаги тавсифларни ўқиб изоҳлайди. Бошловчилар ўз хатти-харакатлари орқали ҳар хил хулқ моделларини мисол тариқасида кўргазмали намоён этишлари мумкин.

5. Иккала бошловчи иштирокида агресив ва суст хулқ кўринишлари тасвирланади. Иштирокчилардан эса бошловчиларнинг ҳаракатлари, имо-ишора ва сўзларини кузатган ҳолда ушбу хулқ кўринишларининг номларини тугри топишлари сўралади.

Биринчи вазият: агресив ҳолатдаги бир киши иккинчи — суст ҳолатдаги ва ўзи яхши танимайдиган одамдан катта миқдордаги пулни қарз сўрайти.

Иккинчи вазият: Агресив ҳолатдаги бир киши иккинчи — ўзига ишонган ва эътиroz билдираётган одамни спиртли ичимлик ичишга ундаяпти.

6. Иштирокчилар орасидан кўнгилли бир кимса чақирилади ва унга гурухдан сир тутилган ҳолда у йўнации лозим бўлган роль ва шу ролга тааллукли вазият айтилади. Бошловчи бу вазиятда ўзига ишонган одамнинг ролини ўйнаса, гурухнинг бошқа аъзоси кўнгилли бўлиб агресив хулқли кимсанинг ролини ўйнаиди.

Шуниси аҳамиятлики, бошловчи иштирокчилар орасидан гуруҳ лидерларини ва гуруҳ аъзолари ёқтирамайдиган болаларни ажрага билиши, табиатдан агресив ва суст хулқли иштирокчиларни аниқлаб олиши зарур. Бу ҳол кўнгиллиларни аниқлашда жуда муҳимдир — агресив хулқли ўсмиirlарга суст ёки ўзига ишонган хулқли ролларни тақдим этган маъқул бўлса, суст хулқли ўсмиirlар ўзига ишонганларнинг ролини ўйнашсин.

Ўсмир ўзига берилган ролни муваффақиятли ижро этиши ёки ижро эта олмаслиги унчалик муҳим эмас. Агар бу ролни яхши ижро

эта олмаса ўзи ёки гурух бунинг сабабини муҳокама қилишларӣ мумкин, агарда рол яхши ижро этилса гурух аъзолари ушбу хулқ кўриниши қайсинга тегишли эканлигини дароров билиб олишади.

7. Иштирокчилар тақдим этилаётган хулқ кўринишларини аниқлашади, ўз тахминларини изоҳлашади.

"Ҳалокатга учраган кема" ўйини

Ўйиннинг мақсади: Иштирокчиларда жавобгарлик, масъулиятлилик ҳакидаги тушунчаларни ойдинлаштириш, шу соҳада кўникма ва малакаларни шаклантириш.

Ўйин бошланишидан олдин бошловчи "Жавобгарликнинг ўзи нима? Сиз буни қандай тушунасиз?" деган савонни ўртага ташлагани маъқул.

Бошловчи ўқувчиларнинг жавобларини флипчартга ёзар экан, ўқувчилар томонидан "жавобгарлик" сўзининг маъносини тушунишга ҳаракат қилишларини одилона баҳолаши ва ушбу масала юзасидан билдирилган фикрлар кундалик турмуш тарзимизда учраб туришини таъкидлаб, сўнг жавобларни қўшимча янги мисоллар билан янада бойишга ҳаракат қилиши лозим.

Бу ўринда бошловчи "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да жавобгарлик сўзига қандай тариф берилганлигини айтиб ўғиши мумкин. Лекин луғатдаги сўзниң маъноси фақат бир тушунча билан кифояланиб қолмайди. Undagi "жавобгарлик" тушунчасининг изоҳидан ташқариг ўз зиммасига олинган "жавобгарлик масъулияти", "жавобгарликни ўз зиммасига олиш", ўз бўйнидан жавобгарликни соқит қилиш, жавобгарликка тортиш, жавобгарлик кимгadir "тушяпти" каби жавобгарликка таалуқли умумий тушунчалар изоҳи билан ҳам яқиндан таништириб ўтиш керак.

Луғатда "жавобгарлик" сўзига, бирор нарсага жавоб бериш, бўйин эгиш, кафил бўлиш, қарзни узиш каби маънолар сингдирилган.

Алоҳида иқтидорли ўқувчилар учун "жавобгарлик" сўзининг маъноси, унинг келиб чиқиши (этимология) билан яқиндан таништириб, ўзаги "жавоб"дан иборат "жавобгарлик" сўзи ўзбек тилида қадимдан мавжуд эканлигини, баъзи тилларда шу жумладан рус тилида "жавобгарлик" сузи XIX аср охирида пайдо бўлганлигининг қайд этилиши, сўзниң аҳамиятини ва унга бўлган эътиборини янада оширади.

Сұхбат мавзусига нисбатан ўқувчиларнинг фаоллигини янада ошириш мақсадида, сўзга тегишли изоҳ бермасдан аввал, ўртага "Жавобгарлик" сўзи қандай келиб чиқкан? У қандай пайдо бўлган? Қани ким жавоб беради?", — деб савол ташлаш ўринли.

"Жавобгарлик" сўзи тушунчалик ҳакида тўла-тўқис маълумот берилганидан сўнг, "ўз зиммасига жавобгарлик олиш"нинг аҳамияти қайд этилади, кейин бошловчи томонидан ўқувчиларга ушбу сифатни шакиллантириш машқини таклиф этиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу машқни бажариш учун ўқитувчи томонидан қуйидаги йўриқнома берилади: "Ўзингизни Тинч океанида яхтада сузуб кетаётгандек хис қилинг. Ёнгин туфайли яхтанинг ва юкларнинг кўп қисми нобуд бўлди. Яхта аста-секин чўка бошлайди. Зарур жиҳозларнинг ишдан чиққанлиги сабабли сиз турган жой ноаник. Якин куруқликдан тахминан жанубий-ғарбий йўналиш бўйича 1000 км. масофада турибсиз. Бу ҳолатдан қандай чиқиш мумкин?"

Куйида ёнгидан сўнг бутун қолган ва зиён кўрмаган 14 та жиҳознинг рўйхати берилган. Бунга қўшимча равишда иҳтиёргизда эшкаги бор пуфакли қайикча ҳам сақланиб қолган. У экипаж аъзоларини сақлаш имконига эга. Шунингдек, бундай ҳолатларда жуда зарур бўлган 4 та нарса ҳам омон колган. Булар бир кути сигарет, бир неча кути гуттурт ва 5 та коғоз пул.

Ҳар бирингизга 15 минутдан вакт берилади. Шу вакт ичидан океанда сиз ўзингиз учун ҳамда бошқалар учун жавобгарлик маъсулитини ҳис этишингиз керак. Пастда берилган 14 та жиҳоздан ҳаёт учун зарур бўлган 4 та нарсани аниглаш лозимки, бу жиҳозлар ёрдамида чўқаётгандарни ҳам куткариш мумкин бўлсин. Бундай танлаш жараёнида энг мухим хисобланган жиҳоз 1-ўринга, кейинги мухим жиҳоз 2-ўринга ундан кейингиси 3-ўринга ва ҳ.к. қўйилади.

Бу усул ёрдамида мавжуд барча жиҳозларнинг ўрни белгиланади. Оқибатда, 14-ўринни унчалик аҳамиятига эга бўлмаган жиҳоз эгаллайди.

Энди куйидаги 14 та жиҳозни ўз ўрнига қўйишингиз керак бўлади. Бунда асло сиз ўзингиз ва дўстларнингиз учун жавобгарлик вазифасини олаётгандигингизни унутмаслигингиз керак". Шундан кейин иштироқчиларга қуйидаги жиҳозлар рўйхати ҳавола этилади.

1. Компас
2. Соқол олиш учун кўзгу

3. 5 литрли сув идиш
4. Балиқ тутадиган түр
5. Тинч океани хариталари
6. Даво түлдирилгандай ёстик
7. 2 литрли нефт ва газ аралашмаси идиши
8. Кичик транзистрли радио
9. Акулаларни күркітүвчи жиҳоз, рапеллент
10. Ёмғир сувини йиғиши учун катта юзали тимкора пластик (клеенка)
11. Бир неча 80* ли Пуэрто-рико роми
12. Икки кути шоколад
13. 25 метр нейлон йүғон арқон
14. Бир яшик консерва

Үқувчилар томонидан тегишли жиҳозни ажратиб юлиш жараёни бажарилгач, бир қарорга келиб олишлари учун синфга яна вакт берилади. Үқувчилар берилган вазифани алоҳида-алоҳида бажарив бўлишганидан сўнг, биргаликда ҳаёт учун ёрдам берадиган 4 та асосий жиҳозни танлаб олишлари керак бўлади.

Уларнинг умумий бир тўхтамга келиши осонроқ бўлиши учун ўқувчиларга куйидагиларни тавсия килиш мумкин:

- ўзини шахсий фикрини ҳимоя қилишдан эхтиёт бўлиш, яъни ўзини устун қўймасдан, кўпчилик томонидан қабул қилинган ягона қарорга кўра жавобгарликни олиш;
- бу кийин бўлса, умумий қарорнинг маъқул жиҳатларинигина қисман қабул қилиш;
- қарор қабул қилинишида ёрдам берадиган турли фикрларни кўриб чиқиш.

Бутун гурух юқорида кайд этилганларининг энг муҳимларини танлаганидан кейин, шахсий натижаларни гурух натижалари билан солишибириш ва тегишли жиҳозларни танлаб олган бетараф гурух фикри билан қиёслаш фойдадан холи бўлмайди.

Бетараф гурух томонидан танлаб олинган жиҳозлар куйидагилардан иборат:

1. Соқсол олиш учун кўзгу: У ҳаво ва денгиз қуткарувчилари учун сигнал бериш вазифасини ўтайди;
2. Гугурт ёки пул билан ёкиш мумкин бўлган нефть ва газ коришмасининг икки литрли идиши. Бу ҳам қуткарувчилар эътиборини тортадиган воситалардан биридир;

3. Чанқокни кондириш учун беш литрли сув идиши;
4. 1 яшик консерва.

"Кеманинг ҳалокатга учраши" машғулоти тугаганидан кейин бошловчи ўз зиммасига жавобгарлик масъулиятини олиш оғир пайттарда юзага келмай, бу сифат ҳар бир кишининг оиласи ҳаётида, кундалик турмуш тарзининг асосий хусусиятларидан бири бўлиши лозимлигини алоҳида қайд этади.

Мен ҳеч қачон ...маганман

Ўйиннинг мақсади: Иштирокчиларда ўзи ҳакида ўйлаш, ўз ютукларини кўра олиш кўнинка ва малакаларини шакллантириш.

Иштирокчилар навбатма-навбат "Мен ҳеч қачон ...маганман" деган жумладан иборат гап айтишлари лозим (масалан, "Мен ҳеч қачон парашютдан сакрамаганман", "Мен ҳеч қачон денгизда чўмилмаганман", "Мен ҳеч қачон сигарет чекмаганман" ва ҳ.к.). Колган иштирокчилар эса, айтилаётган гаплар, агар улар учун ногўри бўлса бармоқларини букиб борадилар. Яъни, масалан, бироэ иштирокчи парашютдан сакраган бўлса, битта бармоғини буқади, кейинги иштирокчи томонидан айтилган гап ҳам унинг учун ногўри бўлса (яъни у денгизда чўмилган бўлса) яна битта бармоғини буқади ва ҳ.к. 10 та гап айтилганидан сўнг кимнингдир бармоқларидан бирортаси ёки бир нечтаси букилмасдан қолган бўлса, ўша ютади. Бошловчи иштирокчиларни олдиндан айтилаётган гаплар ҳаётий бўлиши лозимлиги ва бармоқларни адолатли букиш лозимлиги ҳакида огоҳлантириши керак. Жинс хусусиятларини эътиборга олмасдан гап айтилган иштирокчи ютқазади. Бир ҳил ҳаёт тарзига эга бўлган одам (букилмаган бармоқлари қанча кўп бўлса) ютади, аксинча бой ҳаётий тажрибага эга бўлган одам (барча бармоқлари букилган) ютқизади. Ўйин шу тарзда барча иштирокчилар биттадан гап айтгунларича давом этирилади.

"Қадриятлар"

Мақсад: Шахсий қадриятлар иерархияси тузилиши мухимлигигинг аҳамиятлилик даражасини ҳис қилиш ва англаш.

Шарт-шароитлар: Машқ тинлантирувчи, бир маромдаги мусика садолари остида бажарилиши зарур. Бунда матн ўқиётган

бошловчи овозининг қандай оҳангда эканлиги ҳам мухим аҳамият касб этади.

Ўйиннинг бориши:

Иштирокчиларга олтига варак тарқатилиб, мана шу қоғозларга ўз ҳаётларидаги энг қадрли нарсаларни аҳамиятлилик даражасига кўра ёзиб чиқишилари суралади. Кейин вараклар шундай аралаштириладики, энг қадрли нарса ёзилган варак оҳарида туриши керак. Бошловчи иштирокчиларга қандайдир ҳодиса рўй берилб, биринчи варакда ёзилган қадриятдан маҳрум бўлғанликларини ҳис қилиб кўришларини таклиф қиласди. Сўнгра бошловчи иштирокчилардан шу қадрият ёзилган қоғозни фижимлаб улоқтиришни ва ҳаётни ана шу қадриятсиз тасаввур қилиб кўришларини сўрайди.

Шу тарика ҳар бир қадриятдан воз кечиб борилади. Шундан сўнг иштирокчиларга қадриятдан ажралаётган вақтда қанақа ҳиссиёт, қанақа туйғуни ҳис қилғанлигини эслаш таклиф қиласди. Кейин бошловчи мўжиза рўй берилб, қадриятларни бирма-бир қайтариш имконияти туғилғанлигини эълон қиласди ва фижимланган қоғозларни бирма-бир қайтариб олади. Сўнг иштирокчилардан қадриятларнинг йўқотилган пайдаги ҳолати ва фижимланган қоғозларга ёзилган ҳолатини солиштириб, йўқотилган пайдаги қадриятларни ҳозир ҳам худди шундай қадр-қимматга эгами ёки йўқми эканлигини сўрайди. Агар гурух аъзолари қадриятларни аҳамиятига кўра ўринларини алмаштирган бўлса, буни ҳам баён қилишлари керак. Машғулот сўнгидаги бошловчи натижаларни мухокама қилиб, хулосаларни баён этади.

Дикқат! Машғулот жараёнда иштирокчилар кучли руҳий кечинмаларни, зўриқишиларни ҳис қилишлари мумкин. Шунинг учун машғулот ортиқча шовқин-суронсиз ўтишига, ортиқча овозлар бўлмаслигига, иштирокчиларнинг бир-бирига ҳалакит бермаслигига ва бегона одамларнинг хонага кирмаслигига эътибор бериш лозим. Шу билан бирга бошловчи ҳам иштирокчиларга дикқат-эътиборли бўлиши зарур.

"Мумкин эмас..."

Ўйиннинг мақсади: Иштирокчиларда ҳаётда дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни ечиш юзасидан кўнишка ва малакаларни ҳосил қилиш.

Ўйиннинг бориши:

Гурух иккига бўлинади. Биринчи гурух ўз истак-ҳоҳишларини баён қиласи, иккинчи гурух эса бунга рад жавобини бериши керак. 10 минутдан кейин гурухлар ўз ўринларини алмашадилар. Ўйин тахминан кўйидагича бошланиши мумкин:

- Мен бугун кечқурун дискотекага бормоқчи эдим.
- Йўқ, мумкин эмас, кеч булиб қолади.

Ўйиндан сўнг ҳоҳишларни рад қилиш учун қўлланилган далиллар, уларнинг сабаблари ва мазмуни тахлил қилиб чиқилади. Бошловчи кўйидагича хулоса қилса бўлади: "Асосли ва асоссиз рад этишлари бор. Кўпинча сизга баъзи тақиқлар асоссиздай туюлиши мумкин, бироқ уларда хам мақсад, мазмун борлигини инкор эта олмаймиз. Агар биз истагимиз нега рад этилаётганлигини англасак, тушунсак, бунга кўнишимиз осонроқ бўлади. Баъзан ўзимиз қилаётган хатти-ҳаракатларимиз, истагимиз ноўрин эканлигини ҳам англаб турамиз. Бундай холда тушунишимиз қийин бўлган кечинмаларни хис қиласиз".

Низоли вазиятлар ўйинлари "Низоли вазиятларни ҳал этиш"

Мақсад: Низони бартараф этувчи ҳаракатлар намунаси ҳавола этишдан иборат (айни ҳолатда бу — ўз-ўзига ишончли хулк-атвор кўринишишидир). Иштирокчиларни "ичи пуч" низоларнинг сабаблари билан таништириш. "Ижтимоий ҳавфли" вазиятлардан конструктив (ижобий ечим топган холда) чиқиб кета олиш ва низодан четда қолиш малакаларини шакллантириш.

Материаллар: Вазиятлар баён этилган З хил рангли қофозлар.

Вазиятлар:

1: "Тенгкурларинг ҳали бирор марта сигарет чекиб кўрмаганингни мазах қилиб устингдан кулишашити. Улардан бири сенга: "Сен ҳали ёш боласан ва бундай жиддий ишлар билан шуғулланиши сенга эрталик қиласди", — деди. Унинг гапи сенга жуда оғир ботди ва Сен унга жавоб беришга қарор қилдинг.

2: Хулки яхши бўлмаган тенгкурларингдан бири кечқурун қаердадир ўтадиган кечага сени таклиф қиласяпти. У бола (киз) спиртли ичимлик истеъмол қиласи ва ҳатто сигарет ҳам чекади. У сенга: "Юр, бир дам олиб қеламиз, сен ахир катта йигитсан-ку (қизсан-ку), уйингдагилар сенга рухсат беришади-ку", — деялти.

Бу вазият сени бөзовта қиляпти ва сен унга рад жавобини бермокчисан.

3: Агрессив холатдаги киши иккинчи — ўзига ишонган ва эътиroz билдираётган одамни спиртли ичимлик ичишга ундаяпти.

Ўйиннинг бориши: Ўйин 20 минут давом этади.

1. Бошловчи кўпинча учрайдиган низоли вазиятларнинг сабабларини айтади ва уларнинг олдини олиш ёки улардан чиқишининг қадам-бақадам босқичларини санаб ўтади.

"Ичи пуч" низоларнинг сабаблари:

Кўпинча одамлар ўртасидаги низоли муносабатларнинг сабаби — улар бир-бирларини ёки бирон муаммога нисбатан шеригининг муносабатини охиригача яхши тушунмаслиги. Бундай вазиятларда сухбат келишиш ўйналишида эмас, балки ўзаро талаблар кўйиш даражасида олиб борилади. Кўп жиҳатдан, бу хил ҳаракат услубини танлашнинг сабаби низоли вазиятлардан чиқиш тажрибасининг йўклиги ва низоларни конструктив ҳал эта олмасликдир.

Низоли конструктив ҳал этиш учун ҳар икки томонни нима қониқтирмаётганлигини аниклаб олиб зарур. Бунинг учун эса бир неча қадамдан иборат бўлган қуйидаги алгоритмни ўзлаштириб олган маъкул:

***Муаммонинг мояхитини ва айни пайтда нимани ҳис этаётганлигинизни тушунтиринг, Муаммо ҳақидаги ўз фикринизни тўла баён этинг.

Ушбу вазиятдан чикиш ечимини, ўз талабингиз ва илтимосингизни айтинг.

***Сизнинг талабингиз юзасидан шерингингизнинг фикрини аникланг.

*** Шеригингизнинг самимий гаплари ёки у таклиф этган ечим учун унга ташаккур билдиринг.

2. Бошловчи иштироқчилар орасидан №3 вазиятни ижро этиш учун кўнгиллilarни чақиради ва бу ўйин орқали низоли вазият келиб чиқишининг олдини олиш имконияти намоён этилади. Муҳокама.

3. Гурух учликларга булинади.

Ҳар бир учликда учта вазият ўйин тариқасида ижро этилади (ҳар бир иштироқчи агрессив, низодан чиқа олувчи ва ўзига ишонган одам ролида ҳамда кузатувчи ролида иштирок этиши шарт).

М

4. Ҳар бир вазият ижро этилганидан кейин кузатувчилар ўз таассуротлари билан ўртоқлашадилар.

5. Ўйин ниҳоясида иштирокчилар ўз кечинмалари хакида фикр алмашадилар, қандай ижобий натижаларга эришилганлиги ёки муваффақиятсизликларнинг сабаблари муҳокама қилинади.

Мулоқот мавзусига тегишли ўйинлар "Бузук телефон" машқи

Мақсад: Маълумот узатишдаги бузилишларни англаш.

Маълумотни англанган ҳолда идрок қилиш ва фаол тинглаш услугини ҳзлаштириш.

Йўрикнома: "Ушбу машқимизда 6 киши иштирок этиши керак. Бунда 5 киши хонадан ташқарида пойлаб туришади, 1 киши эса хонада қолади. Мен хонада қолган одамга оғзаки топшириқ айтаман. Бу одам иложи борича ҳамма топшириқни эслаб қолади ва иккинчи (хонадан ташқарида турганлардан бирига) одамга айтади. Иккинчи одам учинчисига, учинчиси тўртингчисига ва ҳ.к. Биз эса маълумотлар қандай узатилишини кузатиб турамиз. Кейин эса худди шу жараённи муҳокама қиласиз".

5 та ўкувчи хонадан чиққанидан кейин бошловчи қолган 1 кишига қуидаги топшириқ айтади: "Сиз мактаб директорининг муовинисиз. Директоримиз Собир Комилович Сизни анча пойладилар. Лекин келмаганингиздан сўнг сизга мен орқали топшириқ айтиб кетдилар. Айтдиларки, у киши ҳозир бизга Япония аппаратурасини олиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга кетдилар, у ердан чиқиб районда кенгайтирилган йигилишга борар эканлар. Агар улар соат 12 гача келмасалар ўқитувчилар мажлисини ўзингиз ўтказар экансиз, бу мажлисда 8 "б" синфнинг даёвоматини кўриб чиқиш керак. Кейин соат 15.00 да мактабимизга Польшадан келаётган меҳмонларни кутиб олиш учун аэропортга 1 та "Нексия" билан 1 та "Дамас" автомашинасини чиқариш керак экан. Яна айтдиларки, соат 17.00 да РайОНОнинг ижтимоий таъминот бўлимидан гўшт келар экан. Ҳамма ўқитувчиларга 2 килодан гўшт тарқатиб директорнинг улушини холодильникка солисб қўйсангиз ўзлари келиб олиб кетар эканлар".

Шундан сунг маълумотлар бирин-кеин кириб келаётган ўкувчиларга узатила бошлайди.

Машқ сўнгида одатда маълумотнинг бузилиши кузатилади. Машқда иштирок этган ўкувчилар видео ёрдамида маълумот мазмунини билиб оладилар. Шундан сўнг ўкувчиларга ҳар кандай маълумотни биринчи манбадан олиш зарурияти айтиб ўтилади. Маълумотларнинг бир кишидан иккинчи кишига ўтиши натижасида у қанчалик ўзгариб кетиши пайдо бўладиган миш-миш гапларга асос бўлиши айтиб ўтилади.

Маълумот узатишдаги хатоларни бартараф этиш мақсадида фаол тинглашни ўрганиш машқи таклиф этилади. Бу машқ йўриқномасига кўра ҳамма ўкувчилар уч кишилик гурухларга бўлинадилар. Бу гурухдаги уч ўкувчи уч хил ролда иштирок этади: гапиравучи, тингловчи ва назоратчи.

Гапиравучи ҳаётдаги бирор бир воқеани айтиб беради ва тингловчи бу воқеани иложи борича эсида олиб қолиб, қайтадан тақрорлаб айтиб бериши керак. Назоратчининг вазифаси йўл қўйилган хатоларни айтишдан иборат. Гурухдаги ҳар бир иштирокчи уччала ролдан бироргасида иштирок этиши шарт. Ушбу машқни бажариш орқали иштирокчилар вербализация, яъни фаол тинглаш методини ўзлаштирадилар.

Шахслараро муносабатлар ва низоли вазиятларни ҳал этиш усуллари

Мақсад: Ролли ўйин орқали ҳамкорлик муносабатлари ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш.

Бошловчи 10 та ўкувчини хонанинг ўртасига таклиф этади. Улар икки қатор бўлиб, бир-бирларига қарама-карши туришади ва улар олдига йўриқномага биноан вазифа қўйилади.

Йўриқнома: "Тасаввур қилинг, сиз иккита мактабнинг вакилларисиз. Яқинда физика фанидан икки кунлик олимпиада бўлиши керак, лекин олимпиаданинг қаерда бўлиши ҳали аниқ эмас. Биринчи қатор — А томон — биринчи мактаб вакиллари, иккинчи қатор эса --- В --- томон — иккинчи мактаб вакиллари. Олимпиада кимнинг мактабида ўтиши ҳозирги сизнинг ҳаракатингизга боғлик. Ҳар бир томондаги ўкувчи иложи борича қаршисидаги шеригини хар хил ваъдалар, таклифлар билан ўз томонига оғдириб олишга ҳаракат қилиши керак. Лекин бу мулоқот сўзсиз — имо-ишоралар ёрдамида ўтиши керак. Қайси томонга ўтилса, олимпиада шунинг мактабида ўтади. Бунинг учун сизга икки минут вақт берилади".

Ўқувчиларнинг мулоқоти тугагандан сўнг бажарилган вазифа тахлил этилади. Иштирокчилар жойларига ўтирганларидан сўнг боғловчи бўлиб ўтган ечим варианtlарини флипчартга ёзади. Ушбу музокарадаги муносабатлар кўйидагича бўлиши мумкин.

1. А Б. А томон Б томонга ўтади ва Б жойида қолади. Муносабатларнинг бу тури Б нуктаи назаридан қараганда рақобат деб аталади.

2. А Б. А томон жойида қолади, Б томон эса А томонига ўтади. Б нуктаи назаридан қараганда бу хил муносабат ён бериш деб аталади.

3. А Б. А ҳам Б ҳам бир-бирларининг томонига ўтишмайди ва ўз жойларида қолишади, бу хил муносабат пассивлик, яъни масалани ҳал этишдан қочиш дейилади.

4. А Б. Тўртинчи муносабат типи компрамист деб аталади. Бизнинг мисолимизда олимпиада З-бир мактабда ўтказилиши таклиф этилади.

5. А Б. Бу муносабат тури ҳамкорлик деб аталади. Ва бунда муаммо иккала томоннинг манфаатлари хисобга олинган ҳолда ҳал этилади. Яъни олимпиаданинг бир куни бир мактабда, иккичи куни эса иккинчи мактабда ўтади. Бу ҳолда иккала томоннинг қизиқишлиари қондирилади. Ва ҳеч қайси томон ўзини камситилган деб ҳис этмайди.

Бу машқ холосасига кўра, мулоқотнинг ҳамкорлик услуби энг самаъали ва конструктив бўлиб хисобланади.

Машғулотнинг икkinchi ярми низоли вазиятларни ҳал тишига қаратилган бўлиб, ўқувчилардан бирон-бир низоли, муаммоли вазиятни айтиш сўралади. Ушбу низоли вазиятнинг турли ечимлари ўқувчилардан сўралади ва ҳар бир таклиф этилаётган вариант бирон муносабат турига тааллукли деб топилади. Одатда, муаммоли вазият ечимларидан ҳамкорликка тааллукли бўлган вариант низони ҳал этишдаги конструктив йўл бўлиб хисобланади. Бир неча низоли вазиятларни тахлил этиш орқали ўқувчилардан ушбу холоса мустаҳкамланади.

"Автобусда" ўйини

Максад: Ўқувчиларда муомала маданиятини шакллантириш, шахслараро муносабатларни ижобий ривожлантириш.

Иштирокчилардан бири автобусдаги безори ролини ўйнайды, қолганлар эса йўловчилар. Безори автобусдаги иккита ўриндики эгаллаб олиб, бирига ўзи ўтирибди, бирига эса магнитофонини қолган. У ҳеч кимга жой бермоқчи эмас. Йоловчилардан ҳар бири безори билан тил топишиб унинг ёнига ўтиришга ҳаракат килиб кўриши керак. Шарт шуки — мақсадга жанжалсиз эришиш лозим.

"Авлодлар ўртасидаги низо" ўйини

Мақсад: Ўқувчиларда муомала маданиятини шакллантириш, шахслардо муносабатларни ижобий ривожлантириш.

Бунда уч киши иштирок этади — йигит, қиз ва катта ёшли одам. Авлодлар ўртасида "Эх, хозирги ўшлар..." қабилида тақлид ўюштирилади. Йигит ва қизнинг вазифаси: имкон бўрича хушмуомалалик билан низодан қочиш. Жюри аъзолари ҳар бир ўқувчининг ҳаракатини баҳолаб боради.

"Орқадаги ёзувлар"

Иштирокчиларнинг орқаларига варак маҳкамлаб қўйилади. Ҳамма иштирокчилар хонада хоҳлаган одамнинг олдига бориб унинг орқасидаги қоғозга бу одамнинг нимаси ўзига ёқишини ёзиши керак. Вазифани мукаммалаштириш ҳам мумкин. Масалан, ўша одамда нимани ўзгаришини хоҳлашини ёзиши мумкин.

Информацияни (маълумотни) сўзсиз узатиш

Бу ўйинда бошловчи йўналтириб турувчи ролини бажаради. Бошловчи шундай тушунтириш беради: "Хозир бир киши хонадан ташқарига чиқиб туради, қолганлар эса унга қанақа маълумотни айтиш лозимлиги ҳакида келишиб олишади. Мен уни чакираман, шунда бутун гуруҳ имо-ишора, турли қиликлар ва юз ҳаракатлари билан унга шу информациини узатишга ҳаракат қилишади. Чакирилган одамнинг вазифаси — гуруҳ унга айтмоқчи бўлаётган маълумотни англаб олишдан иборат".

Бошловчига эслатма: Одатда, ўсмирлар ўйин мухитидан ножӯя хатти-ҳаракатларни бажариш учун баҳона сифатида фойдаланишлари мумкин. Албатта, бу ўйинда ножӯя ҳаракатлар бўлиши табиий, лекин кимки вазиятдан шўхлик ва ҳазил-қузул учун фойдаланмоқчи бўлса, уни ўйнаётган гурухининг ўзи тарғибга келтириб кўйиши керак. Бу усульнинг мухим таъсир кучига

эгалигини ҳисобга олиб, уни жамоатчиликдан ҳоли ва шовкин кам бўлган маҳсус хоналарда ўтказиш максадга мувофиқдир.

Икки қўллаб қўришиш

Иштирокчиларнинг ҳаммаси доира шаклида ўтиришади. Қўллар бир-бирига бирлаштирилган бўлади. Иштирокчилар бирварамайига хоҳлаган томонидаги (чат ёки ўнг ёнидаги) кишига саломлашиш учун қўшқўллаб қўл узатади. Униси эса қўлларини ёнидагисига узатиши мумкин ва биринчи иштирокчига навбат етгувича шу ҳолда давом этади. Шундай килиб бир нечта мос келмаслик ҳолати кузатилиши табиий. Ана шунда қанақангি қийчув қўтарилишини кўрасиз!

Бу ўйинни бир неча бор тақрорлаш нафас ростлаш ва тинчланиш учун фойдалидир.

Азиз меҳмон ўйини

Максад: а) шахснинг ва хусусан, протогонист (меҳмон) шахснинг гуруҳ томонидан хурмат қилинишини тасдиқлаш; б) гурухда одам билан муомала қилиш санъатини шакллантириш; в) бевосита (ўйинни амалга ошириш орқали) гурухдаги айрим иштирокчиларнинг протогонистга нисбатан салбий муносабатини шакллантириш.

Бу ўйинда протогонист сифатида гурухдаги энг кўзга ташланмайдиган, суст ўсмир танланади.

Бошловчи ўйиннинг моҳиятини куйидагича тушунтиради: "Хозир бир киши ташқарига чиқиб, то уни чакирмагунимизча эшик орқасида кутиб туради. Колганлардан 7 кишини биз ҳар бир ўйин қатнашчиларининг иштирокини ва хулқ-атворини баҳолаш учун (5 балли системада) ҳакам сифатида сайлаймиз. Вазифангиз нимадан ибратлигини айтиб олинг: эшик ортидаги киши — бизнинг энг азиз меҳмонимиз. Тасавур қилинг, у бизнинг республикамиз учун дўст мамлакат бўлган АҚШ давлатининг вакили булиб, Ўзбекистон ва Америка ўртасида мустаҳкам алоқаларни йўлга кўйиш учун ташриф буюрган. Иштирокчилардан бири меҳмонни чақиради, шу билан бирга унга ҳамроҳлик ва таржимонлик ҳам қиласи. Колган иштирокчиларнинг ҳар бири меҳмон билан кўришишга, ундан ниманидир сўрашга, унга нималарнидир гапириб беришга харакат қилиши керак, чунки меҳмон зерикиб қолмаслиги керак. Ҳакам аъзоларининг вазифаси: катнашчиларнинг иштирокини

кузатиб бориб, кимда-ким меҳмон билан қурук, бетакаллуф, сохта, хушомадгўйларча ва одобсизларча муносабатда бўлса, уларнинг балларини туширишдан иборат. Одобсизлар ва баллари паст бўлганлар ўйиндан чиқарилади. Ҳакамлар ҳар бир иштирокчининг ўртасида баҳосига қараб, унинг ўзаро муносабатга киришиш қобилиятига баҳо берадилар".

Бошловчи ҳам иштирокчилар билан сиргаликда ҳакам аъзоларини, ҳамроҳлик қилувчи (таржимон)ни ва "меҳмон"ни танлайди. Ҳамроҳлик қилувчи хонадан чиқиб кетади ва бир пасдан сўнг "меҳмон"ни бошлаб киради. Иштирокчилар протогонистни доира шаклида ўраб оладилар ва унинг атрофида ким қандай истаса шундайлигича ўтирадилар. У билан гаплашишнинг навбатмавбатлиги шарт эмас, муҳими ҳар бир иштирокчи у билан муносабатга киришиши керак.

Олдиндан маълум бўлган кулгули нарсалар (меҳмон билан "чет тилида гаплашиш" ва мuloқotning одатланимаган усули) ўйинга завқ бағишлайди, кулгу ўйғотади, лекин таъкидланган жиддийлик йўқолмайди. Тажрибаларда кўринишича, протогонист билан мулокотда бўлувчи шахслар ўз муносабатларида хазиломуз, кулгули ҳаракатларни ҳам қўллайдилар. Бунда иштирокчилар, ҳатто ҳакамлар томонидан баллар камайтирилиши эҳтимолини ҳам унубиб қўядилар. Шундай вазият кузатилганда, ўйин ниҳоясида бошловчи иштирокчиларнинг бу хил (ноўрин) ҳаракатларини енгилгина бўлса ҳам таъкидлаб ўтиши керак.

Меҳмон номига айтилаётган олқишлиар ҳақида олдиндан бошқотириб ўтириш шарт эмас, балки иштирокчилар буни ўйин жараёнида ўлаб топишларига имконият яратиш керак.

"Автобус" ўйини

Мақсад: Мулокот мазмунини шахснинг новербал ҳаракатларидан англаш имконияти ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш. Новербал компонентлар: имо-ишора, мимика ва миссий ҳолатларни ўқийслиш қобилиятларини аниqlаш.

Бошловчи иштирокчиларга инсоннинг мулокот жараёни канчалик бой эканлиги, у фақатгина оғзаки мулокотдан иборат бўлмай, балки сўзлар ёрдамисиз узатиладиган маълумотларга ҳам бой эканлиги ҳақида айтиб ўтади. Сўзлар ёрдамисиз узатиладиган маълумотлар мулокотдаги новербал компонент дейилади. Бу хил

компъентларни: имо-ишоралар, мимика (юз ифодаси) ва ихтиёрсиз тана ҳаракатларини мулокотга киришаётган ҳар қандай одамда кузатиш мумкин. Бу хил компонентларни зехн билан кузатиш ва тушуниш натижасида кўпинча сұхбатдошимиз айта олмайдиган майл, истаклари ҳақида маълумот олишимиз мумкин. Бу хил ҳаракатларни кузата олиш қобиияти инсон ички оламида юзага келаётган норозиликларни олдиндан сезиш, сұхбатдошини "яримта" гапидан тушуна олиш имкониятини беради. Натижада, мулокот жараённида бу хил омилларни ҳисобга олиш бу жараённи анча енгиллаштиради ва ўзаро тушуниш хиссини келтириб чиқаради.

Ўқувчиларда бу хил билимларни мустахкамлаш учун қуйидаги машқ таклиф этилади. Ўқувчилар икки қатор бўлиб бир-бирлариға қарама-карши ҳолда юзма-юз турадилар. Ҳар бир ўқувчи қаршисидаги шериги билан машқни бажаради.

Йурикнома: Тасаввур килинг, сизлар қарама-карши томонларга кетаётган автобусда кетаяпсизлар, автобус ойнасида бошга автобусда кетаётган танишингизни кўриб қолдингиз. Биринчи гурухдагилар сизларнинг уша танишингизга бирон зарур, муҳим гапингиз бор. Имо-ишора орқали унга ўз фикрингизни тушуятиришингиз керак. Иккинчи гурухдагилар, сизлар ўз сұхбатдошингизни имо-ишорасидан нима демоқчи эканлигини тушузиб олишингиз керак.

Ўқувчилар машқни бажариб бўлганларидан сўнг бошловчи ҳар бир гуруҳ иштирокчилариға қуйидаги савол билан мурожаат килади: Шерингиз бермокчи бўлган маълумотдан нимани тушудингиз? Иккинчи гурухдагиларга эса "Сиз аслида нима демоқчи эдингиз?", деб сўралади. Натижалар солишишиб чиқилади ва новербал имо-ишора ва хатти-ҳаракатлар индивидал хусусиятга эга бўлиши билан бирга умумий томонларга ҳам эгалиги таъкидлаб ўтилади. Мулокот давомида бу жараён иштирокчиларнинг нафақат сўзлари балки, хатти-ҳаракатлари, юз ифодаси, төвушидаги интонацияларни уқий олиш зарурлиги ҳақида хулюса чиқарилади.

Танишув ўйинлари "Қор йиғими" ўйини

Бошловчи кўрсатмасига биноан унинг ўнг ёки чап томонида турган иштирокчилардан биттаси ўз исмини айтади. Иккинчиси эса биринчи иштирокчининг ва ўзининг исмини айтади. Учинчи иштирокчи эса биринчи, иккинчи иштирокчининг ва ўзининг исмини айтади. Шу тариқа охиригача давом этади. Охирги иштирокчи биринчи иштирокчидан бошлаб то гурух аъзоларининг ҳаммасини ва ўзининг исмини айтади. Гурух аъзоларининг бирбири билан танишиши ана шу тарзда амалга ошади.

Иккинчи турда ҳар бир иштирокчи ўзига тахаллус (гул, мева, бадиий қаҳрамон, планеталар номи каби) ўйлаб топиб, кейин ўша тахаллус бўйича ўзини таништиради. Бу машқ ҳам шахслараро чиниқиши, хотирани мустаҳкамлаш, эмоционал тангликтининг олдини олиш мақсадида хизмат қилиши мумкин.

"Олма"

Қатнашувчилар давра қўриб ўтирадилар. Бошловчи "Менинг исмим... Мен ...ни яхши кўраман (хоҳлаган нарса ёки кишини айтиши мумкин)", — дейди ва олма (коптоқ)ни бирон кишига қараб отади. Олма (коптоқ)ни илиб олган иштирокчи ҳам ўз навбатида ўзини шундай таништиради ва коптоқни бошқа иштирокчига узатади. Ўйин барча иштирокчилар ўзларини таништириб бўлгунларига қадар давом этади.

Иштирокчилар таништириш жараёнида айтилиши мумкин бўлган жумлалар:

Мен ... яхши кўраман (кишини исми ҳам бўлиши мумкин).

Болалигимда яхши кўрган овқатим ... (каша) эди.

Мен ёқтирадиган ранг (гул ёки мева) — ...

"Ислар — фазилатлар"

Бу ўйин гурух иштирокчиларининг кайфиятини кўтариш, иштирокчилар ўзларини эркин ҳис қилишлари учун ташкил қилинади.

Ҳар бир иштирокчи бирон-бир исмнинг биринчи ҳарфи билан бошланадиган шахснинг ижобий характер хусусияти, киши

фазилати номини айтиш лозим (Масалан, Рашид — ростгүйлик, Мурод — мардлик ва хоказо).

"Жуфтлик асосида танишув"

Иштирокчилар жуфт-жуфт бўлиб 10 минут давомида бир-бирларига ўзлари ҳақида маълумот берадилар. Кейин улардан бири иштирокчилар бир-бирларини таништиргунларига кадар давом этади.

Ахиллаштирувчи ўйинлар "Ботқоқлик ўйини"

Бунинг учун картондан ясалган ўртача катталиқда "ликопчалар" керак бўлади. Уларнинг сони 9 та бўлиши керак. Гурух аъзолари қатор бўлиб, бирин-кетин тарелкаларга оёқ қўйиб ботқоқликдан ўта бошлайдилар, атрофда эса (иккинчи гурух аъзолари) қароқчи тимсоҳлар юради. Тимсоҳлар тарелкаларни олиб қўйишга шай турадилар, мақсад ҳар бир гурух аъзоси тарелкалардан оёқ узмаслиги, ҳеч бўлмагандан бир оёқнинг уни билан уларни босиб туриши керак. Агар гурух аъзолари иттифоқ бўлиб ҳаракат қылсалар, мағлубиятсиз ботқоқликдан ўтадилар, биронта ликопчани тимсоҳга бермайдилар.

"Автобус"

Иштирокчилар икки гурухга бўлинадилар. Бошловчи улар иккита автобусда жойлашишлари кераклигини айтади. Автобус ўриндиклари сифатида стуллардан фойдаланиш мумкин. Иштирокчилар стулларга бир-бирларига қарама-қарши жойлашиб ўтирадилар. Ҳамма икки автобусга жойлашиб бўлгач, бошловчи биринчи автобус юрмаслигини, у бузилиб қолганлигини маълум қилиб, ҳамма иккинчи автобусга ўтиши кераклигини айтади. Бу ўйин бошловчига гурухга иштирокчилар орасида бир-бирига ишончни ривожлантиришга ёрдам беради.

Топинг-чи, бу ким?

Бунинг учун ҳар бир иштирокчи шу гурух аъзоларидан кимнингдир 10 тадан кам бўлмаган характер хусусиятларини қоғозга ёзди, лекин ким ҳақда ёзганлигини, хатто ўғил ёки қиз болалигини ҳам ҳеч кимга айтмайди. Қолган иштирокчилар ёзилган характер хусусиятларига караб гап ким ҳақда кетаётгандигини топишлари лозим. Агар гурух гап ким ҳақида кетаётгандигини қанчалик тез топса, уни таърифлаган иштирокчи моҳир одам сифатида рағбатлантирилади.

"Орқама-орқа"

Иштирокчилар хона бўйлаб ҳаракат қиласидилар. Бошловчи тана аъзоларидан бирининг номини айтади, масалан, "орқа" дейди. Шунда иштирокчилар ўзларига жуфт топиб, бир-бирига сұянишлари керак. Ўзига шерик топа олмаган иштирокчи эса ўргага чиқади ва ўйинни давом эттириш учун бошқа тана аъзоларининг номини айтади (масалан кўл, оёқ, бош бармоқлар, елка ва ҳоказо).

"Фарам, тепалик, сўқмоқ"

Иштирокчилар 6-10 кишилик гурухга бўлинадилар. Ҳар бир гурух аъзолари бир-бирларининг қўлларидан ушлаб, давра қурадилар. Ўйин иштирокчиларнинг ўнг томонга караб айланиши билан бошланади. Бошловчи томонидан "Сўқмоқ" дейилганда иштирокчилар бир қатор бўлиб ўтириб олишлари керак. "Фарам" дейилганда ҳар бир гурух 2 кичик гурухга бўлинади ва бир-бирига юзма-юз бўлиб, қўлларини бирлаштириб юкорига кўтарадилар. "Тепалик" дейилганда эса, иштирокчилар яна бир қатор бўладилар, бироқ бунда гурӯхдаги бир иштирокчи турса, иккинчиси ўтириб олади, натижада тепаликлар кўринишими акс эттирадилар. Вазифани бошқалардан олдин ва яхши бажарган гурухга 1 балл берилади. Шундай қилиб энг кўп балл жамгарган голиб деб топилади.

"Қаерга, қаерга"

Гурух аъзоларининг ҳар бири ракам билан номланади. Иштирокчилар ўз ракамларини эслаб қолишлари керак. Шундан сўнг улар аралашиб кетишиди. Бошловчи ўргада туриб иккита сонни айтади. Шу ракамлар билан номланган иштирокчилар "қаерга, қаерга" деб бир-бирларининг ўринларига ўтиб олишлари зарур. Бошловчи ҳам бу орада очик қолган жойни эгаллашга уриғади. Жойсиз қолган иштирокчи ўйинни давом эттиради.

"Кайта тузилиши"

Иштирокчилар 2 гурухга бўклина дилар ва бошловчи ишораси билан турли белгиларга кўра тезроқ сафга тизилишга ҳаракат қиласидилар (масалан, ёёқ кийимининг ўлчами, туғилган куни ва ҳ.к.лар ҳисобига олиниши мумкин).

"Ишонч паравози"

Барча иштирокчилар бир каторга тизилишиди. Биринчи иштирокчидан ташқари гурух аъзоларининг ҳаммаси кўзларини юмишади ва бир-бирларининг белидан ушлаб олишади. Биринчи иштирокчининг вазифаси — "паравоз"ни хона бўйлаб тўсиқлар (йўллар) орасидан олиб юриш, қолганлар эса олдиндаги иштирокчининг ҳаракатларига мос равишда тўсиқлар орасидан уринмай-суринмай лтишлари даркор.

"Ёмғир"

Иштирокчилар айлана кўринишида туриб олишади Бунда жимлик ҳукм суриши керак. Бошловчи ҳозир сиз ёмғир товушини эшигасиз, лекин бунинг учун менинг ҳаракатларимни тақрорлашингиз керак", — дейди. Бошловчи ўргада туриб ҳар бир иштирокчининг олдига келади ва унинг кўзига қараб, муайян ҳаракатларни бажариб кўрсатади. Ҳар бир иштирокчи токи бошловчи бутун даврани айланиб келиб бошқа ҳаракатни кўрсатмагунича шу ҳаракатни бажариб туриши зарур.

Харакатлар:

- Кафтларни бир-бирига ишқалаш;
- Бармоқларни қирсиллатиши;
- Тиззаларни шапатилаш;
- Тиззаларни шапатилаб, оёкларни дўпиллатиши;
- Тиззаларни шапатилаш;
- Бармоқларни қирсиллатиши.

"Кўринмас совға"

Иштирокчилар давра куриб олишади. Бошловчи қўлида нарсани ясаш мумкин бўлган кўринмас лой борлигини ва иштирокчилар ундан совға ясад, ўнг томонидаги иштирокчига узатишлари лозимлигини айтади. Совға ясалади ва қабул қилиб олингач, яна бошқатдан совға ясалиб, навбатдаги иштирокчига тақдим этилади. Шу тариқа барча "совға" олмагунича бу харакатлар тақрорланади. Ўйин охирида кимнинг нима совға қилганли ва сабаби сўралади.

"Яширин лидер"

Гурух аъзоларидан бири хонадан чиқиб туради. Қолганлардан бирини — "лидер"ни танлашади. Қолган иштирокчиларнинг вазифаси: лидер муайян ҳаракатларни бажарганда улар ҳам бу ҳаракатларни тақрорлаши керак. Хонадан чиқариб юборилган иштирокчини хонага тақлиф қиласилар, унинг вазифаси: "лидер" кимлигини аниқлаши керак. Агар тўғри топса, лидер билан ўрн алмашади.

Сакраш

Гурух иштирокчилари юзларини бир томонга ўгирган холда бир катор турадилар.

Йўриқнома: "Мен "бир, икки, уч", деб санайман ва ҳар "уч" деганимда сиз қўйидагича холатларда сакрашингиз мумкин:

1. Жойингизда турган ҳолда.
2. Сакраб ўнг томонга ўгирилиш.
3. Сакраб чап томонга ўгирилиш.

Топширикни бир-биirimiz билан гаплашмасдан, жимликда бажарамиз. Машқ ҳамма иштирокчилар бир томонга караб турмагунларича давом этаверади. Машқни бажаришда ўзаро

кўрсатмалар берилмаслигига, айрим иштирокчиларнинг келишиб олмасликларига ва бир иштирокчининг буйруги билан бирор томонни танламасликка эътибор бериш керак.

Машқ гурухни жисплаштиради, кайфиятни кўтаради, қизгинликни, тангликни юмшатади. Шунингдек, гурух қатнашчиларининг биргалиқдаги фаолиятда келишиб олишларига ва умумий қарорга келишларига имкон беради.

Ўйин охирида гурухга бериладиган саволлар: "Гурухнинг олдига қўйган вазифани бажаришда нима ёрдам берди?", "Вазифани тезроқ бажаришга нима халақит берди?", "Вазифани тезроқ бажаришга нималар ёрдам бериши мумкин эди?" ва ҳ.к.

Бармоқ ташлаш

Гурухнинг ҳамма иштирокчилари дойра шаклида ўтирадилар.

Йўриқнома: "Ҳозир ҳаммамиз биргалиқдаги қуидаги топширикни ҳал этишимизга тўғри келади: Мен "бир, икки, уч", — деб санайман ва ҳамма тезлик билан, бир вақтнинг ўзида бир-бири билан келишмасдан, гаплашмасдан, қўлдаги панжаларни хоҳлаган миқдорда ташлайди". Машқ ҳамма бир хилда бармоқ ташламагунча давом этаверади. Давранинг ҳамма иштирокчилари бир хилдаги бармоқлар сонини ташлагандা машқ тугаган ҳисобланади.

Машқлар турлича ўтиши мумкин. Баъзан гурухга вазифа ечилимагунча ўттиз мартагача такрорлаш талаб қилинади, баъзан тўрт-беш марта етарли бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, машқ муҳокама қилиш учун бой маълумотлар беради.

Чигилни ечиш

Қатнашчилар дойра шаклида турадилар.

Йўриқнома: "Келинглар, бир-бirimizga якинроқ туриб оламиз, кичикроқ дойра ҳосил қилиб, барчамиз қўлларимизни дойра ўртасига чўзамиз. Менинг ишорам билан ҳаммамиз бир вақтда қўлларимизни ушлаймиз. Шундай ушлашимиз керакки, ҳар биримизни қўлимиз орасида яна кимнидир қўллари бўлиши керак. Шунинг учун ёнимиздаги киши қўлини эмас, кейинги қаршимиздаги одамникини ушлашга харакат қиласайлик. Иккала қўлингиз билан бир одамнинг иккала қўлини ушламанг — бир қўлингиз билан бир иштирокчининг, иккинчи қўлингиз билан эса

иккинчи иштирокчининг кўлини ушланг. Шундай қилиб бошлаймиз. Бир, икки, уч".

Шундан сўнг тренер барча кўллар бир-бирини ушлашганига ишонч ҳосил қилганидан сўнг, гурух қатнашчиларига қўлларини кўйиб юбормай, машқни бошлаш, яъни "чигални ёзишни" тақлиф килади. Тренер ҳам бевосита машқда қатнашади, аммо бу пайтда турли ечимлар тақлиф этмайди. Машқ бажариш давомида, гурухда машқни ечиш қийинлиги ёки мумкинмаслиги тўғрисида турли фикрлар тутилади. Бундай пайтда тренер хотиржамлик билан, бу ҳал қилиниши мумкин бўлган вазифа эканлигини, чигал ечилиши мумкинлигини таъкидлаши керак. Машқ уч варианнтнинг бирор кўринишида ижро этилиши мумкин.

Гурухнинг барча қатнашилари бир дойра ичida турадилар. Бу пайтда кимдир орқасига, яна кимдир ёнига караб туриши мумкин, Асосийси дойра ҳолати сақланиб қолиши керак.

Агар гурух катта бўлса, унда икки ёки ундан ортиқ мустақил доиралар ташкил қилиниши мумкин.

Гурух қатнашчилари занжир бўлиб, бир-бирларига боғланиб дойра ҳосил қиласидилар. Бу машқни бажариш учун гурух қатнашчиларига вақтни 3-5 минутдан 20 минутгача белгилаш мумкин. Баъзан гурухлар занжирни ечишдан бош тортишлари мумкин.

Машқ якунлангандан сунг, гурухга бундай саволлар билан мурожаат қилинади: "Машқни бажаришга нима ёрдам берди?", ёки "Машқни тезрок бажариш учун яна нима қисса бўларди?". "Бу машқни тезрок бажариш учун нима халақит берди?". Биснинг назаримизда бундай саволлар бериш мақсадга мувофиқдир. Одатда иштирокчилар, уйин мухокамасида шундай фикрга келадилар: "бундай машқни муваффақиятли ҳал этиш учун ҳамкорлик, бир-бираига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, барча ўзини эркин ҳис этиши, барча кишини фикрларини инобатга олиш ва машқ жараёнини дикқат билан кузатиб бориш керак экан". Бу машқ гурухни биринтиришга, шунингдек оғир кечган кунни марокли якунлаш имконини беради. Машқни эҳтиёткорлик билан бажариш талаб қилинади, чунки у иштирокчилар орасида жисмоний боғланишини тақозо этади. Агар тренер ўйин давомида бирор қатнашчининг толиққанини сезса, уни ўйиндан озод қилиши мумкин.

Ишчанлик мұхитини яратувчи үйинлар

Жой алмашынш

Иштирокчилар дойра атрофида үтирадилар, тренер эса дойра ўртасида туради.

Йўриқнома: "Хозир бизда танишимни давом эттириш имконияти бўлади. Буни шундай қиласиз: доиранинг марказида турган киши (бошида бу мен буламан) бирор умумий белгига эга булган нарсани ҳаммага таклиф этади ва кимда шу белги бўлса у жойини алмашади. Масалан, мен шундай дейман: "Синглиси борлар жойингизни алмаштиринг" ва ҳамма синглиси борлар жойларини алмаштиришлари керак. Бунда доиранинг марказида турган киши бўшаган жойни эгаллашга улгуриши керак. Марказда жойсиз колган иштирокчи эса үйинни давом эттириши керак".

Машқ тутаганидан сўнг тренер гурухга куйидаги саволлар билан мурожаат этиши мумкин: "Сиз үзингизни қандай сезаяпсиз?", "Хозир сизнинг кайфиятингиз қандай?". Қоидаги мувоғиқ машқлар куйидагича ўтади. У қизишганликни пасайтиради, кайфиятини кўтаради, дикъат ва фикрларни фаоллаштиради.

Ўтириб туриш

Ҳамма иштирокчилар дойра шаклида ўтирадилар.

Йўриқнома: "Мен сизларга у ёки бу панжалар сонини кўрсатаман. Баъзан бир кўлда, баъзан икки кўлда, мен кўлимни кўтаришм билан, шунча иштирокчилар ўринларидан туришлари керак, нечта эканлигини мен кўрсатаман. (кўп ҳам, оз ҳам эмас) Масалан: агар мен кўлимни кўрсатиб тўртта панжамни кўрсатсан (кўтаради ва кўрсатади) унда мумкин кадар тезроқ сизлардан тўрт киши туради. Қачонки, мен кафтимни туширсан, улар ўтиришлари мумкин".

Тренер гурухга бир неча марта у ёки бу панжаларининг сонини кўрсатади. Машқ бошланишида 5-7 панжани кўрсатиш яхшиrok бўлади, схирига бориб эса 1-2 та панжаларни. Машқнинг бажарилиши жараёнида тренер гурух иштирокчилариннинг вазифани бажаришга бўлган интилишлари ҳакида мuloхаза юритади ва тааллуқли хulosалар чиқаради. Муҳокама вақтида тренер гурухга бир неча саволлар бериши мумкин: "Биз олдимизга кўйилган вазифани бажаришимида нима ёрдам берди, ёки унинг бажарилишини нима кийинлаштирди?", "Сиз туришга қарор қилганингизда нимани назарда тутдингиз? Агар бизда бу вазифани

олдиндан мухокама ыилиш, қарор килиш имконияти бўлганда, ишни кандай ташкил этган бўлардик?".

Мевали салат

Ўйин иштирокчилари дойра шаклида ўтириб олишади, улардан биттаси (чакирувчи) ўртада туради. У учта одамдан энг яхши қўрган мевасининг номини айтишини сўрайди ва кейин дойра бўйлаб юриб, ўзидан бошлаб ҳар бир иштирокчига айтилган уч хил меванинг номи билан "исм" қўйиб чиқади. Масалан, агар мевалар — олма, анор, узум бўлса, ўзига "олма" деб ном қўяди ва қолганларга ҳам шу тарзда ном қўйиб чиқишни давом эттиради (иштирокчиларнинг ҳаммасига исм қўйилмагунча). Шундан сўнг бошқаларга ном берган ўртадаги одам мевалардан бирортасининг (масалан, олма) номини айтса, барча "олмалар" ўринларини алмashiшлари лозим бўлади, ўртадаги одам эса улардан бирининг ўрнига ўтириб олишга ҳаракат қилиши керак. Туриб қолган одам чакирувчи бўлади. Агар ўртадаги одам "мевали салат" деса барча иштирокчилар ўринларини алмашадилар.

Бу ўйин жуда қизикарли ва жалб килиш хусусиятига эга булиб, иштиркочилар ўртасидаги барьерни йўқотишига ва уларни тез ўйлаб, тез ҳаракат қилишга ундаиди.

Хайвонот олами

Ўйин иштирокчилари дойра бўлиб туриллади ва ўзларига бирорта ҳайвоннинг номини танлашади. 20 кишидан иборат гурух учун 6 та ҳайвоннинг номи етарли. Бир хилдаги ҳайвонларнинг номи қоғозга сонлар билан ёзилиб, уларга шулардан бирини олиш таклиф этилади. Иштирокчилар маълум бир ҳайвонларни танлаб бўлганларидан сўнг қўзларини юмиб, атрофда айлануб юрадилар ва ўзлари мансуб бўлган турдаги шерикларини излайдилар. Бунда ҳамма ўзига хос овоз билан бир-бирини чорлаши керак (масалан, "ба-а-ба-а", "мёв-мёв", "вов-вов" ва х.к.). Иккита бир хил "ҳайвон" бир-бирини топиб олса, улар кўлларини маҳкам ушлаганча кейинги шеригини излашга тушадилар ва барча шеригини топиб, тики алоҳида гурухлар тузилмагунча давом этаверади.

Бу кириш ўйини хисобланиб, у асосан иштирокчиларда бир-биirlарига ишонч ҳосил қиласди.

ИЗОХЛИ ЛУГАТ

Агрессия – одамларга, одамлар гурухига нисбатан жисмоний ёки рүхий заарын етказишга қаратылган хатты –харакат.

Агрессив ҳулк – инсон билан вазият ўртасидаги ўзаро таъсири натижасида вужудга келувчи агрессив жараён.

Асабийлашиш – одам организмининг барча функцияларини ўзаро ҳамда ташқи муҳит билан алоқасидаги нерв психик зўриши.

Ақлий хужум – муҳокама қилинаётган мавзуу юзасидан иштирокчиларнинг айтган фикрига ҳеч бир шубҳа қилмаслик, аксионча ҳар қандай фикрни билдиришда тўла эркинлик яратиб беришга қаратылган интерфаол усул.

Баркамоллик – инсоннинг ҳар тамонлама етуклик даражаси.

Баҳс мунозара – бу фаолиятнинг диологик шакли бўлиб, туэли фикрлар орасида борадиган шиддатли қурашни, сухбатни юзага келтиришdir.

Биргаликда азият чекмоқ – бирорнинг хислари, фикрларини тушунган ҳолда унга маънавий далда бериш тури.

Босқич – бирор бир фаолиятни бажариш кетма – кетлиги.

Гурух – одамларнинг биргалиқдаги фаолият мазмуни ёки мулокотда бўлиши характерига асосланган ижтимоий жамоа.

Гурухий норма – одамларни биргаликдаги фаолият мазмуни ёки мулокотда бўлиши характерига асосланган ижтимоий қонун қоидалар тизими.

Ён бериш – мулокот жараёнида шахс ўз ихтиёри билан тобелик тарафдори бўлади.

Ишончли хулқ – ўзгалар хукукини поймол қилмаган ҳолда ўз хукукларини ҳимоя қила олишга қаратилган хукук.

Йўриқнома – машқ хақида аниқ, қисқа, тушунарли ахборотни бериш.

Кичик гурӯҳ – аъзолари биргаликдаги фаолият билан шуғулланувчи ва бевосита шахсий муносабатларда бўлувчи кишиларнинг кичик гурӯҳи.

Кузатувчанлик – шахс ҳусусиятларидан бири у кишининг идрок қилиш жараёнида нарсаларни камдан-кам учрайдиган, аммо муҳим томонларини пайқаб олишида намоён бўлади.

Компромисс – бу келишувчанлик, яъни “сен ҳам ютқизма, мен ҳам ютқизмай” қабилида иш тутиш, мунозарали вазиятдан келишилган ҳолда чиқиб кетиш имкониятини излашдан иборат ҳолатдир.

Конформлик – индивиднинг гурӯҳ фикрларига ташқи томондангина қўшилиб, ички томонидан қўшилмай ўз фикрида қолишилик.

Конфликт – кишилар ва гурӯҳлар орасидаги кучли салбий ҳиссий кечинмаларни келтириб чиқарувчи тўқнашув.

Кайфият – бирорта эмоциянинг барқарор кечиши.

Киноя – маъқуллашнинг ёлғон устидан кулишнинг бир кўриниши.

«Махфийлик» – тренинг жараёнида бирор – бир гурӯҳ аъзосининг ҳаётига оид ҳиссиёт, фикр, ахборотлар тренинг доирасидан четга чиқмаслиги.

Машқ – ўзлаштириш мақсадида қайта-қайта бажаридиган ҳаракатлар.

Машқ қилиш – маълум кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга, такомиллаштиришга қаратилган жараён.

Машқ қилиш усули – зарур кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга, такомиллаштиришга қаратилган жараённинг самара-дорлигини ошириш усули.

Мимика – новербал мuloқot воситаси бўлиб, ўз фикр-мuloқазаларини юз ифодаси орқали ифодалаш.

Муаммоли вазият – билиш эҳтиёжини қондиришда тафаккур қилиш шарти бўлган психологик вазият.

Мулокот – икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсир этиши, ахборот алмашиши.

Мулокатчанлик – кишиларнинг бошқалар билан мулокотга тез киришувчанлик қобилияти.

Низо – ўзаро таъсир кўрсатаётган кишиларнинг қарама-қарши кизишиши.

Низоли вазият – ўзаро таъсир кўрсатаётган кишиларнинг қарама-қарши фикрларини тўқнашув вазияти.

Прогноз қилиш – тренингдан келиб чиккан ҳолда унинг самарасини олдиндан кўра билиш.

Психологик зўриқиши – инсоннинг руҳий жиҳатдан азобланиши.

Психологик муаммо – бу фикрлашни кенгайтиришга, ҳаётга ижодий ёндашувни шакллантирувчи вазият.

Психогимнастик машқлар – кишини баркамоллаштиришга, эмоционал зўриқишиларни бартараф этишга қаратилган машқлар мажмuni.

Рақобат усули – мулокот жараёнидаги бир кишининг иккинчи киши устидан хукмрон бўлиши ва бутунлай вазиятни бошқариши.

Реакция – (лот. re – қарши, action – ҳаракат) психология ва физиологияда ички ва ташқи мухитнинг турли таъсиrlарига аъзоларнинг жавоб қайтариши.

Релаксация – одамдаги жисмоний зўриқишининг психик кескинлиги тугаши натижасида бўладиган тинчлик, осойишталик ҳолати.

Ролли ўйин – турли ижтиомий ролларни бажарувчи кишилар орасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришга қаратилган машқлар мажмусидир.

Суст ҳулиқ – ўз хукуқларини ҳимоя қилмайдиган, ўзгалар фикрига ён берувчи ва уларни юқори қўювчи ҳулиқ – автор.

“Танишув” ўйини – гурухнинг барча аъзоларини ҳар жихатдан кулагай, дадил тутишлари ва ўзаро ишонч ҳосил қилишга қаратилган машқ.

Тренинг – шахсда мавжуд бўлган ёки вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган билим, кўнникма, малакаларни ҳосил қилиш мақсадида баҳс-мунозара, ўйин, машқлар орқали ўтказиладиган машғулотлар йигинидиси.

Тренинг гуруҳ – шахслараро муносабатлар тизимида унинг аъзоларига таъсири кўрсатиб, уларда мулокот малакасини ва ўзаро таъсирини ривожлантиришга қаратилган қисқа муддатли машқ тури.

Тренер – тренинг машғулотларини ташкил этиб, бу жараённи бошқарувчи шахс.

Усул – бирор – бир фаолиятни бажарышнинг йўл-йўриги.

Фаоллик – тирик материянинг умумий хусусияти, теварак – атрофдаги мухит билан ўзаро таъсирда бўлишида намоён бўлади.

Флинчарт қоғози – тренинг жараёнида қўлланиладиган маҳсус қоғоз.

Шахс – ижтимоий муносабатларга киришувчи ва онгли фаолият билан шуғулланувчи одам.

“Шу ерда ва хозир” – гурухдаги муомала – муносабат машғулот жараёнига бевосита алоқадор, яъни хозирги замонга боғлиқ бўлиши лозим.

Эмоция – (лот.emovek – уйғотиш, тўлқинлантириш) одамларнинг субъектив ифодаланган ички ёки ташки қўзғатувчилар таъсирига жавоб реакцияси.

Эмоционал таъсирчанлик – ўйинни бошлаш учун қилинадиган таклифларни жонли, қувноқ тарзда айтилиши ва иштирокчиларни ҳаракатларга келтириш жараёни.

Эмпатия – (юонон empathia - биргаликда дардлашмоқ) бошқа одамларнинг психик ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик қилиш қобилияти.

“Ягона микрофон” – бир иштирокчи сўзлагандан, бошқалар унга диққат билан қулоқ солиши ва гапини бўлмаслиги, бирғўрининг шахсизи ҳурмат қилиши.

Ўйин – кишиларнинг иш – ҳаракатларини, одамлар ўргасидаги ўзаро муносабатларни акс эттиришда ифодаланган ва теварак – атрофдаги борлиқни билишга қаратилган фаолият.

Ўйиннинг жадаллиги – ўйинни давом этиш тезлиги.

Ўз – ўзини англаш – индивиднинг ўзи ҳақида нисбатан барқарор англанган тасаввурлар тизими.

Кўркув – одамнинг ўзига ёки яқин кишиларига тааллукли бўлган ҳақиқий ёки хаёлий хавф – ҳатарга нисбатан юзага келган эмоционал ҳолат.

Ҳамкорлик – бу ҳолат барча иштирокчиларнинг ўзаро манфаатларини ҳисобга олган ҳолда мулоқотда бўлиш ва муаммоли вазиятни охиригача ҳал этишга интилишдир.

Ҳиссиёт – одамнинг юксак эҳтиёжларини қондириш ёки қондирмаслик қобилиятининг мавжудлиги ва психик образ яратади олиш натижасида унинг теварак-атрофдаги оламга бўлган муносабатларининг онгда акс эттирилишидан иборат жараён.

Хулқ-атвор нормалари – жамият томонидан қабул қилинган ахлоқий меъёрларга асосланган хулқ-атвор.

АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Захаров В.П. Хрящева Н.Ю. Социально-психологический тренинг. Л. 1990г.
2. Петровская Л. А. Теоретические и методические проблемы социально-психологического тренинга. М. 1982г.
3. Вачков И.В., Дерябо С.Д. Окна в мир тренинга. Методологические основы субъектного подхода к групповой работе. С.П.б 2004г.
4. Организация и проведение тренинга. Учебное пособие/Под. Ред. Федотова А.В.Л.: ЛГТУ,1991г
5. Макшанов С.И. Психология тренинга. С.П.б 1997г.
6. Марсанов Г.И. Социально – психологический тренинг М. 1998г.
7. Емельянова Ю.Н. Активное социально психологическое обучение. Л.1985г.
8. Лютова Е.К. Монина Г.Б. Тренинг эффективного взаимодействия с детьми. С.П.б 2001г.
9. Макшанов С.И., Хрящева Н.Ю. Психогимнастика в тренинге. М. Спб. 1993.
10. Ромонова Е.С., Потемкина О.Ф. Графические методы в психологической диагностике М. Дидакт 1992г.
11. Форверг, Альберг Т. Характеристика социально – психологического тренинга поведения / Психол. Журнал. 1984г №4.
12. Жуков Ю. М., Петровская Л.А., Растворников Диагностика и развитие компетентности в общении. М. МГУ 1990г.

13. Анисимов О.С. Развивающие игры и игротехника. Новгород.Л.1989г.
14. Робер М.А., Тильман Ф. Психология индивида и группы.
15. Шмидт И. , Хенке М. Вербальные и невербальные коммуникативные средства тренера-психолога: влияние различных действий тренера на тренируемых./Средовые условия групповой деятельности. Таллинн.1988г.
16. Рудестам К. Групповая психотерапия. М. Изд. Группа «Прогресс-Универс»,1993г
17. Г.Р.Замалдинова, А.М. Ялов Тренер и группа секреты успеха.
18. В.А. Ананьев Избранные технологии психологического консультирования.2001г.
19. Цень Н.В., Похомов Ю.В. Психотренинг: игры и упражнения М. 1988г.
20. Вачков И.В., Дерябо С.Д. Окна в мир тренинга. Методологические основы субъектного подхода к групповой работе. С.П.б 2004г.

Н.ИСМОИЛОВА, Д.АБДУЛЛАЕВА

ТРЕНИНГ ЎТИШ МЕТОДИКАСИ

Босинига руҳсат этилди 28.05.2009 йил. Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$.
«Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоги 6,0. Тиражи 500.
Буюртма № 82.

«Fan va texnologiya Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100003, Тошкент шахри, Олмазор кўчаси, 171-уй.